
З.С.Артиков
BUSINESS NETWORK
МОНОГРАФИЯ
АҲОЛИ ҲАЁТ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШДА САВДО ХИЗМАТИНИНГ ЎРНИ

**З.С.Артиков**

# АҲОЛИ ҲАЁТ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШДА САВДО ХИЗМАТИНИНГ ЎРНИ

**МОНОГРАФИЯ**

“FAN BULOG’I” нашриёти

**Самарқанд - 2021**

**КБК: 65.9(5Ў)-94**
**УДК: 330.59:339(575.1)А80**

**Артиков Зокир Сайфиддинович**
Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда савдо хизматининг ўрни: З.С.Артиков./Монография/ - Самарқанд: “FAN BULOG’I” Нашриёти, - 2021. 164 bet.

**Илмий маслахатчи:** иқтисодиёт фанлари доктори, проф. Туйчиев Алишер Жўраевич

**Тақризчилар:** иқтисодиёт фанлари доктори, проф. Арабов Нурали Уролович

иқтисодиёт фанлари доктори, проф. в.б. Шадиева Гулнора Мардиевна

*Мазкур монография Ўзбекистон Республикасида аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини ифодаловчи кўрсаткичларни миллий ҳисоблар тизими (МҲТ-2008) асосида такомиллаштириб, аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда савдо хизматлари соҳасининг ўрнига баҳо бериш, савдо корхоналарида хизматлар самарадорлиги ва сифатини ошириш жараёнида инновацион омиллардан самарали фойдаланиш орқали савдо кластерини ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишга бағишланган.*

*Монографияда мамлакатимизда савдо хизматларининг ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсирини халқаро таснифлагич ва мезонлар асосида баҳолаш усуллари, сотиш билан боғлиқ хизматларга кетадиган харажатларни камайтириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида улар ўзгаришига таъсир этувчи омиллар, уларни баҳолаш ва таъсирини аниқлаш йўллари такомиллаштирилди. Шунингдек эконометрик моделларни тузиш асосида аҳоли фаровонлигини ошириш ва савдо хизматларини ривожлантиришнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди.*

Монография Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Кенгашининг 2021 йил 28-октябрдаги 3-сонли баённомасининг тегишли қарори билан тасдиқланган.

**ISBN: 978-9943-7641-6-3**

© Артиков З.С.
© “FAN BULOG’I” нашриёти, 2021

## МУНДАРИЖА


**КИРИШ..... 5**

**1-боб. Савдо хизматини такомиллаштириш орқали аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини оширишнинг назарий масалалари..... 11**

1.1. Аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини таъминловчи неъматлар, уларнинг турлари, таснифи ва баҳолаш йўллари ……..…… 11

1.2. Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши ва унда савдо соҳасининг ўрни..... 21

1.3. Савдо хизмати ва аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати ўртасидаги диалектик боғлиқликнинг назарий масалалари.. 34

**2-боб. Савдо хизматларини такомиллаштириш орқали инсон манфаатлари, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш йўллари..... 48**

2.1. Инсон манфаатлари, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари..... 48

2.2. Аҳоли фаровонлигининг миллий модели ва уни ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолашда савдо хизматлари билан боғлиқлигини таъминлаш йўллари..... 65

2.3. Аҳоли фаровонлигига таъсир этувчи савдо хизматларини такомиллаштириш билан боғлиқ омиллар, уларнинг таснифи ва ҳисоблаш йўллари..... 81

**3-боб. Аҳоли фаровонлиги ўзгаришига таъсир этувчи савдо хизматлари самарадорлиги билан боғлиқ омилларни аниқлаш усулларини такомиллаштириш..... 95**

3.1. Аҳоли фаровонлиги ўзгаришига таъсир этувчи савдо

соҳаси самарадорлиги билан боғлиқ омиллар ва уларни аниқлаш йўллари..... 95
3.2. Савдо корхоналари меҳнат самарадорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ва уларни ҳисоблаш йўллари..... 105
3.3. Ўзбекистонда ЯИМ ва бошқа аҳоли фаровонлиги билан боғлиқ кўрсаткичларнинг прогнози..... 114
**Монография бўйича хулосалар.....……. 135**
**Адабиётлар рўйхати…… 141**
**Иловалар……... 161**

# КИРИШ

Жаҳонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида аҳоли фаровонлиги, турмуш даражаси ва сифатини ошириш пировард мақсад бўлиб ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришишда мамлакатлар савдо хизматининг ролини ошириш муҳим омил бўлиб, бу борада жаҳон миқёсида савдо соҳасини янада ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, ички ва ташқи бозорлардаги конъюнктура ўзгаришини инобатга олган ҳолда товарларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, бугунги кунда жаҳон савдо соҳасининг ривожланиши электрон тижорат даражасига қадар кўтарилиб, «электрон тижоратнинг кўлами 2,8 трлн. АҚШ доллари ва ўсиш суръатлари 20-25 фоизни ташкил этмоқда»[1]. Бу кўрсаткичлар жаҳон миқёсида савдо хизматларининг такомиллашаётганидан далолат бериб, ўз навбатида, аҳоли фаровонлиги, турмуш даражаси ва сифатини оширишга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Жаҳонда савдо соҳасини самарали ривожлантиришга, бозорларда рақобатбардош маҳсулотларнинг турларини кенгайтиришга оид ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштириш, соҳа хизматлари самарадорлигини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш масалалари ҳам устувор вазифалар сифатида баҳоланмоқда. Бугунги кунда савдо жараёнини рационал ташкил қилиш ва савдо соҳасини ривожлантириш ҳажмининг ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларини асослаш ҳамда сотиш хизматлари самарадорлигини оширишда синергетик самарадорлик ва кластер ёндашувларни самарали қўллаш юзасидан олиб борилаётган тадқиқотлар кўлами янада кенгайтирилмоқда. Буларнинг барчаси аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган бўлиб, шу жиҳатдан савдо соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилишни тақозо қилади.

[1] We ARE Social халқаро агентлигининг йиллик ҳисоботи. http://wearesocial.com/global-digital-report-2019.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий сиёсатнинг ва барча ислоҳотларнинг пировард мақсади аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилгандир. Бу борада жуда кўп ишлар қилинганлигига қарамасдан, унинг айрим масалалари назарий жиҳатдан ўз ечимини топмаган. Улардан бири – инсонларнинг ҳаёт даражаси ва сифати тушунчаларининг назарий жиҳатдан асосланган таърифи, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқилмаганлиги, мазкур масаланинг савдо хизмати билан қиёсий ўрганилмаганлиги кабиларни келтириш мумкин. Савдо соҳаси иқтисодиётнинг ҳам, ижтимоий ҳаётнинг ҳам ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиётини юқори суръатлар билан барқарор ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, одамлар ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун мустаҳкам асос яратмоқда. «Аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида жорий йилда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори ўтган йилларга нисбатан сезиларли равишда оширилди. Хусусан, педагог ходимларнинг иш ҳақи сўнгги 10 йилда биринчи марта 50 фоизгача кўпайтирилди. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли, аҳолининг реал умумий даромадлари 2017 йилга нисбатан 12 фоизга ошди»[2]. Бундай натижаларга эришишимизга иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми бўлган савдо соҳасининг ҳам муҳим ўрни бор. Шу жиҳатдан мазкур йўналишдаги тадқиқотларни амалга оширишда мазкур монография мавзуси ўта долзарб ҳисобланади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Савдо хизматлари самарадорлигини ошириш ва аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масалалари хорижлик олимлар А.И.Брестский, М.А.Вахрушина, А.М.Гремонков, Г.Н.Кабушинская, А.М.Гремонков, С.М.Левко, Kassv Kubayo Seko, Sang Hyo Kim, Уест Лафайетт, И.Д.Михалаки, Г.Н.Кабушинская,

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 29 декабрь.

О.М.Петрушина кабиларнинг[3] илмий ишларида ўз аксини топган. Шунингдек, М.Қ.Пардаев, К.Б.Уразов, М.М.Муҳаммедов, Ғ.Ҳ.Қудратов, Қ.Ж.Мирзаев, И.С.Тухлиев, Б.А.Абдукаримов, Н.У.Арабов, И.С.Очилов, Н.А.Комилова, Ж.Р.Ураков, Б.Ш.Сафаров, Ю.П.Ўринбаева, Ш.А.Султонов кабиларнинг[4]илмий изланишларида хизматларнинг умумий масалалари, сотиш хизматлари самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар кўтарилган. Ушбу масала иқтисодий адабиётларда жуда кам ёритилган. Бу борада М.Қ.Пардаев ва М.О.Мамаюнусованинг тадқиқотлари [5] диққатга сазовордир. Аммо бошқа адабиётларда айнан савдо соҳасининг аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати билан боғлиқлиги ва уларни ифодаловчи кўрсаткичлар кам ёритилган. Шу туфайли ушбу масала мазкур тадқиқотнинг асосий негизини ташкил қилади.

Мазкур монографияни ёзишда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини ифодаловчи кўрсаткичларни миллий ҳисоблар тизими (МҲТ-2008) асосида такомиллаштириш;

аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда савдо хизматлари соҳасининг ўрнига баҳо бериш;

савдо корхоналарида хизматлар самарадорлиги ва сифатини ошириш жараёнида инновацион омиллардан самарали фойдаланиш мақсадида савдо

---

[3] Disser.tsutmb.ru., http/www.dissercat.com., http/www.dissercat.com., dlin.rsl.ru/Coaderview., http/pscgspace/cgiav /org., http/setd/ohiolink/edv., Как торговаться на восточном базаре. / Авт. – сост. А.И.Брестский. М.: АСТ; Мн.: Харвест, 2006. – 96 с., Бухгалтерский учет в сфере услуг. Учебник. М.А.Вахрушина, Т.П.Карпова, А.М.Петров и др.- М.: Рид Групп, 2011. – 576 с.,http/setd.ohiolink.edv., http/www.dissercat.com.

[4] Қудратов Ғ.Ҳ., Абдукаримов Б.А., Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Савдо иқтисодиёти муаммолари. Ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти, 2016. – 508 бет, Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. 2-нашр.– Т.: ”IQTISOD-MOLIYA”, 2010. – 384 б., Абдукаримов Б.А., Комилова Н.А., Абдукаримов Ф.Б. Актуальные вопросы развития торговли в Узбекистане. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2010. – 96 б.,Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2011. – 172 б., Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Очилов И.С. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2014. – 384 б., Абдураҳмонов Х.Х., Арабов Н.У., Холмухамедов М.М. Аҳоли даромадлари ва турмуш сифати. Ўқув қўлланма. Т.: “Тафаккур бўстони”. 2014. 242 б., Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётининг айрим муаммолари. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2014. – 264 бет., Ураков Ж.Р. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2013. – 127 бет., Ўринбаева Ю.П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари. Монография. – Т.: “Фан” нашриёти, 2013. – 144 бет., Султонов Ш.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ҳудудий муаммолар ва ечимлар. Монография. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2013. – 7-19 бетлар.

[5] Пардаев М.Қ., Мамаюнусова М.О. Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни аниқланиш ва таҳлил қилиш йўллари. //Иқтисодиётнинг реал сектори самарадорлигини оширишда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш масалалари. Республика ИАК материаллари. (2015 йил 10 апрель). – Т.: 2015. – 274-277 бетлар.

кластерини ташкил этиш ва аҳолининг фаровон турмуш даражасини таъминловчи кўрсаткичларни такомиллаштириш ва уларни аниқлаш йўлларини ишлаб чиқиш;

савдо корхоналарини модернизациялаш ва диверсификация қилиш билан боғлиқ омилларни ҳисобга олиб, савдо хизматлари сифати ва товар айланмасининг ўзгаришига таъсирини ишлаб чиқиш;

савдо хизматларининг ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсирини халқаро таснифлагич ва мезонлар асосида баҳолаш усулларини такомиллаштириш;

эконометрик моделларни тузиш асосида аҳоли фаровонлигини ошириш ва савдо хизматларини ривожлантиришнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

сотиш билан боғлиқ хизматларга кетадиган харажатларни камайтириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида улар ўзгаришига таъсир этувчи омиллар, уларни баҳолаш ва таъсирини аниқлаш йўлларини такомиллаштириш;

сотиш хизматлари ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи ташкилий-иқтисодий омилларни аниқлаш, уларни таснифлаш ва ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш;

сотиш хизматларини кўрсатувчи корхоналарда ходимлар шахсий масъулиятини оширишда фаолият самарадорлигини кўтаришнинг муҳим омили эканлигини асослаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида», 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5813-сон «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги 55-сон «2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишдан келиб чиқган ҳолда мазкур монография иши тайёрланди.

Монография Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг «Иқтисодиётни модернизациялаш ва инновацияни жорий қилиш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Ушбу монографияда аҳоли ҳаёт даражасининг амалдаги кўрсаткичлари таркиби савдо хизмати соҳасига бевосита ҳамда билвосита таъсир кўрсатувчи товарлар хариди муддати, уй-жой таъминоти, даромадлар тафовути, иқтисодий хавфсизлик ва бандлик даражасини тавсифловчи кўрсаткичларни киритиш асосида кенгайтирилган. Савдо хизматини ривожлантириш имконини берувчи савдо кластери фаолиятини фаровонлик, хавфсизлик, инсон саломатлиги, ҳаёт сифати ва даражаси, маҳалла институти ҳамда аёллар фаоллигини таъминлаш жиҳатидан олтита гуруҳ кўрсаткичлар орқали баҳолаш таклиф этилган. Савдо хизмати сифати ва самарадорлиги ҳамда аҳоли фаровонлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш усулини такомиллаштириш асосида савдо хизматларининг ялпи ички маҳсулот ва аҳоли фаровонлигини ошишига таъсири аниқланган ҳамда Ўзбекистонда аҳоли фаровонлигини ошириш ва савдо хизматларини ривожлантиришнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Ушбу монография олий ва ўрта махсус таълим муассасалри талабаларига, магистирларига, илмий тадқиқотчиларига ва савдо хизматини кўрсатувчи субъектлар раҳбарлари ва мутасади ходимларига мўлжалланган.

# 1-БОБ. САВДО ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ҲАЁТ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

## 1.1.Аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини таъминловчи неъматлар, уларнинг турлари, таснифи ва баҳолаш йўллари

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар аҳолининг тўлиқ маънодаги фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Бунда аҳоли эркин яшаши учун тегишли неъматлар билан тўлиқ таъминланган бўлиши лозим. Шу туфайли, фаровонликни тадқиқ қилишдан олдин унинг асосини ташкил қилувчи неъматларни қараб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб топдик. Инсон ўз эҳтиёжига етарли даражада неъматлар (уй-жой, озиқ-овқат, хотиржам ҳаёт, тинч мамлакат, адолатли жамият ва ҳ.к.лар) билан таъминланган бўлса, бундай инсон ўзини фаровон яшаётган ҳисоблайди. Буларнинг ҳаммаси неъмат деган категория билан ифодаланади. Шу туфайли ушбу тушунчанинг таърифини келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки ушбу анъанавий атама жуда кўп ишлатилишига қарамасдан, унинг мукаммал таърифи етарли даражада ишлаб чиқилмаганлигига ҳам гувоҳ бўлдик.

**Неъмат** деганда, якка ва ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган товарлар, хизматлар ва инсонга берилган қобилият, малака, билим даражаси кабилар мажмуи тушунилади.

Неъматларнинг турлари икки хил бўлади: моддий ва номоддий. Буларни қуйидагича ифодалаш мумкин (1-расм).




**1.1-расм. Жами неъматларнинг турлари**[6]

[6] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


Ушбу неъматларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Моддий неъматлар инсонларнинг жисмоний эҳтиёжини қондирса, номоддий неъматлар, маънавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Булар қуйидагича изоҳланади (1.1-жадвал).

**1.1-жадвал**

**Моддий ва номоддий неъматларнинг тавсифи**

| Неъматларнинг номи | Неъматларнинг тавсифи |
|---|---|
| **Моддий неъматлар** | Моддий неъматларга кўзга кўринадиган, нарсалар шаклида бўлиб, ундан бугун ва келажакда фойдаланиш мумкин бўлган неъматлар киради. Булар ер, сув, ҳаво, иқлим, қазилма бойликлар, иқтисодиёт соҳасида етиштириладиган товар ва маҳсулотлардан иборат. |
| **Номоддий неъматлар** | Номоддий неъматларга, ушлаб бўлмайдиган, аммо моддий неъмат яратишда фаол иштирок этадиган кўзга кўринмайдиган неъматлар киради. Бунга инсоннинг қобилияти, малакаси, билим даражаси кабилар киради. |

Ҳар бир неъмат ўз навбатида бир қанча элементлардан ташкил топади. Масалан, номоддий неъмат ҳам иккига бўлинади: ички неъмат ва ташқи неъматларга. Уларнинг боғлиқлигини қуйидагича ифодалаш мумкин (1.2-расм).





**1.2-расм. Номоддий неъматларнинг турлари**[7]

Қайд этиш жоизки, мазкур расмда номоддий неъматларнинг ички ва ташқи неъматларга бўлиниши маълум маънода шартли равишда олинган. Чунки номоддий неъматларнинг мавжудлиги хусусида тегишли ҳужжатлар ҳам бўлиши мумкинки, улар номоддий неъматларнинг моддий ифодаси сифатида намоён бўлади. Неъматлар турли кўринишда ва шаклда намоён бўлганлиги туфайли уни бир қанча белгилари бўйича таснифлаш лозим бўлади. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, неъматлар қуйидаги тўртта белгиси бўйича

[7] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

таснифланади: истеъмол қилиниши бўйича, натурал кўриниши бўйича, фойдаланиш даври бўйича ва бир-бирини алмаштириш даражаси бўйича. Бу қуйидаги чизмада ўз аксини топган (1.3-расм).




**1.3-расм. Барча неъматларнинг таснифланиш белгилари**[8]

Расмда ифода этилганидек, барча неъматлар тўртта белгиси бўйича таснифланар экан. Уларнинг моҳиятини чуқур англаш учун ҳар бирини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Чунки, инсонлар фойдаланаётган неъматларнинг ҳаммаси унинг ҳаёти учун муҳимдир. Уларнинг қайсидир бир қисмини аҳамиятсиз ёки қайсидир бир қисмини жуда аҳамиятли, деб бўлмайди. Уларнинг ҳаммаси маълум маънода яшашнинг ҳамма қирраларини таъминлаб туради.

Истеъмол қилиниши бўйича неъматлар иккига бўлинади: шахсий истеъмол ва жамоавий истеъмол. Бунинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган (1.4-расм).




**1.4-расм. Неъматларнинг истеъмол қилиш даражаси бўйича таснифи**[9]

[8] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
[9] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Неъматларнинг истеъмол қилиш даражаси бўйича таснифланганда, энг аввало шахсий истеъмолга мўлжалланган неъматларни кўришимиз мумкин. Бунга битта шахс томонидан истеъмол қиладиган овқатлар, шахсий кийим-кечаклар кабилар киради. Жамоавий неъматларга оилавий мулк шаклидаги уйлар, бошқа оилавий буюмлар (коса-товоқ, дастурхон, жавонлар ва ҳ.к.), шунингдек, меҳнат жамоасида фойдаланиладиган турли буюм ва ашёлар (стол-стуллар, кутубхона фондидаги китоблар, корхона жойлашган бинолар ва ҳ.к.) ҳам жамоавий неъматларга киради. Инсоннинг яшаши ва фаолияти учун шу икки турдаги неъмат ҳам зарур ва муҳимдир.

Неъматлар натурал кўриниши бўйича ҳам иккига бўлинади: буюм маҳсулот шаклида ва ахборот шаклида. Бу қуйидаги расмда келтирилган (1.5-расм).




**1.5-расм. Неъматларнинг натурал кўриниши бўйича таснифи**[10]

Неъматларни натурал кўриниши бўйича таснифлаганда, уларнинг бир қисми буюм, яъни маҳсулот шаклида намоён бўлади. Булардан бевосита ишлатишда, кийинишда, яшашнинг бошқа ҳолатларида фойдаланиш мумкин. Буларга кийим-кечак, машина, уй-жой кабилар киради. Аммо бир қисми ахборот шаклида намоён бўлади. Булардан асосан бирор нарса, ҳодиса ва жараёнлар тўғрисида хулоса қилиш учун фойдаланилади. Масалан, уйнинг ҳажми, ноннинг сони, ғалланинг оғирлиги (ҳажми), китоблар сони, юкнинг оғирлиги кабилар. Булар ҳам инсон ҳаётида унинг маълум йўналишларини тартибга солиш ва фойдаланиш учун қулайлаштириш учун фойдаланилади. Жумладан юкнинг оғирлигигига қараб, юклайдиган одам сони, ташийдиган транспортнинг тури кабиларни аниқлаш мумкин.

[10] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Неъматлар фойдаланиш даври бўйича ҳам иккига бўлинади: қисқа муддатли ва узоқ муддатли. Буларнинг боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган (1.6-расм).




**1.6-расм. Неъматларнинг фойдаланиш даври бўйича таснифи**[11]

Расмда келтирилган неъматларнинг фойдаланиш даври бўйича таснифига назар ташланса, уларнинг бир қисми қисқа муддатли бўлиб, маълум вақт оралиғида фойдаланилади. Агар бир кунни оладиган бўлсак, шу жорий кунда фойдаланиладиган бўлса, улар қисқа муддатли неъматларга киради. Агар уларнинг фойдаланиши бир ой, бир йил бўладиган бўлса ҳам шу даврда истеъмол қилиниши лозим. Муддати ўтгандан кейин бундай неъматлар яроқсиз ҳолатга келиб қолади. Узоқ муддатли фойдаланиладиган неъматларнинг яроқлилик ва ишлатиш даври узоқ муддатга, яъни бир йилдан ортиқ ва яроқлилик муддати белгиланмаган ҳолда фойдаланиш мумкин бўлган неъматлар киради. Масалан, уй-жойлар, машиналар каби ашёлар бунга мисол бўла олади.

Неъматларни бир-бирини алмаштириш даражаси бўйича ҳам иккига бўлинади: алмаштириладиган ва тўлдирадиган. Буларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйида келтирилган (1.7-расм).




**1.7-расм. Неъматларнинг алмаштириш даражаси бўйича таснифи**[12]

[11] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
[12] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Неъматларнинг таснифига алмаштириш даражаси бўйича қарайдиган бўлсак, энг аввало, алмаштириладиган неъматларни кўришимиз мумкин. Буларга агар бирор неъмат етарли бўлмаса, бошқасини худди шу мақсад учун алмаштириб истеъмол қилиш мумкин бўлган неъматлар киради. Масалан, суюқ овқатдан карам шўрва ичмоқчисиз, аммо у вақтинча бўлмаса, ўрнига шўрва истеъмол қилиш мумкин. Ёки қишда совуқдан сақланиш учун пальто кийиш керак, аммо сизда бори тўн бўлса, уни ҳам бемалол алмаштириб кийиб, совуқдан сақланиш мумкин бўлади. Тўлдирадиган неъматларга бир-бирини алмаштиришдан кўра, қўшиб ишлатса истеъмолга яроқлилик даражаси ошадиган неъматлар киради. Масалан, машинангиз ҳаётий эҳтиёжни қондиришга мўлжалланган энг зарур неъматлардан бири. Аммо унинг юриши учун бензин қуйиш керак. Ёки шунинг ўзига аккумулятор қўймасангиз ҳам шу машина ҳаракатга келмайди. Кўриниб турибдики, тўлдириладиган неъматлар ҳам улардан фойдаланиш учун муҳим аҳамиятга эга экан.

Аҳолининг фаровонлигига жуда кўп омиллар таъсир этади. Аҳоли фаровонлигидаги ролини ва ўрнини аниқлаш учун фаровонлик тушунчасига қисқача тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Энг аввало ушбу тушунчанинг таърифи тўғрисида бир тўхтамга келиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Фаровонлик тушунчасининг таърифи бўйича мамлакатимизда ижод қилаётган олимлар турли фикрларни айтмоқдалар. Фаровонлик тушунчасининг таърифи бўйича турли олимлар жумладан, Х.Х.Абдураҳмонов, Н.У.Арабов, М.М.Холмухамедовлар “**Фаровонлик** –бу аҳолининг ҳаёт учун зарур моддий, ижтимоий, маданий ва маънавий бойликлар, яъни инсон эҳтиёжларини қондирувчи элементлар, хизматлар ва шароитлар билан таъминланганлигидир” [13] , деган таърифга тўхталган. Қ.Х.Абдурахмонов, А.Ш.Бекмуродовлар раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар “**Фаровонлик** – аҳоли турмушининг ижтимоий-иқтисодий шароитлари ва эҳтиёжлари

[13]Х.Х.Абдураҳмонов, Н.У.Арабов, М.М Холмухамедов. Аҳоли даромадлари ва турмуш сифати. Ўқув қўлланма. Т.: “Тафаккур бўстони”. 2014. 242 б.

қондирилганлигининг даражасидир”[14], деган тушунчани бермоқдалар. Яна бир гуруҳ олимлар А.Ўлмасов, А.Ваҳобовлар “**Фаровонлик** истеъмол билан чекланмай, ҳаёт кечиришнинг нақадар қулайлигини ҳам талаб қилади”[15], деган тўхтамга келишган. Яна бир гуруҳ олимларимиздан М.Қ.Пардаев, Ш.Олтаев, О.М.Пардаева ва Н.Б.Тагировалар ушбу тушунчага кенгроқ тўхталиб, тўлароқ мазмунга эга таърифни келтирганлар. “**Фаровонлик** деганда, аҳолининг яшаши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар, яъни инсоний эҳтиёжларни қондиришга қаратилган маҳсулотлар ва хизматларнинг миқдори ва сифати ҳамда тегишли шароитлар етарли даражада таъминланиши билан бирга аҳоли яшаётган мамлакатда тинчлик ва хотиржамликнинг ҳукм суриши тушунилади”, деб тўлароқ мазмун билан таърифи келтирилган.

Айрим иқтисодиёт назариясига оид адабиётларда фаровонлик тушунчасининг таърифи келтирилмаган [16] . Фаровонлик тўғрисидаги таърифларни назарий жиҳатдан таҳлил қилиб, уларнинг афзалликлари ва камчиликларини эътироф этган ҳолда ўзимизнинг таърифимизни ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик. Шуни эътироф этиш керакки, айрим адабиётларда[17] фаровонлик тушунчасига жуда кенг қамровли тушунча сифатида ёндошиб, “Ижтимоий фаровонлик”, “Оилавий фаровонлик”, “Оила хўжалиги фаровонлиги” тушунчаларининг ҳам таърифлари келтирилган.

Муаллифлардан М.Қ.Пардаев, Ш.Олтаев, О.М.Пардаева, Н.Б.Тагировалар асарларида ижтимоий фаровонликка қуйидагича таъриф берилган. Улар томонидан тайёрланган илмий тавсияда “**Ижтимоий фаровонлик** деганда, аҳолининг ҳаёт кечиришининг нақадар қулайлигини таъминлайдиган унинг хавфсизлигини, хотиржамлигини, соғлигини, саводхонлиги каби маънавий эҳтиёжларини таъминлаш билан боғлиқ тадбирлар мажмуасининг мавжудлиги

[14]Абдурахмонов Қ.Х., Бекмуродов А.Ш. ва бошқа-лар. Инсон тараққиёти. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2013 – 207 б.
[15] А.Ўлмасов, А.Ваҳобов. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: “Иқтисод-молия”. 2014. – 396 б.
[16] Шодмонов Ш.Ш., Мамарахимов Б.Э.Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. Т.: “Иқтисод-молия”. 2016. – 544 б., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. Т.: “Фан ва технология”. 2017. – 688 б.
[17] Пардаев М.Қ., Олтаев Ш., Пардаева О.М., Тагирова Н.Б. Ҳар бир оилада тадбиркорлик – ўзини-ўзи банд қилиш имконияти. Амалий тавсия. Самарқанд, СамИСИ, 2018. – 240 бет.

тушунилади” [18] . Ушбу таърифдан кўринб турибдики, ижтимоий фаровонликнинг мазмуни оддий фаровонликни тўлиқ ўз ичига олиш билан бирга мазмун жиҳатидан кўлами анча кенг.

Умуман олганда биз юқоридаги олимларнинг (М.Қ.Пардаев, Ш.Олтаев, О.М.Пардаева, Н.Б.Тагирова) фикрларига қўшиламиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Чунки мазкур масалага атрофлича ёндошган ва ҳар бир таъриф назарий жиҳатдан асосланган. Шу билан бирга ушбу таърифга ўзимизнинг муносабатимизни билдирамиз. Чунки, фаровонлик тушунчаси ўта мураккаб бўлиб, у ўз ичига таърифда келтирилган барча жиҳатларни қамраб олиш билан бирга инсонлар яшаётган жамиятда адолат ўрнатилган бўлмаса, одамларда қандайдир норозиликлар пайдо бўлиши мумкин. Шу туфайли ушбу тушунчани мазкур таърифга киритиган ҳолда уни бироз такомиллаштиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фаровонлик тушунчасига қуйидаги **“Фаровонлик деганда, аҳолининг яшаши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматлар, яъни инсоний эҳтиёжларни қондиришга қаратилган маҳсулотлар ва хизматларнинг миқдори ва сифати ҳамда уларнинг бемалол истеъмоли учун тегишли шароитлар етарли даражада таъминланиши билан бирга аҳоли яшаётган мамлакатда тинчлик, хотиржамлик ва адолатнинг ҳукм суриши тушунилади**”[19], деган таърифни бердик.

Ушбу таърифдан ҳам кўриниб турибдики, фаровонликнинг асосида турли неъматлар билан таъминланганлик ётар экан. Юқорида таъкидланганидек, биринчи гуруҳ неъматларга алмаштириладиган неъматлар киришлиги кўрсатилган. Бунда истеъмол учун зарур бўлган неъматларнинг бири бўлмаса, иккинчисини ишлатиш ёки истеъмол қилиш мумкин. Масалан, қовурилган гўштнинг ўрнига қайнатилган гўштни истеъмол қилиш мумкин. Ёки овқатга

[18] Ўша жойда. – 24 бет.

[19] Бизнинг ушбу таърифимиз нашр қилинган.“Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари туризми ривожланишининг муаммолари ва истиқболлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман (Самарқанд, 2018 йил 10-12 декабрь) II-қисм. 321-323 бетлар.

нўхот солиш керак бўлса, ўрнига мош солса ҳам бўлиши мумкин. Худди шундай тарзда булар бир-бирини алмаштиради.

Иккинчи йўналиш бир-бирини тўлдирадиган бўлиб, бунга бир мисол тариқасида, автомобиль балонини келтириш мумкин. Ҳаммаси соз. Аммо балони бўлмаса, ушбу соз уловдан фойдаланиб бўлмайди. Ёки ҳаммаси жойида, аммо бензини бўлмаса ҳам ундан фойдалана олмайсиз. Шу туфайли неъматлар бир-бирини тўлдириб боради. Булар бир-бири билан боғлиқ равишда тўлиқ бўлмаса, мақсадга эришиш қийин. Масалан машинанинг юриши учун ҳамма нарсаси тўлиқ бўлиши лозим. Масалан ҳаммаси бўлиб аккумулятори бўлмаса ҳам машина юрмайди. Шу туфайли ушбу неъматларнинг мавжудлиги ҳам маълум маънода эътиборни талаб қилади.

Фаровонлик барча неъматларнинг етарлилиги билан ўлчанади. Юқорида келтирилган неъматлар мамлакат миқёсида яратилади. Аммо улар аҳолига тенг тақсимланмайди. Ҳар бир киши меҳнатига яраша маблағ олади ва маблағига яраша неъматлардан сотиб олади ва истеъмол қилади. Шу туфайли, фаровонликнинг даражаси ҳар бир кишида ҳар хил бўлади. Бу уларнинг ўз маблағларига харид қилиш қобилиятига боғлиқ. Аҳолининг харид қилиш қобилияти ҳар бирининг реал даромадига боғлиқ.

Аҳолининг реал даромади асосан қуйидаги бешта омилга боғлиқ:

– ҳар бир кишининг олган даромадига;

– товар ва хизматларнинг чакана баҳосига;

– солиқларнинг даражасига;

– таклифга мос товар ва хизматларнинг мавжудлигига;

– инфляция даражасига.

Мамлакатимизда аҳолининг фаровонлигини таъминлаш учун албатта товар ва хизматларни кўплаб ишлаб чиқариш лозим. Аммо, аҳолининг олган даромади, шу маҳсулотларни харид қилишга етмай турса, фаровонлик ҳақида гапиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Маҳсулот кўп, маблағ етарли бўлсаю, аммо товар ва хизматларнинг чакана баҳоси ҳам юқори бўлса, фаровонлик тўкис

бўлмайди. Бунда аҳолининг харид қилиш қобилияти кескин камайган бўлади. Яна бир омил мамлакатимизда аҳолидан олинадиган солиқлар ҳам кўп бўлса, олинган даромаднинг бир қисми шунга сарфланади ва аҳолининг фаровонлигига салбий таъсир қилади. Даромадларимизни ошириб борсагу, унданда тезлик билан инфлация юз берса, аҳолининг харид қобилияти яна зайифлашади ва мос равишда аҳолининг фаровонлиги ҳам етарли даражада бўлмайди.

Аҳолининг фаровонлигини ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади. Биринчидан, товар ва хизматларни ишлаб чиқаришни аҳолининг талабига мос ҳолда тизимли равишда ошириб боришга эришиш лозим. Товар ва хизматларнинг умумий ҳажми ва уларнинг таркибий тузилишлари ҳам асосан аҳолининг таклифга мос бўлишлигини тақозо қилади. Акс ҳолда битта маҳсулотдан кўп бўлиб, иккинчисидан етишмай турса, бу иқтисодий жиҳатдан ишлаб чиқарувчига катта зарар, иккинчидан аҳоли ҳам тегишли тарзда зарар кўради. Чунки, маблағи бўла туриб, тегишли неъматларни харид қилиш имконияти чекланган бўлади.

Иккинчидан, ҳар бир кишининг олган даромадини муттасил ошириб боришни тақозо қилади. Бунда асосий эътиборни бюджет ташкилотларида ишлайдиган шахсларга қаратиш мақсадга мувофиқ. Чунки, уларнинг яшаши ва даромадларининг асосий манбаи иш ҳақидан иборат бўлади. Ҳозирги пайтда аҳолининг аксарият қисми тадбиркорлик билан шуғулланади, улар ҳам нафақат истеъмоли учун, балки тадбиркорлигини юргизиш учун ҳам товар ва хизматлардан фойдаланишига тўғри келади. Шу туфайли аҳолининг оладиган даромадларини муттасил ошириб боришига эришиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, товар ва хизматларнинг чакана баҳосининг ҳам кескин ошиб боришининг олди олиниши учун эркин рақобат муҳитини яратиш лозимлигини тақозо қилади. Рақобат бор жойда баланд нарх билан муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шу туфайли маҳсулот сифатини муттасил ошириб бориш билан бирга, унинг нархини ҳам пасайтириб боришни тақозо қилади.

Тўртинчидан, мамлакатимизда аҳолидан олинадиган даромад, мол-мулк, ер солиғи ва бошқа мажбурий тўловларни камайтириш, ҳеч бўлмаганда ошириб бориш амалиётини қўлламаслик ҳам фаровонликни таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир. Ушбу сумманинг ошиб бориш масаласи ҳам ойлик маош ва бошқа даромадлар даражасидан ошириб юбормасликни талаб қилади.

Бешинчидан, солиқларнинг даражаси каби, инфляция даражаси ҳам барқарор бўлишликни талаб қилади. Чунки, инфляция қанча тез ўсиб борса, аҳолининг ижтимоий аҳволи ёмонлашиб бориши билан бирга мамлакатимиз иқтисодиётида ҳам реал юксалиш рўй бермайди. Нархнинг ошганлиги эвазига ошириб бажарилган ҳажм кўрсаткичлари аҳолининг фаровонлигини таъминлаши қийин. Масалан, аҳоли 2,0 %га ўсган бўлса, нон ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, баҳонинг ошганлиги ҳисобидан 2,2 %ни ташкил қилса, аммо олдинги йил даражасида натурал ҳажмда нон ишлаб чиқарилган бўлса, табиийки, ўтган йилга нисбатан аҳолининг жон бошига тўғри келадиган ишлаб чиқарилган нон миқдори камайган бўлади. Бу фаровонликни белгилаб бермайди.

## 1.2.Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши ва унда савдо соҳасининг ўрни

Аҳоли ҳаёт даражасини ошириш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Мустақилликка эришганимиздан сўнги Ўзбекистонда аҳоли ҳаёт даражасини ошириш бўйича бир қатор натижаларга эришилди. Мамлакатимизда 2017-2019 йиллар давомида олдинги ислоҳотларни давом эттириш ва уларни янгилаш натижасида иқтисодиётни юқори суръатлар билан барқарор ривожлантиришга эришилгани аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун мустаҳкам асос яратди. Бу албатта жуда кўп ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг ҳал қилинганлиги билан изоҳланади.

Мамлакатимизда аҳолининг фаровонлик даражасига таъсир қиладиган энг муҳим кўрсаткичлардан бири бўлган бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, песия ва стипендиялар ҳам анча ошди. Олдинги йилларда иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар 20-25 фоизга ошган бўлса, ҳозирги кунда 1,5 – 2,0 баробарга оширилмоқда.

Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини оширишнинг мустақиллик йилларида ташкил бўлган муҳим йўналишларидан бири одамларимизнинг тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадларининг вужудга келганлиги ва уларнинг ошиб боришида намоён бўлмоқда. Статистик маълумотларнинг кўрсатишича аҳоли даромадлари таркибида мазкур даромадларнинг улуши 2010-йилдаги 47,1 % ни ташкил қилган бўлса, 2015 йилга келиб 52 % га ўсди. 2018 йилда 58 % ни ташкил қилди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ушбу кўрсаткич Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги кўрсаткичлардан сезиларли даражада юқори эканлиги халқаро экспертлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Мазкур кўрсаткичнинг аҳамияти нафақат иқтисодий, балки ижтимой ва сиёсий жиҳатдан ҳам катта. Чунки аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорликдан олинган қисмининг кўпайиши мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини ошириш борасида бир қанча натижаларга эришилганлигини кўрсатади.

Биринчидан, мамлакат аҳолисининг фаровонлиги нафақат ойлик маош ҳисобидан, балки бошқа манбалар, асосан тадбиркорлик билан шуғулланиши ҳисобидан ҳам ошиб бораётганлигини кўрсатади.

Иккинчидан, бу кўрсаткичнинг миқдори аҳолининг жуда кўп қисми тадбиркорлик билан шуғулланаётганлигидан ҳам далолат беради. Бу эса ўз навбатида аҳолида мулкдорлик руҳиятини шакллантиради. Мазкур омил мамлакат сиёсий барқарорлигини ҳам таъминлаш учун муҳим омиллардан бўлиб ҳисобланади.

Учинчидан, мамлакат аҳолисининг ижтимоий аҳволининг яхшиланаётганлигидан ҳам далолат беради. Булар хизматларга бўлган

эҳтиёжни ҳам оширади. Сифатли хизматларнинг кўрсатилиши ўз навбатида, аҳолининг яшаш даражаси ва сифатининг ошаётганлигидан далолат беради.

Тўртинчидан жамиятда ўта камбағаллар, яъни кам таъминланган аҳолининг улуши аста-секинлик билан барҳам топиб бораётганлигини ҳам кўрсатади. Аҳолининг ушбу қатламига алоҳида аҳамият берилаётганлигини охирги йилларда (2017-2019 йиллар) амалга оширилган бир қанча ишларда (кам таъминланган ва ногиронлиги бор аҳолининг моддий аҳволини яхшилаш, уларни уй-жойлар билан таъминлаш каби тадбирлардан) ҳам кўриш мумкин.

Буларнинг бари Ўзбекистонда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб жамиятнинг ижтимоий табақалашув даражасини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилганлигининг ҳосиласи бўлиб ҳисобланади. Бизда, содда қилиб айтганда, ҳар бир фуқаро бугунги кунда бахтли яшашга ҳақли, деган тамойилга амал қилиб келинаётгани туфайли ушбу масалаларда ҳам сезиларли ютуқлар қўлга киритилди.

Ҳозирги пайтда аҳоли фаровонлигининг табақаланишини ўлчайдиган халқаро амалиётда «децил коэффиценти» деб ном олган кўрсаткич мавжуд. Бунда 10 фоиз таъминланган ва 10 фоиз етарлича таъминланмаган аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқ ҳисобга олинади. Ушбу кўрсаткич мамлакатимизда камайиш тенденциясига эга бўлиб бормоқда. Ушбу рақам 2010-йилдаги 8,5 фоиз ўрнига 2015-йилда 7,7 фоизни[20], 2018 йилда 7,5 фоизни ташкилэтди. Худди шунингдек, даромадлар ўртасидаги фарқни ифода этадиган яна бир халқаро кўрсаткич – Жини индекси бўлиб ҳисобланади. Бу борада ҳам маълум ютуқлар қўлга киритилди. Мамлакатимизда Жини индекси мустақилликнинг дастлабки йилларида 0,400 бўлган бўлса, 2010-йилдаги 0,390 ўрнига 2015-йилда 0,280 ни, 2017 йилда 0,269 ни ташкил этди. Ушбу натижалар ҳам дунёнинг кўплаб иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган давлатларига қараганда анча пастдир[21].

[20] **gazeta.norma.uz**/publish/doc/text 120950_islohotlarning_muhim_samarasi
[21] Абдимўминов О. Ислоҳотлар самараси ва халқаро эътироф. //WWW.uza.uz.01.06.2017.12:32.

Таъкидлаш жоизки, бундай натижаларга эришиш албатта осон иш эмас. Бу йўлда бир йиллик ёки беш йиллик давр ҳам камлик қилади. Бундай мақсадларга эришиш учун сўзда эмас, амалий ҳаракатларимиз билан кундалик ҳаётимизни ўзгартириш, изчиллик билан ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий тадбирларни олиб борганлигимиз натижасидир.

Мустақиллик йилларида аҳоли даромадларининг ортиши натижасида ички истеъмол талаби кенгаймоқда. Бу эса, ўз навбатида савдо хизматларига бўлган эҳтиёжни ҳам кенгайтириш имконини беради. Бу борада ҳам сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Ҳозирги пайтда бизнинг ҳисоб-китоблар бўйича, чакана савдо айланмаси бир йилда ўрта ҳисобда 19-23 фоиздан зиёд, пуллик хизматлар ҳажми эса 10-13 фоиз ўсмоқда.

Мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсиши ва истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини белгилаб беришга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор вазифа – бу хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожи йўлидаги барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш ва бу соҳага тўлиқ эркинлик беришдан иборат. Бу борада охирги йилларда Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамасининг ўнлаб фармонлари эълон қилинди ва қарорлари қабул этилди.

Таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда хусусий мулк ва инвестицияларнинг меъёрий-хуқуқий асосини яратиш ва уларнинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш, хусусий мулкдорлар учун зарур шарт-шароит ва кафолатлар туғдириб бериш бўйича кўп ишлар қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаттномасида тадбиркорларга давлат идоралари томонидан икки йил давомида текширишни таъқиқлаб қўйишди.

Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи, мамлакатимизда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг амалиёти айнан мана шундай мулк шаклининг давлат мулкига нисбатан ҳар томонлама устунлигини ишончли тарзда исботлаб бермокда. Хусусий корхоналарда сидқидилдан меҳнат қилишга ундайдиган омиллар ва шахсий манфаатдорлик даражаси ва энг

асосийси, ўзининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятининг якуний натижаси учун масъулият ҳисси бутунлай ўзгарган. Бу эса, тадбиркорликни ривожлантиришга ички туйғулар ҳам ишга тушиб, мотивация эвазига жадаллашиб бормоқда.

Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати давлат олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат самарадорлигини ифодалаб берувчи асосий мезон бўлиб, унинг ошиб бориши ижтимоий ривожланишнинг асосини ташкил этади. Шу боис барча соҳалар сингари савдо соҳасини ҳам ривожлантириш ва ушбу соҳани жаҳон андозалари даражасида ташкил қилиш масаласига ҳам тегишли тарзда эътибор қаратишни тақозо қилади. Бу эса мазкур соҳанинг мазмунан бутунлай янгиланганлигидан, шаклан туб ўзгаришларни содир этганлигидан билиш мумкин.

Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати инсон ҳаёти ва фаолиятининг қандайдир бир томони ҳақида тасаввур берувчи кўрсаткичлар тизими билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти “Халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш учун меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш тизимини шакллантириш ва аҳоли реал даромадларини оширишимиз зарур”[22], деб таъкидлади. Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун аҳоли даромадлари ва эҳтиёжларини, истеъмол даражаси ва таркибини, уй-жой, мулк, маданий-маиший буюмлар билан таъминланганлик ва бошқа кўплаб кўрсаткичларни уйғун ҳолда ўрганиш лозим. Аҳоли ҳаёт даражаси “ҳаёт сифати” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг боғлиқлиги турли илмий адабиётларда хорижлик ва республикамиз иқтисодчи олимлари томонидан етарли даражада ёритиб берилган.

**Ҳаёт сифати** – шахснинг, фаолият турларини, эҳтиёжлари таркибини ва уларни қондириш даражасини, инсоннинг жамиятдаги турмуш шароитлари ва табиат муҳити билан биргаликдаги муносабатларини тавсифловчи, турмушдан қаноатланиш ҳиссини яратувчи ҳаётий қадриятлари мажмуидир.

[22] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.

Бугунги кунда аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда савдо хизматларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этмоқда. Савдо хизмати савдо корхоналарида асосан истеъмолчилар учун кўрсатиладиган хизмат тури бўлиб у савдо хизматини янада самарали фаолият олиб боришида ва у орқали юқори натижаларга эришишида хизмат қилади.

Савдо корхоналарида кўрсатилаётган савдо хизматининг сифати ва даражаси савдо корхоналарининг рақобат курашида ғолиб чиқишлари учун асосий восита ҳисобланади. Шу сабабли ҳам ҳозирги замонавий рақобат кураши кескинлашиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида савдо корхоналарида кўрсатилаётган савдо хизматига алоҳида аҳамият беришмоқда.

**Савдо хизмати** – бу малакали сотувчилар томонидан харидорларга уларнинг эҳтиёжларини қондирадиган товарларни сотиб олгунига қадар ва сотиб олганидан кейинги даврда кўрсатиладиган юқори даражадаги иқтисодий фаолият натижасидир.

Бугунги кунда савдо хизмати савдо корхоналари фаолиятини самарали олиб бориш, фойдасини ошириш ва рақобат курашида устун бўлишларида муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Ушбу жараённи амалга ошириш орқали аҳолининг турли-туман ва кенг ассортиментдаги истеъмол товарларига бўлган талаблари қондирилиб уларнинг харид вақтлари тежалмоқда. Бунинг натижасида эса, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлиги ошиб бормоқда. Бироқ бу масалада ҳали жуда кўп ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Жумладан, ушбу тушунчанинг назарий жиҳатдан тадқиқ қилинмаганлиги оқибатида бу тушунча таърифининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги бунга яққол мисолдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, савдо соҳаси кенгайтирилган ишлаб чиқариш босқичларида муҳим бўғин бўлиб ҳисобланади. У ишлаб чиқариш билан истеъмолчи ўртасидаги кўприк вазифасини бажаради. Шу тариқа кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштиради (1.8-расм).





**1.8-расм. Савдо соҳасининг жамият иқтисодий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни**[23]

Ушбу расмдан ҳам кўриниб турибдики, савдо соҳаси нафақат иқтисодий, балки ижтимоий самарадорликни ошириш учун ҳам мустаҳкам замин бўлиб ҳисобланади. Чунки бу орқали ишлаб чиқарилган маҳсулот ўз истеъмолчиларини топади ва мос равишда истеъмолчилар ўзларига зарур бўлган товар ва маҳсулотларини савдо корхоналаридан харид қилиб олади. Шунинг учун бугунги кунда савдо корхоналарининг самарадорлигини ошириш масаласи ҳам ўта муҳим масалалар сирасига кириб бормоқда. Чунки аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда савдо хизматларининг ўрни беқиёс. Шу туфайли савдо хизматларининг турларига ҳам алоҳида аҳамият беришни тақозо қилади.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, савдо жараёнида кўрсатиладиган савдо хизматларининг турлари жуда кўп экан. Ушбу хизматларни тизимлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш учун барча хизматларни олтита таснифий белгиси бўйича таснифлашни тавсия қилдик. Ушбу белги бўйича савдо хизматлари яна бир қанча турларга бўлиниши мумкин (1.9-расм).

| | |
|---|---|
| **Хизмат кўрсатиш жойи бўйича** | Бевосита дўконда кўрсатиладиган хизмат |
| | Йўлда кўрсатиладиган хизмат |
| | Уйда кўрсатиладиган хизмат |
| **Хизмат кўрсатиш вақти бўйича** | Товарни олиб келгунча бўлган хизмат |
| | Товарни сотиш вақтида кўрсатиладиган хизмат |
| | Товарни сотгандан кейинги кўрсатиладиган хизмат |
| **Хизмат кўрсатиш муддати бўйича** | Тезкор тарзда кўрсатиладиган хизмат |
| | Кафолат даврида кўрсатиладиган хизмат |

[23] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.




**1.9-расм. Аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифати билан боғлиқ савдо хизматларининг таснифий белгилари бўйича турлари[24]**

Расмдан кўриниб турибдики, савдо соҳаси ижтимоий ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлиб, иқтисодий самарадорликни ошириш билан бирга аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга ҳам хизмат қиладиган муҳим соҳалардан биридир. Чунки савдо соҳаси мамлакат иқтисодиётини юксалтириш ва иқтисодий самарадорликни ошириш билан бирга аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати билан боғлиқ ижтимоий самарадорликнинг ошишига ҳам хизмат қилади. Буларни инобатга олиб тадқиқот жараёнида бир қанча илмий-амалий аҳамиятга молик тавсияларни ишлаб чиқдик. Булар жумласига:

1. Савдо корхоналарини ҳозиргидек, тадбиркорлар манфаатларидан келиб чиқиб эмас, балки истеъмолчилар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштиришга эришиш лозим, деб ўйлаймиз. Чунки мамлакатимизнинг чекка қишлоқларида савдо шохобчаларининг етишмаслиги туфайли, улар оддий уй-рўзғор анжомлари ва бошқа кундалик нарсаларни ҳам харид қилиш учун узоқ туман марказларига ёки йирик шаҳарларга боришига тўғри келмоқда. Бу эса уларнинг оилавий бюджетига салбий таъсир қилиш билан бирга асосий фаолиятининг барқарорлигига ҳам таъсир қилади.

2. Бугунги давр талабидан келиб чиқиб, мамлакатимизда электрон савдо тизимини кенг жорий қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Чунки кундалик маҳсулотларнинг кўпи харидорнинг алоҳида танловини талаб қилмайди. Шу туфайли бундай товарларга интернет орқали буюртмалар қабул қилиб,

[24] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

харидорнинг иш жойига ёки уйига етказиб бериш ҳам аҳолининг мушкулини анча енгиллаштирган бўлар эди. Зеро, харидорларнинг истеъмол учун сарфланадиган вақти тежалади ва шунинг эвазига турмушининг яхшиланишига имкон яратилади. Бўш вақт – инсон учун энг катта бойлик. Савдо соҳаси айнан шу бойликни кўпайтиришга хизмат қилади. Агар бизнинг тавсияларимиз амалга ошадиган бўлса, ўйлаймизки аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати айнан савдо соҳасини такомиллаштириш эвазига анча ошган бўлар эди.

Агар бизнинг тавсияларимиз тегишли тарзда меъёрий ҳужжатларда, ўқув адабиётлари ва амалиётда ўз тасдиғини топса, ўйлаймизки савдо хизматларини такомиллаштириш орқали ҳам аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш имконини беради.

Ҳозирги кунда аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масалаларининг савдога оид фанларда ёритилиш ҳолати режали иқтисодиёт шароитига нисбатан анча суст олиб борилмоқда. Аммо аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатининг савдо соҳаси билан боғлиқлигини назарий жиҳатдан ўрганиш учун энг аввало савдо соҳаси иқтисодиёти фанини ўрганишни тақозо қилади, чунки олдинлари савдонинг мазмуни билан бугунги савдонинг мазмуни бир-биридан фарқ қилиши, уни ўрганадиган фанда ҳам ўз ифодасини топмоғи лозим.

Маълумки, ҳар қандай фаннинг назарий масалаларига унинг предмети, объекти, мақсади, вазифалари, методи, усуллари, бошқа фанлар билан алоқаси, уни ташкил қилиш каби жиҳатлари киради. Ушбу масалаларни ҳал қилгач, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати билан қай ҳолатда боғлиқлигига аниқлик киритиш мумкин бўлади.

Энг аввало, мазкур фаннинг предметига тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Чунки дастлаб ушбу фан нимани ўргатишини англаб олишимиз лозим. Предмет сўзининг мазмунига ўзбек тилининг беш жилдлик изоҳли луғатида қуйидагича таъкидланади. Мазкур сўз рус тилидан олинган бўлиб, нарса,

объект деган маъноларни англатиши қайд этилган[25]. Сўнгра унга икки хил изоҳ берган. “1. Сезги аъзолари орқали ҳис қиладиган, онгимиздан ташқарида мавжуд бўлган ҳар қандай аниқ моддий нарса. 2. Айрим ўқув фанини ташкил этган билимлар мажмуи; ўқув фани дарс”[26], деган маъноларни англатиши қайд этилган.

Мазкур фаннинг предметини аниқлашда юқорида келтирилган изоҳнинг иккинчи қисмига таяниш мумкин. Чунки унинг мазмуни бевосита ундаги ўзига хос хусусиятларни ҳам ўзида ифодалаб турибди. Бугунги кунда олий ўқув юртларида “Савдо иқтисодиёти” фани ўрнига бевосита “Савдо иқтисодиёти муаммолари”[27] фани ўқитилмоқда.

Савдо иқтисодиёти муаммолари фани иқтисодиётга оид фанлар тизимига мансуб бўлиб, унинг предмети бевосита соҳада хўжалик юритувчи субъектларда рўй бераётган реал иқтисодий-ижтимоий жараёнлар, ҳодисаларни, уларнинг аҳамияти, ҳолати ва келажагини ёритиб, маълумот ёки хулосалар беришни ўрганишга қаратилганлиги билан ўзига хосдир. Ушбу зарурий ҳолат мазкур фаннинг предметининг таърифини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Чунки, юқорида номи келтирилган ўқув қўлланмада ҳам бошқа шунга ўхшаш ўқув қўлланма ва дарсликларда ҳам шу фаннинг таърифи келтирилмаган. Ушбу ҳолатни инобатга олиб, ушбу фаннинг таърифини ишлаб чиқдик ва уни қуйидаги тарзда ифодалашни тавсия қилдик. **Савдо иқтисодиёти муаммолари фанининг предмети деганда, савдо соҳаси иқтисодиётида содир бўлаётган реал иқтисодий-ижтимоий жараёнлар, ҳодисалар, уларнинг аҳамияти, ҳолати ва келажагини ёритиб, маълумот ёки хулосалар бериш билан боғлиқ мураккаб муносабатлар мажмуи тушунилади[28].**

Бизнинг фикримизча, ушбу таъриф мазкур фаннинг предметига

[25] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. Ш. Н-Тартибли./ Таҳрир ҳайати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқалар. ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 306 бет.
[26] Ўша жойда. – 306 бет.
[27] Савдо иқтисодиёти муаммолари: Ўқув қўлланма./ Муаллифлар жамоаси. Проф. М.Қ.Пардаев таҳририда. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ” нашриёти, 2016. – 504 б.
[28] Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

қўйилган талабга тўлиқ жавоб беради ва мазмунини тўлиқ ифодалайди. Шу жиҳатдан ушбу фаннинг предметини шаклланган ҳисоблаш мумкин. Зеро мазкур фан ҳали янги бўлганлиги туфайли, унинг назарий асослари ва у билан боғлиқ масалалар тўлиқ ишланган эмас.

Ҳар қандай фаннинг назарий йўналишларидан бири, унинг объектидир. Ўзбек тилининг беш жилдлик изоҳли луғатида, объект лотинча «objectum» сўзидан олинган бўлиб, ўзбекчада нарса, деган маънони англатиши қайд этилган. Мазкур сўзга юқоридаги луғатда учта изоҳ берилган. 1. *Фалсафа.* Биздан ташқарида ва бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган субъект (инсон) нинг амалий ва билиш фаолияти қаратилган ташқи олам, борлиқ, воқейлик, моддий дунё, мавжудот.

2. Киши фаолияти, диққат-эътибори қаратилган ҳодиса, нарса.

3. Хўжалик ёки мудофаа аҳамияти бўлган корхона, қурилиш, айрим участка ва ҳ.к.[29]

Одатда фан нуқтаи назаридан, объект сўзи бирорта ташкилот, муассаса ёки бирорта фаолият ўтказиладиган жой маъносида ишлатилади. Биз тадқиқ қилаётган савдо иқтисодиёти муаммолари фанининг объекти бевосита савдо жараёнлари, яъни турли мулк шаклига эга бўлган, турли йўналишда амалга ошириладиган савдо, уни амалга оширадиган хўжалик юритувчи субъектлар ва ундаги муаммолар бўлиб ҳисобланади. Бундай назарий қарашлардан келиб чиқиб, мазкур фаннинг объектига таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

**Савдо иқтисодиёти муаммолари фанининг объекти деганда турли мулк шаклига эга бўлган, турли йўналишда амалга ошириладиган, бевосита савдо билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар ва улардаги муаммолар тушунилади.**

Савдо билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларга

[29] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. Ш. Н-Тартибли./ Таҳрир ҳайати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқалар. ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 77 бет.

бозорлар, дўконлар, мини маркетлар, супермаркетлар, гипемаркетлар, ларёклар каби савдо шохобчалари киради.

Ҳар қандай фаннинг назарий асосларида, унинг мақсади ҳам тадқиқ қилиниши лозим. **Савдо иқтисодиёти муаммолари фанининг мақсади деганда савдо соҳаси иқтисодиётида содир бўлаётган иқтисодий-ижтимоий жараёнлар, ҳодисалар, уларнинг аҳамияти, ҳолати ва келажак истиқболини белгилаш жараёнида учрайдиган муаммоларни ўрганишга қаратилган тадбирлар мажмуи тушунилади.**

Ҳар қандай мақсадни амалга ошириш учун тегишли вазифалар белгиланиб олинади. Савдо иқтисодиёти муаммолари фанининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

– савдо соҳасининг жамият иқтисодий-ижтимоий ҳаётида тутган ўрнига баҳо бериш;

– савдо соҳасидаги асосий йўналишларни, савдонинг турларини ўрганиш;

– савдо соҳасини савдо шохобчалари бўйича ўрганиш;

– савдо соҳасини мамлакатимизнинг ҳудудлари бўйича ўрганиш;

– савдо соҳасининг истиқболли йўналишларига баҳо бериш ва унда учрайдиган муаммоларнинг ечимларини ҳал қилиш кабилар.

Шуни эътироф этиш керакки, мазкур фаннинг вазифалари юқорида кайд қилинганлар билан белгиланмайди. Уни хоҳлаганча давом эттириш мумкин. Аммо мазкур масала иқтисодий адабиётларда кам ёритилган. Шу туфайли мазкур масалани методологик асос сифатида бермоқдамиз.

Савдо иқтисодиёти муаммолари фанининг методологияси, унинг мақсади, диққат эътибори савдо фаолиятида содир бўлаётган иқтисодий жараёнга қаратилади. Яъни савдода рўй бераётган иқтисодий реалликни ўрганишга қаратилади. Ушбу ҳолатлар ўз навбатида савдо соҳасининг аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати билан боғлиқлигини, уларнинг фаровонлик билан боғлиқ жиҳатларини ифода этади.

Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатининг оширилиши уларнинг ҳаёт учун зарур бўлган моддий ва номоддий неъматлар билан етарли даражада таъминланганлигига боғлиқ. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, мамлакатимизда барча иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва сиёсий тадбирлар пировардида аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилган. Айнан ушбу неъматларни етказиб беришда асосий юк савдо соҳасига тўғри келади.

Аҳолининг яшаш даражаси юқори бўлиш учун унга қуйидагилар зарур бўлади:

1. Яшаш учун моддий имкониятнинг етарлилиги.

2. Дўконларда етарли даражада талабга мос озиқ-овқат товарларининг мавжудлиги.

3. Харидор хоҳлаган пайтда ўзига зарур ва маъқул бўлган ноозиқ-овқат маҳсулотларини ҳам харид қилиш имкониятининг яратилганлиги.

4. Дам олиш учун маданий муассасалар ва товарларнинг ҳам етарлилиги.

5. Барча хизматлардан зарур ҳолда фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги.

6. Яшаган жойида тинчлик ва хавфсизликнинг тўлиқ таъминланганлиги кабиларни киритиш мумкин.

Кўриниб турибдики, уларни етказиб беришда савдо соҳасининг ўрни катта. Демак аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатининг ошишида ушбу соҳанинг ўрни беқиёс эканлигини англаш мумкин. Чунки аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати билан савдо соҳасининг ўртасида диалектик боғлиқлик бор. Аҳоли фаровонлиги ошиб боргани сайин савдо соҳаси ривожланиб боради ва мос равишда савдонинг такомиллашуви аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишнинг асосий омили сифатида намоён бўлади.

Пировардида булардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, аҳолининг фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини савдодан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Савдо аҳоли учун зарур бўлса, аҳолининг мавжудлиги ва унинг фаровонлиги савдо соҳасининг ривожланиши учун зарурдир.

## 1.3. Савдо хизмати ва аҳолининг ҳаёт даражаси ҳамда сифати ўртасидаги диалектик боғлиқликнинг назарий масалалари

Мамлакатимиз иқтисодиётида 2006 йилдан ўсиш суръати давом этиб келмоқда. Бундай юқори ўсиш суъати 2016-2018 йилларда ҳам сақланиб қолди. Шу йилларда иқтисодиётимизни юқори суръатлар билан барқарор ривожлантиришга эришганимиз аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун мустаҳкам асос яратди. Бу аҳолининг ижтимоий аҳволининг яхшиланишига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида жорий йилда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори ўтган йилларга нисбатан сезиларли равишда оширилди. Хусусан, педагог ходимларнинг иш ҳақи сўнгги 10 йилда биринчи марта 50 фоизгача кўпайтирилди. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли, аҳолининг реал умумий даромадлари 2017 йилга нисбатан 12 фоизга ошди. “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажагимиз” каби дастурлар доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалари амалга оширилди. Бу йилдан бошлаб, солиқларнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан ҳудудларда 5,5 триллион сўм қўшимча маблағ қолдирилди. Бу, ўтган йилга нисбатан 6 баробар, 2016 йилга нисбатан эса – шунга эътибор беришингизни сўрайман – 32 баробар кўпдир”[30]. Мазкур ҳолат савдо соҳасининг ҳам ривожланишига олиб келади.

Савдо хизматлари натижавий кўрсаткичи бўлиб товар айланмаси ҳисобланади. Унинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти беқиёс. Чунки, чакана товар айланмаси жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичларидан бири. Мазкур кўрсаткичнинг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, мазкур кўрсаткич орқали ишлаб чиқарилган, ташқаридан

[30] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.

келтирилган товарлар (махсулотлар) қийматини ва истеъмол қийматини жамият томонидан тан олинади. Агар у аҳоли эҳтиёжини қондирадиган даражада бўлса, сотилиш жараёни рўй беради.

Иккинчидан, олди-сотдижараёнида товар айтибошланиши натижасида кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг охирги босқичи рўй беради. Бунда бутун товарларни ишлаб чиқариш ва айрибошлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар пул шаклида кўпайган ҳолда (фойда билан) қайтарилади.

Учинчидан, ушбу жараён сабабли саноат корхоналари қишлоқ хўжалик субъектлари, транспорт ва савдо ташкилотлари ўз фаолиятини такрорлаш имкониятига эга бўлади, яъни такрор ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш каби иқтисодий жараёнлар доимий жараёнга айланади.

Тўртинчидан, товарларнинг асосий қисми, тахминан 80-90% савдо корхоналари орқали сотилади. Бундан кўриниб турибдики, жамиятнинг пул муомаласи жараёнига бевосита таъсир қилади. Жамиятдаги пул тушумининг аксарият қисми чакана савдода товарлар олди-сотди жараёнида қатнашади.

Бешинчидан, чакана товар айланмаси жамиятнинг пул муомаласи жараёни билан ҳам бевосита боғлиқ, чунки нақд пул тушумининг 70-80 %и чакана товар айланмасида ўз аксини топди. Пул эмиссияси чакана товар айланмаси билан боғлиқ. Агар чакана товар айланмаси билан боғлиқ нақд пуллар бевосита банклар орқали ўтса, пул эмиссиясига ва мос равишда инфляция жараёнига таъсир қилади.

Олтинчидан, чакана товар айланмаси кўрсаткичининг ўзгариши бевосита жамиятдаги айрим мутаносибликларни таъминлашга ҳам таъсир қилади. Нақд пулга бўлган эҳтиёж қондирилади, мос равишда муомаладаги пулларнинг айланиши иқтисодиётнинг талабига мос бўлади. Бу ҳолат инфляциянинг олдини олади, чунки пул эмиссияси камаяди. Шунингдек, чакана товар айланиш миқдорида ишлаб чиқариш ва истеъмол, талаб ва таклифни мувофиқлиги ҳам таъминланади.

Еттинчидан, товар ва пулни айрибошлаш жараёнини нормал ҳолда

ташкил қилиш имконини беради. Бу бир томондан бозорга чиқарилган товарларнинг миқдори ва таркибига таъсир қилса, иккинчидан, аҳолининг харид фонди миқдорини оширади ва талабнинг ҳам таркибини сифат томон ўзгартириб боради.

Саккизинчидан, давлат бюджетига тушумларнинг кўп қисмини чакана товар айланмаси орқали амалга ошириш имконияти туғилади. Чунки ушбу кўрсаткичда ишлаб чиқариш корхоналари (саноат, қишлоқ хўжалиги) иш натижаларининг сотилиши ҳам, хизмат кўрсатиш субъектлари фаолиятининг истеъмол қилиниши ҳам ўз аксини топади.

Тўққизинчидан, чакана товар айланмаси ҳажми тадбиркорликка асосланган савдо корхоналарининг даромад ва фойдасини ҳам бевосита шакллантириш имконини беради. Савдодан қилинган даромад, муомала ҳаражатларини қоплаши ва тегишли тарзда фойда олинишини таъминлаши лозим.

Ўнинчидан, чакана товар айланмаси орқали аҳолининг яшаш даражаси ва сифатига ҳам баҳо бериш имкониятини яратади. Чунки, чакана товар айланмаси аҳолининг шахсий истеъмолининг асосий қисмини ташкил қилади. Шунингдек, чакана товар айланмаси иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини ҳам тавсифлайдиган кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўнбиринчидан, чакана товар айланмасининг таркибий тузилиши аҳолининг моддий фаровонлик даражасини ҳам белгилайди. Товар айланмаси таркибида маданий товарларнинг ошиб бориши, ушбу аҳолининг маданий даражасидан, юқори технологияларга асосланган маиший товарларнинг ошиб бориши яшаш даражаси сифатининг ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Ўниккинчидан, товар айланмаси нақд пул тушумини таъминлаш орқали мамлакатда иш ҳақи, нафақа, стипендия тўлашни ўз вақтида амалга ошириш имконини ҳам беради.

Чакана товар айланмасининг ушбу ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, мазкур кўрсаткични муттасил ошириб боришни тақозо

қилади. Шу жиҳатдан унинг ривожланиш тенденциясининг таҳлили ҳам муҳим аҳамиятга эга. Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, чакана товар айланмаси ҳам ЯИМ хажми каби юқори суръатда ўсмоқда (1.2-жадвал).

**1.2-жадвал**

**Чакана товар айланмаси ва мамлакат ЯИМнинг 2005-2019 йиллардаги динамикаси[31]**

| Йиллар | Мамалакат ЯИМ | | Чакана товар айланмаси | | Чакана товар айланмасининг мамлакат ЯИМдаги улуши, % |
|---|---|---|---|---|---|
| | Суммаси млрд. сўм | Ўсиш суръати % | Суммаси млрд. сўм | Ўсиш суръати % | |
| 2005 | 15923,4 | 100,0 | 5577,4 | 100,0 | 35,0 |
| 2006 | 21124,9 | 132,7 | 7453,8 | 133,6 | 35,3 |
| 2007 | 28190,0 | 177,0 | 9574,6 | 171,7 | 34,0 |
| 2008 | 38969,8 | 244,7 | 12682,3 | 227,4 | 32,5 |
| 2009 | 49375,6 | 310,1 | 16874,6 | 302,6 | 34,2 |
| 2010 | 62388,3 | 391,8 | 21872,8 | 392,2 | 35,1 |
| 2011 | 78764,2 | 494,6 | 28539,0 | 511,7 | 36,2 |
| 2012 | 97929,3 | 615,0 | 36964,4 | 662,8 | 37,8 |
| 2013 | 120861,5 | 759,0 | 46863,0 | 840,2 | 38,8 |
| 2014 | 144867,9 | 909,8 | 58136,6 | 1042,4 | 40,1 |
| 2015 | 171808,3 | 1079,0 | 71184,1 | 1276,3 | 41,4 |
| 2016 | 199993,4 | 1256,0 | 88071,6 | 1579,1 | 44,0 |
| 2017 | 254043,0 | 1595,4 | 105229,9 | 1886,7 | 41,4 |
| 2018 | 407514,5 | 2559,2 | 121392,1 | 2176,5 | 29,8 |
| 2019 | 511 838,1 | 3214,4 | 164184,2 | 2943,7 | 32,1 |

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2005-2019 йил давомида мамлакат ЯИМнинг ўсиш суръати 32,1 баробар ёки 3214,4 % га ўсган бўлса, чакана товар айланмаси шу давр мобайнида 29,4 баробар ёки 2943,7 % га ошган. Мос равишда чакана товар айланмасининг улуши 2005 йилда 35,0 % ни ташкил қилган бўлса, 2010 йилда 35,1 % ни, 2015 йилда 41,4 % ни ва ниҳоят 2019 йилга келиб 32,1 % ни ташкил қилган. Товар айланмаси улушининг камайишига сабаб, мамлакат ЯИМ ҳажми товар айланмаси ҳажмига нисбатан охирги йилларда тез ўсганлиги туфайлидир. Ушбу ҳолат ҳам кўрсатиб турибдики, савдо хизмати натижаси, яъни товар айланмаси билан мамлакат ЯИМ, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати ўртасида диалектик

[31] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби.

боғлиқлик мавжуд экан. Чунки, ЯИМ қанча кўпайса, аҳолининг фаровонлиги мос равишда ошиб боради. Бу эса товар айланмасининг ўсиши билан бевосита боғлиқдир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз аҳолиси даромадларининг аста-секинлик билан кўпайиб бориши, уларнинг турли ва сифатли товарларга бўлган эҳтиёжининг ортишига олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида, савдо фаолиятининг йилдан-йилга кенгайиб, ихтисослашиб, универсаллашиб боришини тақозо қилмоқда. Буларни инобатга олиб, ҳукуматимиз томонидан мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган тадбиркорларга тегишли шарт-шароитлар яратиб бермоқда. Энг муҳими, сифатли истеъмол товарларини ўзимизда ишлаб чиқаришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда эҳтиёжимизни қондирадиган даражадаги деярли барча озиқ-овқат товарлари ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда.

Яқиндагина озиқ-овқат товарларининг аксарият қисмини ташқаридан олиб келадиган мамлакатимиз бугунги кунда ўзимизнинг эҳтиёжларимизни тўлиқ таъминлаш билан бирга чет элларга экспорт ҳам қилмоқда. Бу ишнинг кўлами кенгайиб бораётганлиги жуда қувонарли ҳолдир. Чунки, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб овқатланмаяпти, сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда. Ана шундай сабаблар туфайли 160 миллиондан ортиқ бола бўйининг ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлардан азият чекмоқда”[32].

Мамлакатимизда товар айланмасининг ўсиши билан бирга, унинг таркибий тузилиши ҳам яхшиланмоқда. Жумладан, 2000 йилда барча сотилган товарларнинг асосий қисми, яъни 60,5 фоизи озиқ овқат товарлари

[32] «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг2014 йил 9 июлдаги очилиш маросимидаги Президент нутқи // “Халқ сўзи” газетаси. 2014 йил 10 июль.

улушига тўғри келган бўлса, 2010 йилда 51,9 фоизга тенг бўлган. Бугунги кунга келиб, яъни 2017 йилда мазкур кўрсаткичнинг миқдори 45,6 фоизни ташкил қилади. Мос равишда, ноозиқ-овқат товарларининг улуши 39,5 фоиз, 48,1 фоиз ва 54,4 фоизни ташкил қилади[33].

Ушбу ҳолат кўрсатмоқдаки, мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлиги тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Олдин топган даромадларининг асосий қисми озиқ-овқат товарларини харид қилишга сарфланган бўлса, эндиликда ундан ортиб яшаш даражаси ва сифатига таъсир қилувчи ноозиқ-овқат товарларини харид қилишга кўпроқ қисмини сарфламоқда. Бу ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг инсонпарварлигидан, унинг инсонлар ҳаёт даражаси ва сифатининг яхшиланишига қаратилаётганлигидан далолат беради.

Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатидаги ўзгаришларни ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан яна бири – мамлакатимиз пул тушумида (оборотида) товар айланмаси ва хизматларнинг улушидир. Ушбу кўрсаткич шуни ифодалайдики, агар ялпи пул тушумида товарларнинг улушига нисбатан хизматларнинг улуши ошиб борса, аҳолининг яшаш даражаси ошиб бораётганлигидан далолат беради. Буни мамлакатимиз миқёсида таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги манзарани кўришимиз мумкин. Барча пул тушумлари таркибидан аҳолига сотилган товарлар ҳажмининг улуши 1995 йилда 86,3 фоизни ташкил қилган. 2000 йилда ушбу кўрсаткичнинг миқдори 85,2 фоиз бўлган. 2005 йилда 77,4 фоиз бўлган бўлса, 2010 йилга келиб 73,6 фоизга тушган. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори 2015 йилда 71,2 фоизга тенг бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, яъни 2019 йилда 70,1 фоизга тенг[34]. Бундан ҳам кўриниб турибдики, одамларнинг маблағининг хизматларга сарфланаётган қисми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 1995 йилда унинг улуши атиги 13,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2000 йилда 14,8 фоизгача кўтарилган. Ҳозирги кунда ушбу кўрсаткич 29,9 фоизни ташкил

[33] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби.
[34]Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби.

қилади[35]. Бу ҳам кўрсатадики, мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда. Демак хизматлар истеъмоли мамлакатимизда ўсиш тенденциясига эга экан. Булар ҳам яна бир бор кўрсатмоқдаки, савдо хизматлари билан аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати бир-бирига бевосита боғлиқ эканлигини, уларнинг ўзгариш тенденциялари эса, фаровонликнинг даражасини ўзида ифода этаётганлигини кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаймизки, аҳоли фаровонлиги, унинг ҳаёт даражаси ва сифатининг оширилиши савдо хизматларининг ҳолатига бевосита боғлиқ. Ушбу масалаларни тадқиқ қилиш ва уларниниг боғлиқлигини янада такомиллаштириш мақсадида бир қанча таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқдик. Булар қуйидагилардан иборат:

– савдо хизматларининг натижаси ва аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатининг бир-бирига боғлиқлигини аниқ маълумотлар асосида қатор йиллар давомида динамикасини ўрганиш ва уларнинг боғлиқлигига математик усулларни қўллаган ҳолда баҳо бериш лозим;

– савдо хизматини ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида ҳукуматимиз белгилаб берган дастурларни изчиллик билан барча ҳудудлар бўйича бажарилишига эришиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва шу ҳудуд миқиёсида уларнинг ҳар бирини таҳлил қилиш;

– савдо хизматларини қишлоқ аҳолисига кўрсатишни кучайтиришга эришиш, чунки ҳозирги пайтда аҳоли учун энг зарур бўлган товар ва маҳсулотларининг қарийб 60-70 фоизини шаҳарларга келиб харид қилиб кетишга мажбур бўлмоқдалар;

– қишлоқда савдони ривожлантириш ва қишлоқ аҳолисини тегишли зарур товарлар билан таъминлаш мақсадида шаҳардаги йирик супермаркетларнинг флиалларини қишлоқларда ташкил қилиш ва уларга маълум имтиёзлар бериш ҳам мақсадга мувофиқ;

– ҳозирги кунда нақд пул тахчиллиги маълум даражада сезилиб

[35]Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби.

турганлиги туфайли қишлоқ аҳолисига ойлик маошини, пенсионерларга пенсияларини пластик карточкаларга ўтказиб берилаётганлиги туфайли, қишлоқ дўконларида ҳам терминаллар орқали савдо қилишни кенг йўлга қўйиш ва ундан фойдаланишни бошланғич босқичда қаттиқ назоратини ташкил қилиш лозим;

– охирги йилларда шаҳардаги озиқ-овқат бозорларида бевосита деҳқон ва фермерлар учун махсус жой ажратилиб, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишни ташкил қилганлиги қишлоқ фермерлари учун ҳам, шаҳар аҳолиси учун ҳам анча қулайликлар туғдирди. Ушбу тажрибанинг ютуқ ва камчиликларини ўрганиб, уни кенгайтириш ва такомиллаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири, деб биламиз.

Қишлоқ аҳолисига савдо хизматини яхшилаш орқали улар яшаш даражаси ва сифатини оширишга ҳам алоҳида аҳамият берилиши лозим, чунки савдо билан боғлиқ муаммоларнинг аксарият қисми шаҳарларда ҳал бўлган, аммо қишлоқларда ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар жуда кўп.

Ушбу муаммони ҳал қилиш учун аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш масалалари билан боғлиқ умумдавлат ва алоҳида ҳудудлар бўйича 2017-2020 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Бунда асосий эътибор қишлоқ жойларда савдо тизимини ривожлантириш билан бирга умумий овқатланиш ва халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини қишлоқ жойларда барпо этиш масалаларини ҳам биргаликда олиб боришни тақозо қилади.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, қишлоқ аҳолисига савдо хизматини кўрсатишда бир қанча камчиликлар ва нуқсонлар мавжуд. Хусусан, энг зарур асосий товарларнинг қишлоқда жойлашган чакана савдо тармоғида мавжуд эмаслиги, бу борада махсус тизимнинг йўқлиги, шунингдек, қишлоқда савдо билан шуғулланувчи тадбиркорларнинг товарларни узоқ ва турли жойлардан олиб келишига мажбур бўлаётганлиги ва мос равишда уларда ташиш

харажатларининг кўплиги мазкур масалани самарали ҳал қилишда бир қанча қийинчиликларни туғдирмоқда.

Қишлоқда савдо билан шуғулланувчи тадбиркорларнинг айланма маблағларга эҳтиёжи катта бўлиш билан бирга, уларнинг банклардан кредит олиш имкониятларининг турли объектив ва субъектив сабабларга кўра мураккабликлари ҳам қишлоқ савдосининг ривожланишига катта тўсиқ бўлмоқда.

Қишлоқда савдо тизимида йўл қўйилган камчиликларни ҳисобга олиб ва уларни бартараф этиш мақсадида мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини 2016-2020 йилгача бўлган даврга мўлжалланган узоқ муддатли дастур ишлаб чиқилган. Аммо ушбу дастурда қишлоқ савдоси билан боғлиқ масалалар етарли даражада ҳал қилинмаган.

Буларни инобатга олиб мазкур дастурга қуйидаги йўналишларни қўшишни ва борларига айрим аниқликларни киритишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

1. Қишлоқда қишлоқ аҳолиси учун энг зарур бўлган савдо билан шуғулланувчи тадбиркорлар сонини кўпайтириш чораларини кўриш мақсадида уларга айрим имтиёз механизмларини жорий қилиш, турли турғун савдо шохобчалари сонини кўпайтиришга эришиш.

2. Қишлоқ савдосини ривожлантириш учун оилавий тадбиркорликка алоҳида аҳамият бериш, шу орқали биринчидан, қишлоқда савдони ривожлантиришга эришилса, иккинчидан, оила аъзоларининг иш билан бандлиги таъминланади. Шу йўл билан қишлоқда фермерлар билан бирга янги мулкдорни шакллантиришга ҳам эришилади. Фермерларнинг етиштирилган маҳсулотларини ҳам тегишли йўналишлар бўйича сотишни ҳам айнан шулар ташкил қилиши мумкин. Бунда икки томонлама тузилган шартномаларга риоя қилган ҳолда етиштирилган маҳсулотнинг истеъмолчиларга етиштириш тизими шаклланади.

Қишлоқда савдо билан шуғулланадиган тадбиркорлар хусусий мулк эгалари сифатида бошқа фаолиятлар билан ҳам шуғулланиб, иш ихтисосини ўзгартиришларига ҳам йўл қўйилади, қишлоқ дўконлари пештахталарига эса товарлар маҳаллий етиштирувчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг кўпайиши эвазига арзон маҳсулотлар тизими пайдо бўлади.

3. Ҳозирги пайтда қишлоқда дўконларнинг ихтисослиги сақланиб қолмаганлиги туфайли, қишлоқ аҳолисини энг зарур озиқ-овқат товарлари билан изчил таъминлаш масаласи ҳам эътиборни талаб қилишидан келиб чиқиб, ушбу ишнинг самарадорлигини кўтариш бўйича тегишли тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади.

4. Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатишнинг турлари, сифати ва маданиятини ошириш ва истеъмол бозорини халқ истеъмол товарлари билан тўлдириш масаласи ҳам бугунги кунда кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар сирасига киради. Қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш даражасини ошириш учун хизмат кўрсатувчи ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, ҳар бир қишлоқда «Супермаркет» типидаги дўконлар тармоғини ташкил этиш, эски савдо нуқталарини реконструкция қилиш ва тузатиш, янги замонавий дўконлар қуриш, «Хўжалик моллари», «Маданий моллар», «Мебель», «Деҳқончилик маҳсулотлари» каби ихтисослаштирилган дўконларни тиклаш мақсадга мувофиқ. Чунки қишлоқ аҳолиси асосий энг зарур товарлар учун ҳам узоқ масофани босиб шаҳарлардан савдо қилишга мажбур бўлмоқда. Бу эса қишлоқ аҳолисининг фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатига салбий таъсир қилмоқда.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари қишлоқ жойлардаги хусусий ва жамоа савдо корхоналари эгаларига тизимнинг базалари ва йирик савдо ташкилотлари орқали истеъмол товарлари билан тўлдириш масалаларида амалий ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш тизимини ишлаб чиқишлари керак. Бирданига 4-5 та қишлоққа хизмат қиладиган улгуржи савдо корхоналарини ташкил қилиш ҳам бугунги кунда муҳим тадбирлардан биридир. Хусусий ва жамоа корхоналарига

истеъмол товарларини улгуржи сотиш бўйича йирик универмаглар ҳузурида ихтисослаштирилган дўконлар ва секцияларни қўшимча равишда қишлоқ жойларда ташкил этиш, уларга транспорт, қурилиш хизматлари кўрсатиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

6. Қишлоқларда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат халқ истеъмол товарлари билан таъминлаш масалаларига ҳам тегишли аҳамият берилиши лозим. 2016—2020 йилларда қишлоқларда кичик саноат корхоналарини барпо этиш, улар билан қишлоқ жойлардаги савдо ташкилотларининг тўлдирилишига алоҳида эътибор берилиши ҳам мақсадга мувофиқ.

7. Қишлоқ аҳолиси ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш учун халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни айнан қишлоқларда йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ, чунки шу йўл билан аҳолининг энг зарур товарлар билан таъминланиши баробарида янги иш ўринлари ҳам яратилади. Бунда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун тегишли инновацион технологиясини такомиллаштириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишни ва унинг ҳажмини кўпайтириш учун тегишли инфратузилмани ҳам яратишни тақозо қилади.

Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун озиқ-овқат товарларининг янги турларини ишлаб чиқаришга, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашга, ихчам, чиройли идишларда рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришга катта эътибор берилиши ҳам бугунги кунда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун янги консерва заводлари барпо этиш билан бирга амалдаги заводларни технологик қайта жиҳозлаш масалалари ҳам назарда тутилмоғи лозим.

8. Қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун ташқи иқтисодий фаолият ва қўшма корхоналардан ҳам фойдаланиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга. Ташқи иқтисодий фаолиятни чуқурлаштириш маҳаллий хом ашё ресурсларини сотиш бозорларини кенгайтиришга, ўзаро фойдали шериклик алоқаларини ривожлантиришга қаратилган, импортнинг ўрнини

босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида кичик саноат корхоналари ташкил этиш масалаларини ҳам ҳал қилишга киришиш лозим. Хорижий инвестицияларни қишлоқ жойлардаги корхоналарни қуриш ва ривожлантиришга жалб этиш масаласини ҳал этиш ҳам бугунги кундаги муҳим вазифалар сирасига киради.

9. Қишлоқ жойларда тайёрлов фаолиятини қайта кўриб чиқиш ва уни бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиш лозим. Тайёрлов фаолияти етиштирилган маҳсулотни кафолатли сотиш, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш ва сотишнинг улгуржи тизимини шакллантириш масаласида шахсий томорқа эгалари, фермер (деҳқон) хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиши керак. Бунда фьючерс контрактлари бўйича мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш, уларнинг бир қисмини республика ташқарисига жўнатиш мўлжалланган бўлиши лозим. Чунки ушбу масала тезкор равишда амалга оширилмаса, фермерларнинг ҳар бирида бундай имконият бўлмаслиги табиий.

10. Умумий овқатланиш корхоналари ва колбаса ишлаб чиқаришнинг гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш назарда тутилмоғи, соҳа учун тегишли миқдорда гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш масаласи ҳам қишлоқнинг ўзида тизимли равишда ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ.

11. Қишлоқда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари моддий-техника базасини ривожлантириш ҳам анча ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш омили бўлиб ҳисобланади. Ҳудудлар инвестиция дастурида тадбиркорлар ва хорижий инвесторлар маблағлари ҳисобидан капитал қўйилмаларни қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантиришга, бўшаб қолган қишлоқ аҳолисини хизматлар ва ишлаб чиқариш соҳасига жалб этишга қаратиш лозим. Бундай

тадбирларнинг амалга оширилиши хизмат кўрсатиш соҳасига минглаб кишини жалб этиш имконини беради.

12. Соҳани ривожлантириш учун савдо ташкилотларининг молиявий аҳволини барқарорлаштириш тадбирлари ҳам муҳимлигидан келиб чиқиб, савдо ташкилотларини молиявий барқарорлаштириш дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, чунки аҳолини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан узлуксиз таъминлаш кўп жиҳатдан мана шу омилларга бевосита боғлиқдир. Мазкур соҳада тадбиркорликни ривожлантириш учун тижорат банкларининг кредит ресурсларини ва аҳолининг ўз маблағлари эвазига савдо ташкилотларини айланма маблағлар билан тўлдириш тадбирларини ҳам кўриш мақсадга мувофиқ. Аҳолининг пул маблағларини жалб қилишда шерикчиликка асосланиш ва фойдани мутаносиб тақсимлаш масаласини шартнома асосида йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

13. Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда кадрлар сиёсати ва ижтимоий ҳимоя масалаларининг тўғри ҳал қилиниши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитларида кадрларнинг сифат таркибини қайта кўриб чиқиш зарурияти пайдо бўлди, чунки ҳозир савдо билан дуч келган одамларнинг шуғулланишига йўл қўйиб бўлмайди. Жамиятда сохта тадбиркорларнинг учраши ва улар мос равишда, сохта товарларни ишлаб чиқариши мумкин. Агар савдо ходими профессионал билимга эга бўлмаса, ўзи ҳам алданиб қолиши ва мос равишда аҳолига ўзи билмаган ҳолда сохта товарларни сотиши ҳам мумкин. Бундай ҳолат озиқ-овқат товарларининг хавфсизлигига путур етказиши, ноозиқ-овқат товарларининг кафолат муддатлари ва яроқлилик даражасига ҳам салбий таъсир қилиши табиий. Бунга барҳам бериш учун ҳокимият қошидаги тадбиркорликка рухсат этиш бўлимлари савдо маълумотига эга бўлмаган шахсларга савдо фаолияти билан шуғулланишга рухсат бермаслигини таклиф қиламиз.

Шу муносабат билан олий ва ўрта махсус ўқув юртларида айнан савдо соҳасига йўналтирилган кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадга

мувофиқ. Бунинг учун олий ва ўрта махсус ўқув юртларида савдо йўналишига мос кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш лозим бўлади. Ишлаётган мутахассислар учун иқтисодий таълим мактаби ташкил этилиши, уларнинг вақти-вақти билан малакасини ошириб турилиши ҳам масаланинг ечимларидан биридир.

Ўйлаймизки, бизнинг тавсияларимиз амалиётга жорий қилинса, биринчидан, савдо хизматларининг яхшиланиши ва такомиллашуви учун катта аҳамият касб этса, иккинчидан, савдони ривожлантириш орқали аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини кўтариш имконияти туғилади.

# 2- БОБ. САВДО ХИЗМАТЛАРИНИТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ИНСОН МАНФААТЛАРИ, АҲОЛИНИНГ ҲАЁТ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

## 2.1. Инсон манфаатлари, аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари

Инсон манфаатининг олий қадрият эканлигини тўғри тушуниш ва англаш учун, энг аввало, манфаат атамасининг мазмуни хусусида фикр юритишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Манфаат сўзига Ўзбек тилининг изоҳли луғатида араб тилидан келиб чиққан бўлиб, *"[фойда даромад] моддий, маънавий, жисмоний ва б. жиҳатдан (кўриладиган) фойда, наф*" [36] , деб таъкидланган. Манфаатнинг турларига одамлар нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, улар: шахсий, оилавий, ҳудудий, халқ манфаати, давлат каби субъектлар манфаатларидан иборатдир. Барча манфаатлар пировардида инсонларнинг манфаатларига бевосита ёки билвосита хизмат қилади. Шу жиҳатдан бизда ҳаётий шиоримизга айланган **инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ,** деган қоида шаклланган. Буларга асосан давлат ва нодавлат ташкилотларининг барча ҳаракатлари айнан шу аҳоли манфаатларини қондиришга қаратилган.

Бунга бугунги ҳаётимиздан бир қанча мисолларни келтириш мумкин. Масалан, иқтисодиётни ривожлантириш нима учун? Товар ва хизматларни экспорт қилиб валюта тушумини кўпайтириш кимга керак? Бюджетни шакллантирамиз нима учун? Катта маблағни сарфлаб, йўлларни қуриш кимга керак? Ижтимоий соҳани ўнглаш (соғлиқни сақлаш, таълим тизими, спорт, маданият ҳамма-ҳаммаси)ни ривожлантириш кимга керак? Қонунларни нима учун қабул қиламиз? Тинчлик учун нега курашамиз? Жиноятларнинг олдини олиш учун жуда катта эътибор қаратилиши кимга керак? Бундай саволларни

[36] Ўзбек тилининг изоҳлилуғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II. Таҳрир ҳайати: Т. Мирзаев (раҳбра) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ДИН, 2006. –540 бет.

яна давом эттириш мумкин. Буларнинг барчасига битта жавоб бўлади. Буларнинг ҳаммаси пировардида **инсон манфаатларига хизмат қилиш учун зарурдир!!**

Шуни инобатга олиш жоизки, инсон манфаатлари чексиз ва мос равишда уларни қондиришнинг ҳам чегараси йўқ. Шу туфайли манфаатларни қондириш муаммоси бирданига ҳамма жойда бир текисда ҳал бўлмайди. Фақат моддий манфаатларни қондириш ҳали масаланинг бир жиҳати холос. Инсоннинг маънавий эҳтиёжлари ҳам эътибордан четда қолиб кетмаслиги лозим. Худди шундай ҳар бир инсоннинг жисмоний манфаатлари ҳам маълум даражада эътиборни талаб қилади. Буларнинг бир қисмини қондириш инсонларнинг ўзларига боғлиқ бўлса, аксарият қисми турли ташқи субъектларга, хусусан, давлат идораларида фаолият кўрсатаётган раҳбар ходимларга ҳам боғлиқдир.

Мамлакатимизда инсон манфаатлари мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб босқичма-бочқич ҳал қилиб келинмоқда ва бу жараён давом этади. Аммо айрим муаммоларнинг қаердадир ҳал қилинмаслиги, уларни сезмаслик, сезиб қолган тақдирда ҳам бефарқлик халқ дардига, ташвишларига сабаб бўлади. Энди улар мулоқотга эҳтиёж сезиб бошлайди, муаммоларни тезроқ ҳал қилишини хоҳлайди. Бу ҳар бир фуқаронинг ҳақли қонуний манфаатидир.

Аммо буни ким ҳал қилиб беради? Булар агар давлат миқёсида бўлса, биринчи галда давлат идоралари ходимлари ҳал қилишлари керак. Агар ҳал қиладиган одам халқнинг дардига беписандлик билан қараса, манфаатларни ҳал қилиш борасида нима иш қилишини билмаса, ўз эътиборини қаерга қаратишни ҳам билмайди. Натижада давлат идоралари билан халқ ўртасида **жарлик** ҳосил бўлиб, улар кенгайиб бораверади. Бу дардни билиб борсагина, мутасадди шахслар уни ҳал қилишга киришади ва халқнинг давлат идораларига **ишончи** мустаҳкамланади. Шу туфайли халқнинг дардини биладиган, уни ўрганадиган механизмларни яратиш ҳаётий заруратга айланди. Ушбу механизмлардан бири халқ билан мулоқотдир.

Жамиятнинг муқаддас бурчи одамларнинг ишончини уйғотишдан иборат. Одамлар кимга ва нимага ишониш кераклиги азалдан маълум. Одамлар иймонли бўлса, биринчи галда Яратганга ишонади. Кейинги суянадигани Давлатдир. Давлатга ишонч давлат ташкилотлари раҳбарларига ишонч орқали амалга оширилади. Болаларнинг ишончи, суянган тоғи ота-оналардир. Ота-она ва ҳар бир одам ўзининг ва фарзандларининг келажагига ишониши лозим. Бундай ишончни қозониб яшаш жуда шарафли бўлиш билан бирга ўта мураккабдир. Шу туфайли ҳозирги пайтда замонавий раҳбарлардан ўта зийракликни талаб қилади.

Ишонч бор жойда жипслик бўлади. Ўртада жарлик бўлмайди. Жипслик бўлган жойда муваффақият, барқарор ва хотиржам ҳаёт таъминланади. Шу туфайли давлат ва бошқа мутасадди раҳбарлар халқнинг ишончига сазовор бўладиган фаолиятни олиб бориш керак бўлмоқда. Ҳозирги талаб худди шундай. Буни таъминлаш учун халқ билан мулоқот қилиб, инсон манфаатларига хизмат қилишдан афзал ва хайрли ишнинг ўзи йўқ. Шу туфайли мамлакатимиз раҳбари ҳаммани шу жараёнга сафарбар қилишликка даъват этмоқда.

Инсон манфаатлари жуда кенг тушунча. Унинг иқтисодий, маънавий сиёсий, ижтимоий каби турлари мавжуд. Биз мазкур ҳолатда фақат иқтисодий ва ижтимоий манфаатларнинг айримларигагина тўхталамиз.

Ҳар қандай жараёнга баҳо бериш учун уларни маълум кўрсаткичларда ифодалаш лозим бўлади. Тегишли кўрсаткичлар орқали инсон манфаатларини ифодалаш, бу иқтисодий таҳлил фанининг муҳим вазифаларидан бирига киради.

Таҳлил жараёнида инсон манфаатларини баҳолаш учун уларни йўналишлари бўйича қараб чиқишни лозим, деб топдик. Бунинг учун биринчи галда инсон манфаатларининг иқтисодий жиҳатдан қондирилишини баҳолаш лозимдир. Бу, бизнинг фикримизча, макро даражада қуйидаги кўрсаткичлардан иборат бўлиши мумкин:

• инсонларнинг товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларининг қондирилиш даражаси;

• инсонларнинг товар ва хизматларга бўлган талабининг қондирилиш даражаси;

• яратилган ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) аҳоли жон бошига тўғри келиши;

• сотилган товар ва хизматлар ҳажмининг аҳоли жон бошига тўғри келиши;

• аҳолининг фақат хизматларга бўлган эҳтиёжининг қондирилишини аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми.

Ушбу кўрсаткичлар методологик асос сифатида олинди. Уларнинг сони ва йўналишини таҳлилнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда кўпайтириш мумкин.

1. Инсонларнинг товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларининг қондирилиш даражаси (Кэқ). Бу қуйидагича аниқланади:

$$Кэқ = Тд / Эҳ; \quad (2.1)$$

Бунда: Тд – товар ва хизматларга бўлган талабнинг миқдори;

Эҳ – эҳтиёжнинг аҳоли томонидан баҳоланиш даражаси.

2. Инсонларнинг товар ва хизматларга бўлган талабининг қондирилиш даражаси (Ктқ). Ушбу кўрсаткични қуйидагича аниқлаш тавсия қилинади:

$$Ктқ = Смх / Тд; \quad (2.2)$$

Бунда: Смх – сотилган маҳсулот ва хизматларнинг умумий ҳажми;

Тд – товар ва хизматларга бўлган талабнинг миқдори.

3. Яратилган ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) аҳоли жон бошига тўғри келиши (ЯИМаҳ). Буни аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$ЯИМаҳ = ЯИМ / Ас; \quad (2.3)$$

Бунда: ЯИМ – мамлакат миқёсида (ҳудудлар доирасида) яратилган ЯИМ (ҳудудий маҳсулот);

Ас – мамлакат (ҳудуд) аҳолисининг сони.

4. Сотилган товар ва хизматлар ҳажмининг аҳоли жон бошига тўғри келиши (Смаҳ). Ушбу кўрсаткични қуйидагича аниқлаш тавсия қилинади:

$$Смаҳ = Смх / Ас; \quad (2.4)$$

Бунда: Смх – сотилган маҳсулот ва хизматларнинг умумий ҳажми.

Аҳолининг товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжнинг қондирилишини унинг ҳар бир гуруҳи (товарлар, хизматлар) бўйича ҳам аниқлаш лозим. Булардан ташқари ҳар бир товар гуруҳлари бўйича ҳам аниқлашни тақозо қилади. Уларни аниқлаш учун ушбу усул методологик асос бўлиб хизмат қилади (2.1-жадвал).

**2.1-жадвал**

**Мамлакатимизда чакана товар айланмаси, аҳолининг сони ва аҳоли жон бошига савдо айланмасининг 2005-2019 йиллардаги динамикаси[37]**

| Йиллар | Чакана товар айланмаси | | Аҳоли сони | | Аҳоли жон бошига савдо айланмаси, минг сўм |
|---|---|---|---|---|---|
| | Суммаси млрд. сўм | Ўсиш суръати % | минг киши | Ўсиш суръати, % | |
| 2005 | 5577,4 | 100,0 | 26312,7 | 100,0 | 212,0 |
| 2006 | 7453,8 | 133,6 | 26663,8 | 101,3 | 279,6 |
| 2007 | 9574,6 | 171,7 | 27072,2 | 102,9 | 353,7 |
| 2008 | 12682,3 | 227,4 | 27533,4 | 104,6 | 460,6 |
| 2009 | 16874,6 | 302,6 | 28001,4 | 106,4 | 602,6 |
| 2010 | 21872,8 | 392,2 | 29123,4 | 110,7 | 751,0 |
| 2011 | 28539,0 | 511,7 | 29555,4 | 112,3 | 965,6 |
| 2012 | 36964,4 | 662,8 | 29993,5 | 114,0 | 1232,4 |
| 2013 | 46863,0 | 840,2 | 30492,8 | 115,9 | 1536,9 |
| 2014 | 58136,6 | 1042,4 | 31022,5 | 117,9 | 1874,0 |
| 2015 | 71184,1 | 1276,3 | 31575,3 | 120,0 | 2254,4 |
| 2016 | 88071,6 | 1579,1 | 32120,5 | 122,1 | 2741,9 |
| 2017 | 105229,9 | 1886,7 | 32656,7 | 124,1 | 3222,3 |
| 2018 | 121392,1 | 2176,5 | 33254,1 | 126,3 | 3650,4 |
| 2019 | 164184,2 | 2943,7 | 33905,8 | 128,9 | 4842,4 |

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, аҳоли жон бошига савдо айланмаси жадал ривожланмоқда. Унинг ўсиш суръати 2005-2019 йилларда 22,8 мартага ёки 2284,2 % га (4842,4*100/212,0) ўсганлигини кузатиш мумкин.

[37]Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

5. Аҳолининг фақат хизматларга бўлган эҳтиёжининг қондирилишини аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми (Хажб) билан ҳам аниқлаш мумкин. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$Хажб = Схҳ / Ас; \quad (2.5)$$

Бунда: Схҳ – сотилган хизматларнинг умумий ҳажми.

Аҳолининг хизматларга бўлган эҳтиёжининг қондирилишини унинг ҳар бир тури (тиббий, таълим, коммунал, маданий, маиший, каби) бўйича ҳам аниқлашни тақозо қилади. Ушбу кўрсаткичларни аниқлаш учун ҳам ушбу усул методологик ва услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Мазкур кўрсаткичларни аниқлаш учун ахборотларни тегишли статистик ҳисоботлар билан бирга социологик сўровлар орқали ҳам олиш лозим бўлади. Таҳлил жараёни асосан микро даражага мўлжалланган. Аммо ушбу кўрсаткичлар макро даражадаги ҳолатни ифодалайди. Кўриниб турибдики, аҳолининг манфаатларини ифодалаш ва баҳо беришда микро ва макро иқтисодий таҳлил усулларидан фойдаланишга тўғри келамоқда.

Методологик асос сифатида ушбу кўрсаткичларни келтирдик. Уларнинг сонини қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, яна кўпайтириш мумкин. Ушбу кўрсаткичларнинг айримлари ҳисоботларда ва амалдаги статистик маълумотларда ифодаланмайди. Шу туфайли уларни социологик сўровлар натижасида шакллантириш мумкин. Аммо социологик сўровларнинг бир камчилиги шундаки, ундаги маълумотлар бир марталик бўлиб қолади. Шу туфайли, мамлакатимизда ҳозирги рақамли иқтисодиёт шакллантирилаётган шароитда ахборотлар тизимини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Яна шуни қайд этиш жоизки, социологик сўровлар натижасида, уларни умумлаштириб, ҳар бир инсоннинг товар ва хизматларга, уларнинг алоҳида турларига қандай манфаатлари қондирилаётганлигига ҳам баҳо бериш мумкин. Бунда уларнинг нафақат иқтисодий манфаати, балки сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, маданий манфаатларининг қондирилиш даражасини ҳам аниқлаш

мумкин бўлади. Буларни аниқлаш учун ушбу кўрсаткичларнинг даражасини ҳам ҳисоблаш лозим бўлади. Булар ҳам юқорида қайд этилган ёндошувлар асосида, яъни социологик сўровлар натижасида аниқланади. Бунинг учун социологик сўров қоғозида қуйидаги кўрсаткичлар ҳам жойлаштирилади (2.2-жадвал).

Шу тариқа неча кишидан сўров ўтказилса, ушбу натижалар ёзиб чиқилади ва умумлаштирилади. Буни алоҳида ҳудудлар бўйича ҳам, аҳолининг категориялари бўйича ҳам амалга ошириш мумкин ва ҳудуд аҳолисининг ёки алоҳида аҳоли қатламининг тегишли йўналишларда қандай манфаатлари қондирилаётганлиги тўғрисида хулоса қилинади. Ушбу кўрсаткичлар тегишли тарзда қарорлар қабул қилиш, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун асос қилиб олиниши мумкин. Чунки битта ҳудудда битта аҳолининг қатламида ҳамма нарса етарли бўлиши мумкин, аммо айримларида сал бошқачароқ, камроқ бўлса, сабаблари ўрганилади ва тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлади.

**2.2-жадвал**

**Социологик сўров натижасини ифодаловчи варақ шакли (агар қондирилмаса 0, қондирилиш даражасини оралиғини 5 %дан бошлаб 100 % гача қўйиб чиқади)[38]**

| Сизнингча неча фоиз эҳтиёжингиз қондирилаяпти?, % (ўртачаси олинади) | Маънавий соҳада | Ҳуқуқий соҳада | Сиёсий соҳада | Ижтимоий соҳада |
|---|---|---|---|---|
| 76,3 | 65 | 80 | 70 | 90 |
| 72,5 | 70 | 65 | 80 | 75 |
| 81,3 | 75 | 80 | 85 | 85 |
| *** | *** | *** | *** | *** |
| Жами ∑ | ∑ | ∑ | ∑ | ∑ |
| Ҳар бири бўйича ўртача ∑/n | ∑/n | ∑/n | ∑/n | ∑/n |

Аҳоли фаровонлиги билан боғлиқ кўрсаткичларнинг бир йўналиши аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда олиб

[38] Сўровнома асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

борилаётган иқтисодий-ижтимоий сиёсатнинг ва барча ислоҳотларнинг пировард мақсади аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилгандир. Бу борада жуда кўп ишлар қилинганлигига қарамасдан, унинг айрим масалалари назарий жиҳатдан ўз ечимини топмаган. Улардан бири – инсонларнинг ҳаёт даражаси ва сифати тушунчаларининг назарий жиҳатдан асосланган таърифи, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Ушбу масала иқтисодий адабиётларда жуда кам ёритилган. Бу борада М.Қ.Пардаев ва М.О.Мамаюнусоваларнинг [39] фикрлари диққатга сазовордир. Аммо бошқа адабиётларда айнан аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ифодаловчи кўрсаткичларни учратмадик. Шу туфайли ушбу масалага алоҳида аҳамият беришга ҳаракат қилдик.

Бир гуруҳ олимлар томонидан нашр қилинган "Большая экономическая энциклопедия"да[40] аҳолининг ҳаёт сифати қуйидаги тушунчалардан иборат, деб таъкидлайди: "одам сифати", "меҳнат сифати", "ишлаб чиқариш сифати", "технология сифати", "таълим сифати", "маданият сифати", "фан сифати", "бошқариш сифати", "ижтимоий ва иқтисодий тизимлар сифати", "яшаш сифати"[41]. Ушбу тушунчаларга таяниб, М.Қ.Пардаев ва М.О.Мамаюнусовалар аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати жуда кўп тушунчалар мажмуасидан иборат эканлигини қайд этиш билан бирга, буларнинг ҳаммасини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш жуда кенг қамровли эканлигини қайд қилади ва шу туфайли аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ифодаловчи кўрсаткичларнинг фақат иқтисодий-ижтимоий жиҳатини қараб чиқади[42].

Ҳақиқатда, ҳаёт даражаси ва сифатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига жуда кўп кўрсаткичлар киради. Уларни тизимлаштириш учун ушбу

---

[39] Пардаев М.Қ., Мамаюнусова М.О. Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни аниқланиш ва таҳлил қилиш йўллари. //Иқтисодиётнинг реал сектори самарадорлигини оширишда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш масалалари. Республика ИАК материаллари. (2015 йил 10 апрель). – Т.: 2015. – 274-277 бетлар.

[40] Большая экономическая энциклопедия. – М.: Эксмо, 2007. 816 с.

[41] Ўша жойда. 277 бет.

[42] Пардаев М.Қ., Мамаюнусова М.О. Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни аниқланиш ва таҳлил қилиш йўллари. //Иқтисодиётнинг реал сектори самарадорлигини оширишда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш масалалари. Республика ИАК материаллари. (2015 йил 10 апрель). – Т.: 2015. – 274-277 бетлар.

кўрсаткичларни бир қанча белгилари бўйича таснифлаш лозимлиги ҳам юқоридаги олимлар томонидан асосланган. М.Қ.Пардаев ва М.О.Мамаюнусовалар мазкур кўрсаткичларни 5 та белгиси бўйича таснифлашни тавсия қилганлар[43]. Уларга қуйидагиларни киритади:

1. инсонларнинг яшаши учун атроф-муҳитнинг ва экологик вазиятнинг қулайлиги;

2. инсонлар эҳтиёжини иқтисодий жиҳатдан қондирилиши;

3. инсонлар эҳтиёжини сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан қондирилиши;

4. ҳар бир инсоннинг фуқаролик позициясини, сўз эркинлигини ифодалай олиш даражаси;

5. инсонларнинг маънавий эҳтиёжининг қондирилиши ва маънавий камолоти учун тегишли шароитнинг яратилганлиги кабиларни киритиш мумкин.

Кўриниб турибдики, ушбу кўрсаткичлар жуда кўп белгилари бўйича таснифланар экан. Шу туфайли олимларимиз ушбу тизимдан фақат битта йўналишга, яъни аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан баҳолаш масаласига диққатини қаратганлар. Чунки, ушбу категорияни амалий жиҳатдан тўлиқ ифодалаш ўта мураккаб жараён. Эҳтимол ушбу категорияни ифодаловчи кўрсаткичларнинг назарий ва амалий масалалари иқтисодий адабиётларда деярли берилмаганлигининг ҳам сабаби балки шундадир.

М.Қ.Пардаев ва М.О.Мамаюнусовалар аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ифодалаш учун, юқорида таъкидланганидек, кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозимлиги “Миллий ҳисоблар тизими 2008”[44]га асосланган ҳолда

[43] Ўша жойда. – 274-277 бетлар.

[44] Система национальных счетов 2008. Европейская комиссия, Международный валютный фонд (Номер публикации SNAEA 2008 001), Организация экономического сотрудничества и развития (Код ОЭСР 302009191P1), Организация Объединенных Наций (В продаже под № R.08.XVII.29, Условное обозначение документа ST/ESA/STAT/SER.F/2/Rev.5), Всемирный банк. ISBN 978-92-1-461028-1. Нью-Йорк. 2012.– С763. (Настоящая публикация переведена на русский язык специалистами Межгосударственного статистического комитета Содружества Независимых Государств и Института финансово-экономического мониторинга. Окончательная редакция осуществлена профессором Ю.Н.Ивановым).

ишлаб чиқилган. Бунинг учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланишни тавсия қилади:

1. аҳолининг тегишли товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжининг қондирилиш даражаси;

2. меҳнат фаолиятида (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш) хавфсизликнинг таъминланганлик даражаси;

3. аҳолининг реал даромадларининг ўсиш даражаси;

4. аҳолининг экологик жиҳатдан тоза маҳсулотларни истеъмол қилиш даражаси;

5. маданий-маиший дам олишининг ташкил қилинганлик даражаси;

6. касбни эркин танлаш ва тегишли маълумотни олиш имконияти;

7. соғлиқни сақлаш учун шароитнинг яратилганлик даражаси;

8. коммунал хизматларнинг яхши йўлга қўйилганлиги ва ушбу хизматларнинг сифатлилик даражаси[45].

Қайд этиш жоизки, иқтисодиётда ҳар бир кўрсаткич рақамларда ифодаланса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Аммо, юқоридаги муаллифлар таъкидлашича ушбу кўрсаткичларни рақамларда ифодалаш ҳам бироз мураккаб. Чунки ушбу кўрсаткичларнинг айримлари бўйича иқтисодиётнинг бирорта даражасида ҳисоб-китоб олиб борилмайди ва тегишли тарзда ҳисобот юритилмайди. Шу туфайли уларни махсус социологик тадқиқотлар натижасида аниқлаш мумкинлиги кўрсатилган.

Биз юқоридаги муаллифлар фикрига қўшилган ҳолда ушбу кўрсаткичлар тизимига яна қуйидагиларни қўшишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- аҳолининг иқтисодий хавфсизлигининг таъминланганлик даражасини;
- аҳоли фаол қисмининг бандлик даражасини;
- товарларни харид қилишга кетадиган вақтнинг тежалиш коэффициенти;

45 Пардаев М.Қ., Мамаюнусова М.О. Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни аниқланиш ва таҳлил қилиш йўллари. //Иқтисодиётнинг реал сектори самарадорлигини оширишда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш масалалари. Республика ИАК материаллари. (2015 йил 10 апрель). – Т.: 2015. – 274-277 бетлар.

- аҳолининг уй-жой билан таъминланиш даражаси;
- энг юқори ва кам даромадли аҳоли ўртасидаги фарқнинг даражаси;
- меҳнатга қобилиятли аҳоли таркибида олий маълумотли аҳолининг ҳиссаси.

Ушбу кўрсаткичларга изоҳ берадиган бўлсак, **аҳолининг иқтисодий хавфсизлигининг таъминланганлик даражасини** ифодаловчи кўрсаткични юқоридаги кўрсаткичлар тизимига қўшиш мақсадга мувофиқ. Чунки, ҳозирги пайтда хавфсизлик масаласи ҳам муҳим кўрсаткичлар сирасига киради, унинг таркибий қисми бўлган иқтисодий хавфсизлик масаласи ҳам ўта муҳимдир. Юқорида келтирилган меҳнат фаолиятида (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш) хавфсизликнинг таъминланганлик даражаси иқтисодий хавфсизликнинг бир йўналиши ҳисобланади.

Шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ифодалаш учун яна **аҳоли фаол қисмининг бандлик даражасини** ифодаловчи кўрсаткични қўшишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунки, аҳолининг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифати бевосита унинг бандлиги билан белгиланади. Шу туфайли ушбу кўрсаткич кўрсаткичлар тизимига киритилиши мақсадга мувофиқ.

Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ифодалашдаги навбатдаги кўрсаткич аҳолининг **товарларни харид қилишга кетадиган вақтнинг тежалиш коэффициенти (Квт)** билан ўлчанади. Одамда қанча вақт кўп бўлса, у ўз устида ишлашга, интеллектуал салоҳиятини оширишга имконияти бўлади. Аммо одамларнинг анча вақти товар ва маҳсулотларни харид қилишга кетади. Агар савдо корхонаси одамларнинг товарларни харид қилишга кетадиган вақтини тежаса аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати янада ошади.

Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ифодалашдаги асосий кўрсаткичлардан бири **аҳолининг уй-жой билан таъминланиш даражасидир.** Чунки аҳоли хотиржам ва фаровон яшаши учун унга тегишли уй-жой лозим бўлади. Уй-жой билан таъминлашда аҳолининг жон бошига халқаро меъёр

бўйича 9 кв метрдан кам бўлмаган майдон бўлиши керак. Шу туфайли мазкур меъёрга амал қилган ҳолда аҳолини таъминлашга эришиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда мамлакатимизда ўртача бир кишига 15,7 кв метр турар жой майдони тўғри келади[46].

Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ифодалашдаги кейинги кўрсаткич **энг юқори ва кам даромадли аҳоли ўртасидаги фарқнинг даражаси**ни аниқлашдир. Мазкур кўрсаткичда максимал ва минимал даромадли аҳолининг ўртасидаги фарқнинг камайиши сердаромад аҳоли даромадининг камайиши эвазига эмас, балки кам таъминланган қуйи чегарадаги аҳоли даромадининг ошиб бориши билан боғлиқ бўлади. Бу аҳолининг фаровонлигини белгиловчи муҳим кўрсаткич саналади. Улар ўртасидаги тафовут қанча кам бўлса аҳолининг фаровонлиги шунча юқори бўлади. Президентимиз ташаббуси билан "Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси муҳокама учун эълон қилинди. Концепсияда 2030 йилгача бўлган даврда кам таъминланганлик даражасини ҳамма жойда қисқартириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга кўмаклашиш, соғлом турмуш тарзини юритиш, барчани қамраб оладиган сифатли таълимни таъминлаш, бутун умр давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантириш, гендер тенглик вазифаларини ҳал этиш"[47] масалалари ечилади.

Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ифодалашда қўшган охирги кўрсаткичимиз **меҳнатга қобилиятли аҳоли таркибида олий маълумотли аҳолининг ҳиссаси ҳисобланади.** Мазкур кўрсаткич жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Чунки мамлакатимиз келажаги инновацион ва рақамли иқтисодиёт асосида ривожланиши кўзда тутилган. Бундай шароитда ҳар бир ходимнинг интеллектуал мулк соҳибига айланишини тақозо қилади. Бу эса уларнинг олий маълумотга эга бўлишини талаб этади. Шу

[46]Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Тошкент. 2018. 193-бет.
[47] https://regulation.gov.uz/uz/document/9413

туфайли мамлакатимизда меҳнатга қобилиятли аҳолининг таркибида олий маълумотлиларнинг улушини кескин кўпайтириш лозим бўлади. Чунки ҳозирги пайтда меҳнатга қобилиятли аҳолининг таркибида олий маълумотли ходимларнинг улуши 35,5 фоиз[48]дан иборат холос.

Ушбу ҳолатни ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар сони жами 14 тани ташкил қилди. Бу қуйидаги жадвалда келтирилган (2.3-жадвал).

**2.3-жадвал**

**Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари[49]**

| Т/р | Ҳаёт сифатини ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг номи | Ҳаёт сифатини ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш йўллари |
|---|---|---|
| 1. | Аҳолининг тегишли товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжининг қондирилиш даражаси, коэффициентда (Кэқ) | **Кэқ = Стх / Атхбэ ;**<br>*Стх – аҳолига сотилган товарлар ва хизматлар ҳажми;*<br>*Атхбэ – аҳолининг товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжи.* |
| 2. | Меҳнат фаолиятида (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш) хавфсизликнинг таъминланганлик даражаси, коэффициентда (Кхмф) | **Кхмф = Хтж / Хс ;**<br>*Хтж –ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) жараёнида турли жароҳат олган ходимлар;*<br>*Хс – барча ходимлар сони* |
| 3. | Аҳолининг реал даромадларининг ўсиш даражаси, % (Ард) | **Ард = (Ард$_{жй}$ * 100) / Ард$_{ўй}$;**<br>*Ард$_{жй}$ – аҳоли реал даромадининг жорий йилдаги миқдори;*<br>*Ард$_{ўй}$ – аҳоли реал даромадининг ўтган таққосланадиган йиллардаги миқдори.* |
| 4. | Аҳолининг экологик жиҳатдан тоза маҳсулотларни истеъмол қилиш даражаси, коэффициентда (Кэтм) | **Кэтм = Сэтм / Сбм ;**<br>*Сэтм – сотилган экологик тоза маҳсулот.*<br>*Сбм – сотилган барча маҳсулот.* |
| 5. | Маданий-маиший дам олишининг ташкил қилинганлик даражаси, коэффициентда (Кдо) | **Кдо = Тмдс / Аус ;**<br>*Тмдс – турли дам олиш масканларида (кино, театр, санаторий, туризм ва ҳ.к.) хордиқ чиқарган аҳоли сони;*<br>*Аус – аҳолининг умумий сони.* |
| 6. | Касбни эркин танлаш ва тегишли маълумотни олиш имконияти, коэффициентда (Ккэмо) | **Ккэмо = Афкмб / Амқ ;**<br>*Афкмб – мутахассислиги бўйича фаолият кўрсатаётган аҳоли;* |

[48]Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси. Ўзбекистон рақамларда. Тошкент. 2018. 65-бет.

[49]Миллий ҳисоблар тизимида ги мазкур кўрсаткичларнинг 8 тадан иборат тизими М.Қ.Пардаев ва М.О Мамаюнусовалар томонидан жамланган ва қуйидаги манбада нашр қилинган: Пардаев М.Қ., Мамаюнусова М.О. Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни аниқланиш ва таҳлил қилиш йўллари. //Иқтисодиётнинг реал сектори самарадорлигини оширишда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш масалалари. Республика ИАК материаллари. (2015 йил 10 апрель). – Т.: 2015. – 274-277 бетлар. Биз ушбу кўрсаткичлар тизимини 14 тага етказиб такомиллаштирган ҳолда бермоқдамиз.

| | | |
|---|---|---|
| | | *Амқ – маълум мутахассисликка эга бўлган меҳнатга қобилиятли барча аҳоли* |
| 7. | Соғлиқни сақлаш учун шароитнинг яратилганлик даражаси, коэффициентда (Кссд) | **Кссд = Ссм / Ссмм ;**<br>*Ссм – ҳақиқатда мавжуд соғлиқни сақлаш муассасаларида умумий жойлар сони;*<br>*Ссмм – меъёр бўйича соғлиқни сақлаш муассасаларида умумий жойлар сони.* |
| 8. | Коммунал хизматларнинг яхши йўлга қўйилганлиги ва ушбу хизматларнинг сифатлилик даражаси, коэффициентда (Ккхд) | **Ккхд = Аскхно / Абс ;**<br>*Аскхно – коммунал хизматлардан норози аҳоли сони;*<br>*Абс – барча сўралган аҳоли сони.* |
| 9. | Аҳолининг иқтисодий хавфсизлигининг таъминланганлик даражасини ифодаловчи коэффициент (Каих) | **Каих = $Мх_{х}$ / $Мх_{м}$ ;**<br>*$Мх_{х}$ – маҳсулотлар ҳажми ҳақиқатда;*<br>*$Мх_{м}$ - маҳсулотлар ҳажми меъёр бўйича.* |
| 10. | Аҳоли фаол қисмининг бандлик даражасини ифодаловчи коэффициент (Кабд) | **Кабд = Ба / Ас;**<br>*Ба- банд бўлган аҳоли сони; Ас- аҳолининг умумий сони.* |
| 11. | Аҳолининг товарларни харид қилишга кетадиган вақтни тежаш коэффициенти (Квт) | **Квт = Дкв / Двм ;**<br>*Дкв – харидорнинг дўконга кирганидан чиқиб кетганича ўтган вақти; Двм – харидорнинг дўконда ўртача бўлиш мумкин бўлган меъёрий вақти.* |
| 12. | Аҳолининг уй-жой билан таъминланиш даражаси (Кужт) | **Кужт = Ужэа / Ас;**<br>Ужэа - аҳолининг уй-жойга эга бўлган қисмининг сони |
| 13. | Энг юқори ва кам даромадли аҳоли ўртасидаги фарқнинг даражаси (Кадф) | **Кадф = Юда / Кда;**<br>Юда – юқори даромадли аҳолининг ўртача даромади; Кда – кам даромадли аҳолининг ўртача даромади. |
| 14. | Меҳнатга қобилиятли аҳоли таркибида олий маълумотли аҳолининг ҳиссаси (Комҳ) | **Комҳ= Аом / Мқа;**<br>Аом – олий маълумотли аҳоли сони; Мқа –меҳнатга қобилиятли аҳоли сони. |

Навбатдаги вазифа юқорида келтирилган аҳолининг фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини баҳоловчи кўрсаткичлар сони 14 тага етди. Булардан қайси кўрсаткич бевосита савдо соҳасига боғлиқлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Агар уларнинг тартиб рақамларига аҳамият берадиган бўлсак, аҳолининг фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини баҳоловчи кўрсаткичларнинг бир қисми, яъни 5 таси бевосита (1, 4, 11, 12, 13) ва бир қисми, яъни 5 таси билвосита (2, 3, 5, 9, 10) таъсир қилади. Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ифодаловчи айрим кўрсаткичларнинг ўзгариши савдо соҳасига боғлиқ эмас. Буларнинг сони 4 та (6, 7, 8, 14). Юқоридагилардан кўриниб турибдики, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини баҳоловчи 14 та кўрсаткичнинг 5 таси бевосита ва 5 таси билвосита боғлиқ экан. Демак ушбу

кўрсаткичларни яхшилашда савдо корхоналарининг ўрни ва роли катта эканлигини кўриш мумкин. Буни қуйидаги жадвалда яққолроқ кўриш мумкин (2.4-жадвал).

Жадвалда келтирилган кўрсаткичлар аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини тўлиқ баҳолайди. Аммо улар билан яхлит хулосага келиш бироз қийинчилик туғдиради. Шу туфайли ушбу кўрсаткичлар тизимидан комплекс кўрсаткични ҳам аниқлашни тақозо қилади. Комплекс кўрсаткич, кўрсаткичлар тизими қандайлигидан қатъий назар, битта кўрсаткич даражасига келтиради. Бу амалиёт учун ўта муҳимдир.

Комплекс кўрсаткични аниқлаш учун барча кўрсаткичлар бир хил ўлчамга ва йўналишга келтирилиб олинади. Аммо ҳозирги тавсия қилинган кўрсаткичлар турли ўлчам ва йўналишларга эга. Улар асосида комплекс кўрсаткични аниқлаш учун уларни бир хил ўлчамга ва йўналишга келтириб оламиз. Бир хил ўлчам ва йўналишга келтириш учун ҳар бирининг моҳиятлилик коэффициенти ($Км_i$) аниқланади. Ҳар бир кўрсаткични унинг моҳиятлилик коэффициентига кўпайтириб, уларнинг моҳиятлилик даражасини тенглаштириб олишга эришилади. Сўнгра комплекс кўрсаткични аниқлаш мумкин бўлади.

**2.4-жадвал**

**Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ўзгартиришига таъсир қилувчи бевосита ва билвосита ҳамда таъсир қилмайдиган кўрсаткичлар тизими[50]**

| Аҳолининг ҳаёт дара-жаси ва сифатини ўзгартириши мумкин бўлган бевосита кўрсаткичлар тизими | Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ўзгартириши мумкин бўлган билвосита кўрсаткичлар тизими | Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ўзгартиришга таъсир қилмайдиган кўрсаткичлар тизими |
|---|---|---|
| 1. Аҳолининг тегишли товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжининг қондирилиш даражаси, коэффициентда (Кэқ) | 2. Меҳнат фаолиятида (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш) хавфсизликнинг таъмин-ланганлик даражаси, коэффициентда (Кхмф) | 6. Касбни эркин танлаш ва тегишли маълумотни олиш имконияти, коэффици-ентда (Ккэмо) |
| 4. Аҳолининг экологик | 3. Аҳолининг реал | 7. Соғлиқни сақлаш учун |

[50] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

| | | |
|---|---|---|
| жиҳатдан тоза маҳсу-лотларни истеъмол қилиш даражаси, коэффициентда (Кэтм) | даромадларининг ўсиш даражаси, % (Ард) | шароитнинг яра-тилганлик даражаси, коэффициентда (Кссд) |
| 11. Аҳолининг товарларни харид қилишга кетадиган вақтни тежаш коэффициенти (Квт) | 5. Маданий-майиший дам олишининг ташкил қилинганлик даражаси, коэффициентда (Кдо) | 8. Коммунал хизмат-ларнинг яхши йўлга қўйилганлиги ва ушбу хизматларнинг сифат-лилик даражаси, коэф-фициентда (Ккхд) |
| 12. Аҳолининг уй-жой билан таъминланиш даражаси (Кужт) | 9. Аҳолининг иқтисодий хавфсизлигининг таъ-минланганлик даража-сини ифодаловчи коэф-фициент (Каих) | 14. Меҳнатга қобилиятли аҳоли таркибида олий маълумотли аҳолининг ҳиссаси (Комҳ) |
| 13. Энг юқори ва кам даромадли аҳоли ўртасидаги фарқнинг даражаси (Кадф) | 10. Аҳоли фаол қисми-нинг бандлик даража-сини ифодаловчи коэффициент (Кабд) | |

Бунинг учун М.Қ.Пардаев ва М.О Мамаюнусовалар томонидан ишлаб чиқилган[51] қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$Ҳс = \sum_{i=1}^{n} Ҳдсі \qquad (2.6)$$

*Бунда: Ҳс – ҳаёт даражаси ва сифатини ифодаловчи комплекс кўрсаткич;*

*Ҳдсі – ҳаёт даражаси ва сифатини ифодаловчи алоҳида кўрсаткичларнинг тақкосланадиган (бир хил ўлчамга ва йўналишга келтирилган) миқдори;*

*і - ҳаёт даражаси ва сифатини ифодаловчи алоҳида тақкосланадиган кўрсаткичларнинг тартиб рақами;*

*n - ҳаёт даражаси ва сифатини ифодаловчи кўрсаткичларнинг умумий сони.*

Аммо мазкур формулада кўрсаткичларнинг моҳиятлилик коэффициенти инобатга олинмаган. Ушбу камчиликни бартараф қилиш учун мазкур

[51] Пардаев М.Қ., Мамаюнусова М.О. Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни аниқланиш ва таҳлил қилиш йўллари. //Иқтисодиётнинг реал сектори самарадорлигини оширишда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш масалалари. Республика ИАК материаллари. (2015 йил 10 апрель). – Т.: 2015. – 274-277 бетлар.

формулани такомиллаштириб, уларнинг моҳиятлилик коэффициенти билан аниқлашни тавсия қиламиз:

$$Ҳс = \sum_{i=1}^{n} Ҳдсi * Кмi \; ; \qquad (2.7)$$

Мазкур формуладан фойдаланиб аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий йўналишга эга бўлган кўрсаткичларни аниқлаш ва уларни ўтган давр ва бошқа ҳудуд маълумотлари билан таққослаш имкони яратилади. Бунга амалий маълумотларни қўллаб ечадиган бўлсак, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати бўйича тегишли хулосалар чиқариш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш мумкин бўлади.

Юқоридаги муаллифлар эътирофича ва бизнинг тадқиқотларимиз натижасида мазкур усулдан кўпинча илмий ходимлар билан бирга ҳокимият мутахассислари фойдаланишлари ҳам мумкинлиги асосланди. Чунки вилоят аҳолисининг ҳаёт даражасини аниқлаб республикадаги эгаллаган рейтингига баҳо бериш мумкин. Мос равишда ҳар бир туман ҳокимликлари ўзларининг туманидаги аҳолисининг яшаш даражаси ва ҳаёт сифатини аниқлаб, вилоятнинг ўртача ва бошқа туманларнинг ҳақиқий кўрсаткичлари билан таққослаш имконияти туғилади ва ушбу кўрсаткич орқали туманнинг қандай аҳволда эканлигига баҳо бериши мумкин.

Юқорида қайд қилинган ушбу тавсияларимиз амалиётда қўлланилса, ҳар бир ҳудуд раҳбарлари ўзларидаги аҳволга реал баҳо бера олиши ва натижаси бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиши мумкин. Айниқса, ушбу кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикасида узоқ муддатга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда нималарга аҳамият берилиши яққол кўриниб туради. Шу жиҳатдан мазкур иш нафақат назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга ҳам эга.

Агар бизнинг тавсияларимиз амалиётга қўлланилса, мамлакатимизда инсон манфаатлари қай даражада қондирилаётганлигига баҳо бериш мумкин.

Бу эса навбатдаги стратегик дастурларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб ҳисобланиши мумкин.

## 2.2. Аҳоли фаровонлигининг миллий модели ва уни ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолашда савдо хизматлари билан боғлиқлигини таъминлаш йўллари

Маълумки, собиқ иттифоқ таркибида Ўзбекистон ўз салоҳияти ва аҳолисининг ҳаёт даражаси бўйича энг қолоқ республикалардан бири бўлиб, бугунги кунда демократик янгиланиш ва тараққиёт йўлидан қатъий қадамлар босиб бораётган, куч-қудрати тобора юксалиб, замонавий кўп тармоқли иқтисодиётга эга бўлган, ўз халқининг фаровонлигини оширишга қодир мамлакатга айланиб бормоқда. Энди ўз аҳолисининг муносиб ва сифатли яшашини таъминлайдиган иқтисодий имкониятни қўлга киритди.

Ўзбекистонда ўтган йигирма етти йилдан ортиқ даврда асрларга татигулик бир қанча тарихий ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлинди. Шу қисқа даврда эришган кўрсаткичларимизга назар солсак, қуйидагиларни кўриш мумкин:

– мамлакатимиз аҳолиси қарийб 11 миллион кишига кўпайди;

– унинг умумий миқдори қарийб 33 миллионга яқинлашди;

– иқтисодиётимиз 4,5 баробардан зиёд ўсди;

– ялпи ички маҳсулот(ЯИМ) ҳажми аҳоли жон бошига 3,5 баробар ошди.

– Осиё тараққиёт банкининг маълумотлари бўйича, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари кейинги уч йилда 3 баробар кўпайди.

– 2008-2016-йилларда, яъни охирги ўн йилдан ортиқ даврда ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати дунёдаги саноқли давлатлар қаторида 8,0 %дан кам бўлмаган даражада бўлди.

– 2017-2018 йиллар давомида ҳам мамлакат ЯИМ барқарор [52] ўсиш суръатига эга бўлиб турибди, яъни булар 5,0 %дан зиёдни ташкил қилмоқда.

[52] М.Қ.Пардаев, Т.Х.Мамасоатов, О.М.Пардаев. Модернизация, диверсификация ва инновация – иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари. Монография. – Т.: 2019. “Наврўз”. – 13-бет

Буларнинг замирида дунёда тан олинган “Ўзбек модели” деб ном олган тараққиёт модели ётганлигини, унинг ҳаётийлиги ва тизимли равишда амалга оширилаётганлигини эътироф этиш лозим. Ҳозирги пайтда мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий тараққиёти янги босқичга кўтарилди. Бешта асосий йўналишни қамраб олган 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”ни амалга ошириш устида иш олиб борилмоқда.

Буларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат қилиб белгиланганлиги маълум:

1. Давлат ва жамият қурилиш тизимини такомиллаштириш.

2. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш.

3. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш.

4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш.

5. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, ўзаро манфаатли ташқи сиёсат олиб бориш.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдевори" номли маърузасида, 2017 йилнинг 22 декабрида мамлакатимиз тарихида биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномасини тақдим этганда қилинган ишларимизнинг сарҳисобини таъкидлаш билан бирга келгусида амалга оширилиши кўзда тутилган устувор вазифаларни ҳам аниқ белгилаб берди.

Ушбу ҳужжатлар ва маърузаларда инсон манфаатлари ва халқ фаровонлигини ошириш давлатимизнинг асосий вазифаси эканлиги қайд этилган. Ҳозирги пайтда аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар устида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

**Биринчи устувор вазифа** сифатида Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборат эканлигини таъкидлади.

**Иккинчи устувор вазифа** бевосита аҳоли фаровонлигини таъминлашдан иборат. Фаровонлик деганда, тўкинчилик, мўл-кўлчилик, қут барака, бозорларда арзончилик тушунилади. Бугунги кунда халқ фаровонлиги, Ватан равнақи ва юрт тинчлиги каби тушунчалар бежиз бош ғоямизнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил қилган эмас. Шу туфайли аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ечиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш каби масалалар мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида муҳим тадбирлардан бўлиб ҳисобланади

**Учинчи устувор вазифа** бевосита инсон саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган. Фаровонликнинг яна бир муҳим шарти – инсон саломатлигини мустаҳкамлаш вазифасини бажариш ва халқимизнинг саломатлигини ҳимоялашдан иборат. Буни инобатга олиб давлат дастурида соғлиқни сақлаш тизимини энг замонавий даволаш воситалари, техника ва технология билан таъминлаш, профилактика ишларини янада кучайтириш, соҳада фидокорона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масалаларига ҳам тегишли эътиборни қаратди.

**Тўртинчи устувор вазифа** халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришга қаратилган. Бу тадбирлар жумласига янги уй-жойлар, айниқса кам таъминланган аҳоли қатламига мўлжалланган арзон уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш, тегишли уй анжомлари ва жиҳозлар билан тўлиқ таъминлаш кабиларни киритиш мумкин.

**Бешинчи устувор вазифа** ҳар бир хонадонни, маҳаллани обод қилиш билан боғлиқ. Чунки фаровонлик бевосита оила ва маҳаллаларнинг ободлиги билан боғлиқдир. Ушбу вазифани бажариш маҳалла идорасининг, маҳаллада яшайдиган аҳолининг ўзини-ўзи бошқариш соҳасини, ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, унга янги ҳуқуқ ва ваколатлар бериш кабиларни бажариш билан боғлиқдир.

**Олтинчи устувор вазифа** аёл зотига эҳтиром билан боғлиқдир. Зеро, ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш – аёл зотининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асносида турмушимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир.

Ушбу вазифаларни бажаришга мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча хўжалик юритувчи субъектлар, катта-кичик идоралар, жамоат ташкилотлари, шу юртда яшаётган ва унинг тақдирига бефарқ бўлмаган барча фуқаролар масъулдирлар. Чунки, фаровонликдан қандайдир алоҳида аҳоли қатлами ёки бир гуруҳ одамлар эмас, балки барча аҳоли, корхоналар ва ташкилотлар манфаатдордир. Манфаатдорлик ўз навбатида масъулликни ҳам келтириб чиқаради. Шундай қилиб ушбу вазифаларни бажаришда қуйидаги ташкилотлар иштирок этади:


- давлат ва нодавлат ташкилотлари;
- маҳаллий ҳокимият идоралари;
- маҳалла институти;
- хотин-қизлар;
- ёшлар вакиллари;
- зиёлиларимиз;
- кенг жамоатчилик;
- бутун халқимиз фаол ва муносиб иштирок этади.

Фаровон турмушни таъминлаш борасида 2017 йилда ва ундан кейинги йилларда ҳам олиб бориладиган сиёсатимизнинг асосий, бош мақсади – инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада фаровон ва эркин, эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлиш йўлида яна бир улкан қадам бўлади. Зеро фаровонлик кўнгилдан бошланади. Шу туфайли фаровон турмуш деганда кўнгил фаровонлиги, оила фаровонлиги, корхона фаровонлиги, маҳалла фаровонлиги, ҳудуд фаровонлиги, юрт фаровонлиги ҳақида гап кетиши лозим. Биз мазкур ишда фақат унинг битта йўналиши мамлакат фаровонлигига тўхталишни мақсад қилиб олдик.

Фаровон турмушни таъминлашда унинг назарий ва методологик жиҳатларини ҳам тадқиқ қилиш лозим. Бу масала жуда кенг кўламли вазифа бўлиб, у ҳаётимизнинг жуда кўп қирраларини қамраб олади. Улардан бир йўналиши фаровон турмушнинг даражасини баҳолашдан ва таҳлил қилишдан иборатдир. Чунки фаровонликни таъминлаш учун унинг ўлчами бўлиши керак. Бу борада бир қанча ёндошувлар бўлиши мумкин. Бизнинг фикримизча, фаровон ҳаётни таъминлаш учун уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки унинг кўлами ва мазмуни шу даражада кенгки, уни битта ёки иккита кўрсаткичга сиғдириш қийин.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар аҳолининг тўлиқ маънодаги фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ривожлантиришга эришганимиз аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун мустаҳкам асос яратилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Ислоҳотларнинг амалий натижадорлигини оширишда, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолимизнинг янада фаолроқ, янада ташаббускор бўлишига эришмоғимиз лозим. Энг асосийси, бу ислоҳотлар натижасида халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришимиз керак. Одамларимиз етарли даромад топиши учун энг қулай

бизнес ва инвестиция муҳитини шакллантириб, янги-янги корхоналар ва иш жойларини кўпайтиришимиз зарур. Бу ғоят долзарб ишларни ўзимиз қилмасак, ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бермайди” , деб таъкидлади. Президентимиз ушбу Мурожаатномасида шу вақтгача ошкор этилмаган камбағаллик даражаси хақида ҳам “Охирги уч йилда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган тамойил асосида, халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб бораётган кенг кўламли ижтимоий ислоҳотларни давом эттирамиз. Бунинг учун биринчи навбатда аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш – биз учун бош вазифалардан бири бўлиб қолади. Ҳудудларда, айниқса, қишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслиги сир эмас. Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда”, деб таъкидлаб ўтди. Бундай натижаларда иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг ҳам ажралмас қисми бўлган савдо соҳасининг ҳам муҳим ўрни бор.




**2.1-расм. Савдо кластерининг тузилиши [53].**

Фаровон турмушни таъминлашда Президентимиз белгилаб берган йўналишлар жаҳон амалиётида бетакрор бўлиб, у фақат ўзимизга хос миллий

[53] Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

характерга эгалиги туфайли уни ифодаловчи кўрсаткичларнинг жамланмаси фаровон турмушни таъминлашнинг миллий моделини ташкил қилади. Чунки ушбу кўрсаткичлар бевосита мамлакат тараққиётининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида ўз аксини топган. Ушбу дастурий вазифаларни бажариш мақсадида кўплаб инновацион ташкилий тузулмаларни ҳам яратишни тақозо қилади. Булардан бири савдо кластерини ташкил этишдан иборатдир. Бугунги кунда жаҳонда хомашё эмас, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган иқтисодиёт етакчилик қилмоқда. Бу йўналишда ташаббус кўрсатмаган, ички бозорда тайёр маҳсулот импортини камайтириш билан бирга экспорт салоҳиятини ошириш бўйича изланмаган давлат рақобатда ютқазиб қўйиши ҳеч гап эмаслигини ҳаётнинг ўзи такрор-такрор кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан, Президентимиз ташаббуси билан амалиётга жорий қилинган кластер усули пахтачилик, тўқимачилик саноати билан бир қаторда савдо соҳаси ривожида ҳам муҳим аҳамият касб этиши табиий.

Ушбу заруратдан келиб чиқиб, савдо кластерини шакллантиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик (2.1-расм).

Савдо кластерининг асосий вазифаси аҳолига сифатли савдо хизматларини кўрсатиш орқали тегишли товарларни ўз вақтида етказиб бериш эвазига аҳолининг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатини оширишдан иборат. Шу жиҳатдан савдо аҳоли фаровонлигининг муттасил ошиб боришига хизмат қилади. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, аҳоли фаровонлиги ва савдонинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш мақсадида аҳолининг фаровон турмушини ифодалаш учун қуйидаги кўрсаткичларни тавсия қилишни мақсадга мувофиқ, деб топдик:

- фаровон турмушни белгиловчи тинчлик-осойишталик, хавфсизлик, миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- фаровонлик, мўл-кўлчилик, қут барака, бозорларда арзончилик билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- инсон саломатлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражаси билан боғлиқ кўрсаткичлар;

- маҳалланинг фаровонлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- аёлнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи, ҳар қайси хонадонда опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Ушбу кўрсаткичларга амалий маълумотларни қўллаб ечиш орқали савдо кластерининг самарадорлигига баҳо берилади ва савдо хизматларини такомиллаштириш эвазига аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятлари яратилади.

Ушбу кўрсаткичларнинг жамламаси фаровон турмушнинг миллий моделини ташкил қилади ва уни ифодалаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$Фт_k = \sum_{i=1}^{n} (\sum Xi)/n \; ; \qquad (2.8)$$

*Бунда: $Фт_k$ – фаровон турмушни ифодаловчи комплекс кўрсаткич;*

*i = фаровон турмушни белгиловчи кўрсаткичларнинг тартиб сони;*

*X = фаровон турмушни белгиловчи кўрсаткичлар номи;*

*n – фаровон турмушни белгиловчи кўрсаткичларнинг умумий сони (бизнинг мисолимизда улар 6 тага тенг).*

Юқорида келтирилган формуладан кўриниб турибдики, фаровон турмушни баҳолаш учун 6 та гуруҳ кўрсаткичлар иштирок этади. Одатда ҳар бир кўрсаткичлар гуруҳи мазмунига қараб яна бир қанча кўрсаткичларни ўз ичига олади. Шу туфайли улар ҳам жамланиб, ўртача миқдорларини аниқлаш лозим бўлади. Шунинг учун ҳар бир кўрсаткични қисқартирган ҳолда белгилаб оламиз. Булар қуйидагича белгиланиб олинди:

Фтто – фаровон турмушни белгиловчи тинчлик-осойишталик, хавфсизлик, миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик билан боғлиқ кўрсаткичлар гуруҳи;

Фтфа - фаровонлик, мўл-кўлчилик, қут барака, бозорларда арзончилик билан боғлиқ кўрсаткичлар гуруҳи;

Фтис – инсон саломатлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар гуруҳи;

Фтҳс – халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар гуруҳи;

Фтмо – маҳалланинг фаровонлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар гуруҳи;

Фтаз – аёл зотининг жамиятдаги ўрни ва нуфузи, ҳар қайси хонадонда опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш билан боғлиқ кўрсаткичлар гуруҳи.

Ҳар бир кўрсаткични аниқлаш учун шу гуруҳга кирувчи кўрсаткичларнинг миқдори жамлаб олинади ва гуруҳдаги кўрсаткичлар сонига бўлинади. Чиққан натижа ушбу кўрсаткични ифодаловчи коэффициентнинг ўртача миқдорини ифодалайди. Масалан, фаровон турмушни белгиловчи тинчлик-осойишталик, хавфсизлик, миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик билан боғлиқ кўрсаткичларни (Фтто) аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$Фтто = \sum X1 /n ; \qquad (2.9)$$

Ушбу кўрсаткични ҳисоблаш учун, уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва тавсия қилиш лозим бўлади. Бизнинг фикримизча бунга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Х1 – мамлакатда тинчлик ва осойишталикнинг таъминланганлиги билан боғлиқ кўрсаткич. Бизда бу тўлиқ таъминланган. Шунинг учун унинг миқдорини 1 га тенг деб олиш мумкин.

Х2 – мамлакатимизда, оиламизда ва шахсий ҳаётимизда хавфсизликнинг таъминланганлигини ифодаловчи кўрсаткич. Буни ҳар бир шахс ўзи баҳолаши мумкин. Масалан, бу кўрсаткич 0,9 коэффициентга тенг.

Х3 – мамлакатимизда миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликнинг таъминланганлик даражасини ифодаловчи кўрсаткич. Бу ҳам турли миллат вакилларидан социологик сўровлар ўтказиш натижасида аниқланади. Бунинг миқдорини ўртача 0,95 коэффициент билан баҳолаш мумкин.

Х4 – юқоридагиларга эришиш учун қонуннинг устуворлигини таъминлашни ифодаловчи кўрсаткич. Буни ҳам социологик сўровлар

натижасида аниқлаш мумкин. Мазкур кўрсаткичнинг миқдори 0,95 коэффициентга тенг.

Мазкур кўрсаткичлар тизимидан ушбу йўналишни ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўртача қийматини аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$Фтто = \sum X1/п = (X1 \pm X2 \pm X3 \pm X4)/4=$$

$$(1,0 + 0,9 + 0,95 + 0,95) = 3,8 /4 = 0,95 \text{ коэффициентда}[54].$$

*X1- тинчлик ва осойишталик билан боғлиқ кўрсаткичлар (1,0);*

*X2-хавфсизликнинг таъминланганлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар(0,9) ;*

*X3-миллатлараро тотувлик ва аҳиллик билан боғлиқ кўрсаткичлар (0,95);*

*X4 –ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик билан боғлиқ кўрсаткичлар (0,95).*

Мазкур ҳолатда фаровон турмушни белгиловчи тинчлик-осойишталик, хавфсизлик, миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик билан боғлиқ кўрсаткичларнинг комплекс миқдорининг ўртача даражаси 0,95 коэффициентни ташкил қилади. Бу мазкур йўналиш бўйича юқори кўрсаткич сифатида баҳоланади.

Аҳолининг фаровонлиги, мўл-кўлчилик, қут барака, бозорларда арзончилик билан боғлиқ кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- халқ фаровонлигини ифодаловчи кўрсаткич;
- мамлакатда мўл-кўлчилик билан боғлиқ кўрсаткич;
- қут-бараканинг мавжудлиги билан боғлиқ кўрсаткич;
- бозорларда арзончилик билан боғлиқ кўрсаткич**.**

Ушбу кўрсаткичлар жамланмасининг математик миқдорини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$Фтфа = \sum X2 /n ; \qquad (2.10)$$

Ушбу кўрсаткичлар миқдорини макро даражада тадқиқот йўли билан аниқланади. Бизнинг тадқиқотларимиз қуйидаги натижаларни берди.

[54]Пардаев МҚ., Артиков З.С. Инсон манфаатлари ва фаровонлигини оширишнинг миллий модели ва уларни баҳолаш йўллари. Илмий тавсия. Самарқанд, СамИСИ, 2018. – 14-бет.

Халқ фаровонлигини ифодаловчи кўрсаткич (X1) сифатида мамлакат аҳолисига тўғри келадиган ЯИМнинг ўртача миқдори ўсишининг нисбати билан аниқланади. Масалан, 2010 йилда ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати 8,5 %ни ташкил қилган эди. 2017 йилда ушбу кўрсаткичнинг миқдори 5,3 %ни ташкил қилди[55]. Уларнинг нисбати коэффициентни ташкил қилади:

5,3 : 8,5 = 0,62 коэффициент.

Демак бизнинг фаровонликни оширишга қаратилган имкониятларимиз мавжудлиги 38,0 %ни ташкил қилади. Агар биз йилдан-йилга ЯИМнинг ўсиш суръатини ошириб борсак, аҳоли фаровонлигини ошириш имкониятларимизнинг кенгайиб бораётганлигига гувоҳ бўламиз.

Шу даврда мамлакатда мўл-кўлчилик билан боғлиқ кўрсаткични (X2) аниқлаш учун ўша даврдаги вазиятдан келиб чиқиб, товар ва хизматлар билан таъминланиш даражаси олинади. Бу бизнинг мисолимизда 0,95 коэффициентга тенг.

Навбатдаги кўрсаткич мамлакатимизда қут-бараканинг мавжудлиги билан боғлиқ кўрсаткич (X3) бўлиб, унинг миқдори шу таҳлил даврида 0,88 коэффициентга тенг. Мазкур миқдорни аниқлаш учун бозорларда (дўконлар билан) мавжуд маҳсулотларнинг етарлилик даражаси аниқланади. Бунда аҳолининг талаби қанча бўлса, ўшанча даражада маҳсулотлар етказилиб берилиши лозим бўлади. Бизнинг кузатишларимиз бўйича ушбу кўрсаткичнинг миқдори 0,88 коэффициентга тенглиги ҳали 12 % имкониятимиз бор деган маънони англатади.

Тўртинчи кўрсаткич (X4) бозорларда арзончилик билан боғлиқ кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Унинг миқдорини аниқлаш учун бозорлардаги муҳим товарлар нирхини ўтган йилги нархлар билан солиштириб аниқлаш мумкин. Бу бизнинг мисолимизда 0,93 коэффициентга тенглигини кўрамиз.

Юқоридаги формулани алоҳида кўрсаткичлар бўйича кенгайтирилган ҳолати қуйидагича бўлади:

[55]Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби.

$$Фтфа = \sum X2 /п = (X1 \pm X2 \pm X3 \pm X4 )/4=$$

$$(0,96 + 0,95 + 0,88 + 0,93 )= 3,72 /4 = 0,93$$ коэффициентда[56]

Кўриниб турибдики, аҳолининг фаровонлиги, мамлакатда мўл-кўлчилик, қут барака, бозорларда арзончилик билан боғлиқ кўрсаткичлар бўйича яна 7,0 % (1 – 0,93 * 100) имкониятимиз бор.

Навбатдаги кўрсаткич инсон саломатлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади. Ушбу йўналишни ҳам тўлиқ қамраб олиш учун кўрсаткичлар тизимида ифодаланади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

X1-умр узоқлиги даражаси (энг юқори умр узоқлигига нисбатан коэфф. 75:88);

X2- мамлакатда онанинг туғиш жараёнида ва болаларнинг 1 ёшгача ўлимининг камайиш даражаси (0,76);

X3-аҳолининг спорт билан қамраб олиниш даражаси (0,52);

X4-аҳолининг санатория ва бошқа соғломлаштириш муассасалари билан қамраб олиш даражаси (0,42);

X5-аҳолининг тиббий муассасалар билан меъёрга нисбатан таъминланиш даражаси (0,84);

X6-аҳолининг тиббий ходимлар билан таъминланиш даражаси (0,81). Ушбу кўрсаткичларнинг математик ифодаси қуйидагича кўринишга эга бўлади:

$$Фтис = \sum X3 /n ; \qquad (2.11)$$

Унинг кенгайтирилган ҳолатини мазкур формула орқали ифодалаш мумкин:

$$Фтис = \sum X3 /п = (X1 \pm X2 \pm X3 \pm X4 \pm X5 \pm X6)/6.$$

Агар ушбу формулага юқоридаги маълумотларни қўядиган бўлсак, қуйидаги натижага эга бўламиз:

$$(0,85 + 0,76 + 0,72 + 0,52+0,84 +0,81)= 4,50 /6 = 0,75$$ коэффициентда[57]

[56]Пардаев МҚ., Артиков З.С. Инсон манфаатлари ва фаровонлигини оширишнинг миллий модели ва уларни баҳолаш йўллари. Илмий тавсия. Самарқанд, СамИСИ, 2018. – 15 бет.

[57]Пардаев МҚ., Артиков З.С. Инсон манфаатлари ва фаровонлигини оширишнинг миллий модели ва уларни баҳолаш йўллари. Илмий тавсия. Самарқанд, СамИСИ, 2018. – 16 бет.

Бундан кўриниб турибдики, аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш учун ҳали анча ишларни амалга ошириш лозим экан. Мазкур ҳолатга тўлиқ эришиш учун уни яна 25 %гача имкониятларни яратиб беришимиз лозим.

Навбатдаги муҳим йўналиш халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражаси билан боғлиқ кўрсаткичлардир. Бизнинг тадқиқотларимиз кўрсатдики, ушбу йўналишни ифодалаш учун 7 та кўрсаткичдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ экан. Унинг модели қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$Фтҳс = \sum X4 /n ; \quad (2.12)$$

Буларга қуйидаги кўрсаткичларни киритиш мумкинлиги ва тақрибан уларнинг миқдори аниқланди:

X1- аҳоли бўш вақтининг мавжудлиги ва фаол дам олишлик даражаси (0,85);

X2- аҳолининг зарур маиший техникалар билан таъминланганлик даражаси (0,86);

X3-аҳолининг спорт билан қамраб олиниш даражаси (0,52);

X4-аҳолининг уй-жойлар билан таъминланганлик даражаси (0,98);

X5-аҳолининг товарларга бўлган эҳтиёжларининг қондирилиш даражаси (0,76);

X6-аҳолининг автомобилларга ва бошқа транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжининг қондирилганлик даражаси (0,85);

X7-аҳоли пул даромадларининг ўсиш даражаси (1,28).

Ушбу кўрсаткичларнинг математик ифодаси қуйидаги кенгайтирилган формулада яққол кўриниб турибди:

$$Фтҳс = \sum X4 /п = (X1 \pm X2 \pm X3 \pm X4 \pm X5 \pm X6 \pm X7)/7 ;$$

Юқорида келтирилган рақамлардан фойдаланиб, унинг умумий миқдорини аниқлаганда натижа 0,86 коэффициентга тенг бўлди:

$$(0,85 + 0,86 + 0,52 + 0,98 +0,76 +0,85+1,28)= 6,02 /7 = 0,86$$

коэффициентда[58].

[58]Пардаев МҚ., Артиков З.С. Инсон манфаатлари ва фаровонлигини оширишнинг миллий модели ва уларни баҳолаш йўллари. Илмий тавсия. Самарқанд, СамИСИ, 2018. – 17 бет.

Бу ҳам кўрсатадики, мамлакат аҳолисининг яшаш сифати ва даражасини кўтариш учун яна 14 % имкониятимиз мавжуд экан. Бу борада ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Бешинчи гуруҳ кўрсаткичлар маҳалланинг фаровонлиги билан боғлиқ кўрсаткичлардир. Уни тўлиқ қамраб олиш учун қуйидаги 6 та кўрсаткичдан фойдаланишни таклиф қиламиз:

Буларга маҳалланинг кўркам, озода ва шинамлик даражаси(X1) киради. Унинг миқдори 0,80 коэффициентга тенг.

Иккинчи кўрсаткич маҳалла аҳлининг ижтимоий ҳимоя билан адолатли таъминланганлик даражаси (X2) билан боғлиқ кўрсаткич. Бу бизнинг мисолимизда 0,85 коэффициентга тенг.

Учинчи йўналиш маҳаллада ўтказиладиган тадбирларнинг (анъанавий, маънавий-маърифий) юқори савияда ташкил қилиниш даражасига (X3) боғлиқ. Унинг миқдори 0,86 коэффициентга тенг.

Тўртинчи кўрсаткич, маҳалла аҳли учун яратилган имкониятлар даражаси (X4) билан боғлиқ. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори 0,63 коэффициентга тенг.

Бешинчи йўналиш маҳаллада жиноятчилик ва бошқа низоларнинг олдини олинганлик даражасига (X5) боғлиқ. Унинг миқдори 0,84 коэффициентга тенг.

Худди шундай, олтинчи кўрсаткич маҳалла оилаларида ажралишларнинг барҳам топиш даражасига (X6) боғлиқ. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори 0,82 коэффициентга тенг.

Уларнинг математик формуласи қуйидаги шаклда ифодаланади:

$$Фтмо = \sum X5 /n ; \qquad (2.13)$$

Унинг кенгайтирилган шакли ва амалий маълумотларни қўллаган ҳолдаги ечими қуйидагича:

$$Фтмо = \sum X5 /n = (X1 \pm X2 \pm X3 \pm X4 \pm X5 \pm X6 )/6=$$

$$(0,80 + 0,85 + 0,86 + 0,63+0,84 +0,82)= 4,80 /6 = 0,80 \text{ коэффициентда}$$[59]

[59]Пардаев МҚ., Артиков З.С. Инсон манфаатлари ва фаровонлигини оширишнинг миллий модели ва уларни баҳолаш йўллари. Илмий тавсия. Самарқанд, СамИСИ, 2018. – 18 бет.

Фаровон турмушни таъминлашдаги олтинчи йўналиш – бу аёл зотининг жамиятдаги ўрни ва нуфузи, ҳар қайси хонадонда опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш билан боғлиқ кўрсаткичлардир. Мазкур гуруҳ кўрсаткичларга қуйидагиларни киритишни мақсадга мувофиқ, деб топдик:

- X1- аёлларнинг бандлик даражаси (банд аёллар улушининг аҳолида банд бўлган аёлларнинг умумий улушига нисбати 0,78);
- X2- аёл раҳбарларнинг умумий раҳбар ходимлардаги улуши (0,45);
- X3- аёлларда бўш вақтнинг етарлилик даражаси (бўш вақтининг 10 соатга нисбати – 0,86);
- X4- оилада тегишли шароитнинг яратилганлик даражаси (0,93);
- X5- оиласиз аёлларнинг оилалилар сонига нисбати (0,14).

Ушбу кўрсаткичларнинг математик ифодасини қуйидагича тасвирлашни тавсия қиламиз:

$$Фтаз = \sum X6 /n ; \qquad (2.14)$$

Ушбу моделнинг кенгайтирилган ҳолатдаги ифодаси ва амалий маълумотларни қўллагандаги ҳолати қуйидагича:

$$Фтаз = \sum X6/n = (X1 \pm X2 \pm X3 \pm X4 \pm X5\pm )/5=$$

$$(0,78 + 0,45 + 0,86 + 0,93+0,14 +)= 3,16 /5 = 0,63$$ коэффициентда

Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳали аёлларимизга кўрсатиладиган эҳтиромнинг даражасини анча оширишимизга, уларга қулай турмуш шароитини яхшилаб беришимизга тўғри келар экан.

Фаровон турмушни ифодаловчи барча кўрсаткичнинг миқдорини алоҳида кўрсатиш учун уларни кетма-кет тарзда ифодалаймиз:

$$Фтто = \sum X1 /n = 0,99$$

$$Фтфа = \sum X2 /n = 0,93$$

$$Фтис = \sum X3 /n = 0,75$$

$$Фтҳс = \sum X4 /n = 0,86$$

$$Фтмо = \sum X5/n = 0,80$$

$$Фтаз = \sum X6/n = 0,63$$

Фаровон турмушни ифодаловчи кўрсаткичларнинг умумий сони 32 тани ташкил қилди. Шу кўрсаткичлар тизимидан комплекс кўрсаткичнинг миқдорини аниқлаш лозим бўлади. Бунинг учун алоҳида кўрсаткичларни қўшиш ва умумий натижани 32 рақамига бўлиш лозим бўлади. Аммо биз ҳар бир гуруҳ кўрсаткичлар бўйича ўртача рақамни аниқлаганлигимиз учун мазкур ҳисоб-китобда фақат шу 6 та гуруҳнинг умумий маълумотларини оламиз ва натижани 6 рақамига бўламиз. Бу бизнинг мисолимизда 0,83 коэффициентга тенг:

$Фт_к = \sum X6/n$ = 0,99 + 0,93 + 0,75 +0,86 + 0,80 + 0,63 = 4,96 / 6 = 0,83 коэфф[60].

Демак фаровон турмушни таъминлаш учун яна имкониятларимиз ва қилинадиган ишларимиз кўп эканлигини кўрамиз. Агар ушбу методологик ёндошувдан келиб чиқадиган бўлсак, уни тўлиқ таъминлаш учун яна 17 %лик тадбирларни амалга оширишимиз лозим экан. Буни қайси йўналишларда амалга ошириш лозимлигини билиш учун эса ҳар бир гуруҳда келтирилган таҳлилий кўрсаткичлар маълумотларига мурожаат қилиш лозим бўлади.

Шундай қилиб фаровон турмушни таъминлаш учун жойларда нималарга аҳамият берилиши ва қайси кўрсаткичлар билан ишлаш лозимлиги аниқ бўлди. Ушбу методологик ёндошув фаровон турмушни таъминлашга қаратилган бир вариант сифатида бермоқдамиз. Албатта бу масала бўйича олимларимиз ва мутахассисларимиз томонидан турли ёндошувлар бўлиши мумкин. Бироқ биз ушбу масалага узоқ йилларга мўлжалланган тадбир, деб қараймиз. Бу мамлакат раҳбариятининг иқтисодий-ижтимоий сиёсатининг пировард мақсадига мослиги туфайли узоқ йиллар давом этади ва мамлакатимиз аҳолиси фаровон турмуш кечирадиган кунларнинг бардавомлигига эришади. Шу туфайли ушбу масала нафақат амалий жиҳатдан, балки назарий жиҳатдан ҳам кенг ўрганилади. Бу ўрганиш жараёнида бизнинг таклифларимиз мукаммалликка даъво қилмасада мунозара учун асос бўлади, деб ўйлаймиз.


[60]Пардаев МҚ., Артиков З.С. Инсон манфаатлари ва фаровонлигини оширишнинг миллий модели ва уларни баҳолаш йўллари. Илмий тавсия. Самарқанд, СамИСИ, 2018. – 19 бет.

## 2.3. Аҳоли фаровонлигига таъсир этувчи савдо хизматларини такомиллаштириш билан боғлиқ омиллар, уларнинг таснифи ва ҳисоблаш йўллари

Ишлаб чиқариш корхоналарининг барқарор фаолиятини таъминлаш учун хом ашё ва материалларнинг кераклича заҳираси бўлиши керак. Худди шундай савдо корхоналари барқарор фаолиятини таъминлашда товар заҳиралари етарли бўлиши керак. Шу туфайли савдо корхоналарининг самарали фаолият кўрсатишида товар заҳираларининг ўрни ва роли жуда катта[61]. Бу айниқса бугунги тадбиркорлик ва рақобат муҳити яратилган даврда ўта муҳимдир. Зеро, истеъмолчиларнинг танлаш имконияти жуда катта. Бундай шароитда истеъмолчиларни сифатли товарлар билан узлуксиз таъминлаб туриш лозим бўлади. Акс ҳолда харидорларни қочириб қўйиши, савдо корхоналари фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Товар заҳиралари савдо корхоналарида маълум талаблар асосида шаклланиши лозим. Чунки истеъмолчига игнадан тортиб уй жиҳозларигача керак. Буларнинг ҳаммасини савдо корхоналари ва бошқа савдо билан шуғулланадиган субъектлардан харид қилиб олади. Шу туфайли товар заҳиралари умумий ҳажми бевосита товар гурухлари бўйича, товар гуруҳларида ассортименти бўйича шаклланган бўлиши лозим. Яна бир жиҳат ҳар бирининг заҳира миқдори ҳам ҳар хил ҳажмда шаклланади. Чунки унинг миқдорига ҳар хил омиллар таъсир қилади. Мазкур омиллар жуда кўп. Уларни моҳияти жиҳатидан икки гуруҳга бўлиш мумкин. Ушбу омиллар объектив ва субъектив омилларга бўлинади. Буларнинг мазмуни қуйидаги расмда ўз аксини топган (2.2-расм).

[61] Бу ҳақда маълумотлар Қудратов Ғ.Ҳ., Абдукаримов Б.А., Пардаев М.Қ. ва бошқалар томонидан ёзилган “Савдо иқтисодиёти муаммолари” номли ўқув қўлланмада батафсил ёритилган (Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти, 2016. – 181-207 бетлар).




**2.2-расм. Товар заҳираларини шаклантирувчи омиллар[62]**

Объектив омилларга реал воқелик, мавжуд шарт шароитлардан келиб чиқадиган, деярли инсон фаолиятига боғлиқлик бўлмаган, бўлган тақдирда ҳам боғлиқлиги жуда кам бўлган омиллар киришидан келиб чиқадиган бўлса, мазкур омиллар ҳам бир қанча гуруҳларга бўлиниши мумкин экан. Тадқиқотларимиз натижасида ушбу гуруҳ омилларга қуйидаги ўнбитта омилларни киритиш мумкин, деган хулосага келдик (2.3-расм).

[62] Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.




**2.3-расм. Аҳоли фаровонлигига таъсир этувчи омиллар таснифи**[63]

Биринчи гуруҳ омилларга талаб ва таклифнинг ўзгариши киради. Мазкур омиллар товарларга бўлган умумий талаб билан бирга, унинг ҳар бир ассортименти бўйича ҳам талабга мувофиқ келишлигини таъминлашни тақозо қилади. Аҳолининг умумий истеъмоли 1,0 млн сўм бўлса, шунча миқдорда товар ишлаб чиқарилган ва заҳира ташкил қилинган бўлса, бир қарашдан яхши иш қилингандек туюлади. Аммо унинг ассортименти талабга тўғри келмаса улар билан бир-бирига мувофиқ келмайди. Натижада бир томондан товар

63 Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

сотилмасдан қолса, иккинчи томондан, аҳолининг бир қисм эҳтиёжи қондирилмасдан қолади.

Иккинчи гуруҳ омиллар эҳтиёжнинг ва шунга мос равишда талабнинг мавсумий характерга эга эканлиги. Бунда шуни инобатга олиш керакки, айрим маҳсулотлар йил бўйи истеъмол қилинади, аммо уларни етиштириш мавсумий бўлади ва иккинчи томондан айрим нарсалар истеъмоли мавсумий характерга эга, лекин у доимий равишда ишлаб чиқарилади. Бундай товарлар бўйича ҳам заҳираларни шакллантириш ўзига хос хусусиятларга эга.

Учинчи муҳим омиллардан бири ишлаб чиқаришнинг ҳудудий жойлашишидир. Бу ҳам ўта муҳим омиллардандир. Масалан айрим нарсалар фақатгина айрим ҳудудлардагина етиштирилади, аммо уни истеъмол қилиш барча ҳудуд аҳолиси учун муҳимдир. Бунда бир жойда етиштирилган маҳсулот ёки товар заҳирасини иккинчи ҳудуд аҳолиси учун ўша жойда жойлаштириш лозимдир. Бу ҳам маълум ташкилий-иқтисодий тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади.

Тўртинчи гуруҳ омиллар транспорт  алоқалари, йўлларнинг холати ва ташиш ишларини ташкиллаштиришдан иборатдир. Чунки барча маҳсулотлар истеъмол қилинадиган ерда ишлаб чиқарилмайди. Масалан, мева ва сабзавотлар қишлоқ жойларда етиштиралади, унинг асосий қисми шаҳарларда истеъмол қилинади. Мос равишда кўпгина саноат моллари шаҳарларда ишлаб чиқарилади, аммо булар қишлоқларда ҳам истеъмол қилинади. Товар заҳиралари асосан истеъмол қилинадиган жойларда ташкил қилинмоғи лозим.

Бешинчи гуруҳ омиллар, чакана товар айланиш таркиби – товар ассортиментининг  мураккаблик даражаси билан боғлиқ омиллардир. Бу ҳам ўта жиддий омилдир. Биргина оёқ кийимини олайлик. Улар биринчи босқичда аёлларники ва эркакларникига бўлинади. Кейинги босқичда эса, уларнинг ўлчами муҳим аҳамият касб этади. Масалан 100 та аёл бор. Шунга мос равишда 100 та оёқ кийими ҳам мавжуд. Аммо уларнинг ўлчами тўғри келмаса, албатта бир қисм оёқ кийимлари сотилмасдан қолади ва мос равишда бир қисм аҳоли

ушбу товарга талаби қондирилмасдан қолиши мумкин. Бир хил ўлчамдаги оёқ кийимларини ҳам мослаштириш мумкин. Аммо ёшларга мўлжалланган кексаларга ва мос равишда кексаларга мўлжалланган ёшларга тўғри келмайди. Шу жиҳатдан мазкур товар заҳиралари билан боғлиқ бўлган масала ўта жиддий ва нозик масалалар сирасига киради.

Олтинчи гуруҳ омилларга товарларнинг физик ва химик хусусиятлари киради. Масалан, айрим товарларнинг сифати, уларнинг юмшоқлиги билан юқори бўлиши кўзда тутилса ва мос равишда, айрим нарсаларнинг сифати уларнинг қаттиқлиги билан ўлчанади. Яна бир жиҳат истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати унинг товар кўриниши билангина чекланиб қолмайди, балки, унинг кимёвий таркиби, экологик нормаларга жавоб бера олиш ҳолати кабилар билан ҳам ифодаланади. Товар заҳираларини ташкил қилишда мазкур омилларни ҳам инобатга олмасликнинг имконияти йўқ.

Еттинчи гуруҳ омилларга савдо корхоналарининг моддий-техник баъзасини киритиш мумкин. Мазкур гуруҳ омиллар ҳам муҳим омиллардан биридир. Чунки савдонинг талабига жавоб берадиган моддий-техника таъминоти бўлмаса, савдо ва мос равишда жамият кўп нарсаларни ютқазиб қўйиши мумкин. Масалан, тез бузуладиган озиқ-овқат маҳсулотини сотадиган шохобчада, албатта совутгич камераси бўлишлигини тақозо қилади ва ҳ.к.

Саккизинчи гуруҳ омилларга савдони ташкил қилиш даражаси, шакли ва технологияси каби омилларни киритиш мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, савдони ташкил қилишнинг бир қанча йўллари бор. Уларни ташкил қилишда харидорларнинг савиясидан тортиб, корхонанинг жойлашувигача бўлган омиллар инобатга олиниши лозим.

Тўққизинчи гуруҳ омилларга товарлар ҳаракатининг ахборот таъминоти билан боғлиқ омиллар киради. Бу омиллар тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш имконини беради. Энг муҳими ҳар бир ахборот ҳалол ва ҳаққоний бўлишлиги лозим. Нотўғри ахборот нотўғри хулоса чиқаришга асос бўлади. Бунга асосланган бошқарув қарорлари ҳам

тўғри бўлмайди ва мос равишда ишнинг самарадорлигига салбий таъсир қилади.

Ўнинчи гуруҳ омиллар товарларни келтиришни ташкил қилиш ва ташиш тезлиги билан боғлиқ омиллардир. Товарни шунчаки келтириш эмас, балки ўз вақтида келтириш ҳам унинг самарадорлигига ижобий таъсир қилади ва аксинча.

Ўнбиринчи гуруҳ омилларга савдо корхонасини товар айланиш ҳажмини киритиш мумкин. Мазкур омил юқоридаги барча омиллар таъсирида шаклланади. Чунки ҳар бир товар ўзининг истеъмолчисига эга бўлиши керак. Савдо корхоналари ишни шундай ташкил қилиш керакки, савдо корхонасидаги товарлар ўз харидорини кутишини ташкил қилиш эмас, балки харидорлар дўконга тегишли товарларнинг келишини кутиб яшашини ташкил қилиш керак. Шундагина савдо корхонаси ўзининг иқтисодий-ижтимоий талабларини тўлиқ қондирган бўлади.

Худди шундай бошқа омилларнинг ҳам тавсифини келтириш мумкин. Ушбу омиллар тўғридан-тўғри инсон фаолияти билан боғлиқ бўлиб, улар қабул қилган бошқарув қарорларининг реаллигидан келиб чиқади. Яхши бошқарув қарорлари иш самарадорлигини ошириши ва мос равишда таъсирсиз бошқарув қарорлари иш самарадорлигини пасайтириб юбориши мумкин.

Ҳозирги рақобат шароитида савдо корхоналари ва шохобчаларининг асосий мақсади ўз фаолияти самарадорлигини ошириш учун оқилона товар заҳираларини шакллантириш ва уларни бошқаришни ташкил қилишдан иборатдир. Чунки, товар заҳираларини шакллантириш ва бошқариш савдо корхоналари ва шохобчалари хўжалик фаолиятининг барча қирраларига таъсир қилади. Масалан, товар айланиши ҳажмининг ўзгаришига, таркибий ўзгаришига, даромад миқдорига, муомала (давр) харажатлари суммасига ва даражасига, фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг ўзгариши каби жараёнлар ушбу омил билан бевосита боғлиқ. Бу зарурият товар

заҳираларининг холатини ва самарадорлигини мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш заруриятини туғдиради.

Товар заҳираларини оптимал бошқаришнинг асосий мақсади минимал харажатлар билан товар заҳираларини шакллантириш орқали товар айланиш ҳажмини оширишдан иборат бўлмоғи лозим. Товар заҳираларини бошқариш жараёнининг асосий усулларидан бири уларни таҳлил қилишдир. Чунки таҳлил қилиш орқали илмий асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш мумкин. Товар заҳираларини тахлил қилишнинг мақсади, уларни белгиланган талабларга жавоб беришини ва савдо корхонаси ёки шохобчасини хўжалик фаолияти натижасига таъсирини баҳолашдан иборатдир.

Товар заҳираларини таҳлил қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- таҳлил учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш, тизимлаштириш ва солиштириш учун тегишли ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- товар заҳиралари умумий ҳажми ва ассортименти бўйича ўзгаришларни аниқлаш, агар норматив ўрнатилган бўлса, ҳар бирини шу нормативлар билан қиёслаш;
- товар заҳиралари умумий ҳажми декада, ой, квартал ҳамда йил боши ва охири бўйича таҳлил қилиш ва уларнинг ҳам ўзгариш тенденцияларига баҳо бериш;
- таҳлил қилинаётган корхона ёки шохобчада худди шундай ҳисоб-китобни товар ассортиментлари бўйича аниқлаш;
- товар заҳиралари кўрсаткичлари динамикасини ўрганиш, уни бошқа савдо шохобчалари, корхоналари (рақобатчилар), туман, вилоят, республиканинг кўрсаткичлари билан солиштириш ва баҳо бериш;
- товар заҳиралари хажми, таркиби ва унинг нисбий кўрсаткичларига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш;
- аниқланган ва баҳоланган холатни такомиллаштириш бўйича хулосалар чиқариш, таклифлар тайёрлаш ва чора тадбирлар ишлаб чиқариш.

Хулосанинг холис, бошқарув қарорларининг реал бўлишлигини таъминлаш учун товар заҳираларини ҳақиқий баҳоларда ва солиштирма баҳоларда таҳлил қилиш тавсия қилинади.

Бугунги рақобат шароитида товар заҳиралари динамикасини савдо шохобчаси, корхона, туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида ўрганиш лозим бўлади. Чунки бошқа рақобатдош корхоналарда аҳвол қандайлигини ҳам ҳис қилиш лозимдир. Зеро бошқа субъектларда товар заҳираларининг умумий ҳажми ва алоҳида товар гуруҳлари бўйича ҳолати ўрганилиб борилсагина, ўзининг аҳволига тўғри баҳо бера олади. Агар қиёсланса ўзининг аҳволи қандайлиги аён бўлади. Буни эса мазкур ҳолатни таҳлил қилиш йўли билан аниқлик киритилади.

Шундай қилиб, товар заҳираси савдо корхоналари фаолиятининг барқарор давом этиши ва самарадорлигининг муттасил ошиб боришига ижобий таъсир қилади. Буларни инобатга олиб қуйидаги тавсия ва таклифларни киритишни мақсадга мувофиқ, деб топдик:

Биринчидан, ҳозирги пайтда ҳар бир савдо корхонасида маркетинг хизматларини яхши йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ, чунки ушбу хизмат орқали қанча товар, қайси ассортиментда сотилиши керак ва бунинг учун қанча товар заҳираси ассортименти бўйича бўлиши кераклигини аниқлаш имконини беради.

Иккинчидан, товар заҳирасининг ҳолатини туман, вилоят ва республика миқёсида ўрганиш ва уларнинг жойлашуви бўйича тегишли баҳо бериш лозим. Чунки товар заҳираси чакана, улгуржи савдода, умумий овқатланиш каби шохобчаларида қанчадан бўлишлиги ва уларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланган ҳолда ифода этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, товар заҳирасининг динамикасини ўрганишда, уни товар айланмасининг умумий ҳажми билан қиёсий таҳлил қилиб боришни тақозо қилади. Чунки, товар айланмасига нисбатан товар заҳирасининг ўсиш суръати юқори бўлса ёки тескари ҳолат бўлса ҳам улар бир-бирига номувофиқ

эканлигидан далолат беради. Шу туфайли уларнинг ўсишини барқарор ҳолатга келтириш мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, товар заҳираларини алоҳида савдо шохобчаси миқёсида таҳлил қилиш жараёнида, унинг умумий ҳажмини ва товар гуруҳлари бўйича суммасини белгиланган норматив билан солиштириш ва фарқларини аниқлаш зарур. Чунки, юқорида таъкидланганидек, товар заҳираси меъёр доирасида бўлса, товар айланмаси билан мувофиқ равишда ўсиб бориши таъминланади.

Қайд этиш жоизки, чакана савдо ва овқатланиш соҳаси корхоналарида меҳнат ва иш ҳақи кўрсаткичлари таҳлили ўзига хос хусусиятларга эга. Чунки, чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг пировард мақсади асосан аҳолига сифатли хизмат қилиб, уларнинг яшаш даражаси ва сифатини оширишга қаратилган. Уларда товар айланиши ва иш ҳақи фонди, меҳнат унумдорлиги ва ўртача иш ҳақи ўртасидаги алоқа (боғлиқлик) худди чакана савдодагидек, деярли бир хил. Шунинг учун ушбу кўрсаткичларни аниқлашда, уларни методик қўлланишида ҳеч қандай фарқлар мавжуд эмас. Лекин мазкур кўрсаткичларни алоҳида ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Ҳозирги шароитда чакана савдо фаолияти ҳам, овқатланиш корхоналари фаолияти ҳам асосан қуйидаги мақомда баҳоланади:

1) соҳага қарашлилиги жиҳатидан улар кичик ва хусусий тадбиркорликка киради;

2) тармоқ нуқтаи назаридан хизмат кўрсатиш тармоқларидан бири сифатида эътироф этилади.

Шу туфайли мазкур тармоқда меҳнат ва иш ҳақи билан боғлиқ асосий кўрсаткичлар ўзига хос хусусиятларга эга. Аммо аниқланиш услуби жиҳатидан бошқа соҳаларга, хусусан, чакана савдо корхоналаридагидек ёндашилади. Бироқ овқатланиш корхоналаридаги хўжалик фаолияти чакана савдо корхоналари фаолиятидан фарқли бирмунча ўзига хос хусусиятларга эга. Шунинг учун овқатланиш корхоналарида меҳнат ва иш ҳақи бўйича

кўрсаткичларни ҳисоблаш усули ҳам чакана савдо корхоналарига нисбатан фарқ қилади.

Яна бир муҳим жиҳат, овқатланиш корхоналарида меҳнат унумдорлиги, иш ҳақи фонди чакана савдодагидек савдо бўйича эмас, балки, бутун товар айланмаси (обороти) бўйича ҳисоблаб топилади. Бундай ҳолат шу нарса билан изоҳланадики, овқатланиш корхоналарида товар обороти ўзи ишлаб чиқариб сотган, харид қилиб сотган барча товарларни ўз ичига олади. Шунга мос равишда меҳнат харажатлари ва ходимлар ҳам биргаликда ҳисобга олиб борилади. Шу туфайли ушбу тармоқда меҳнат унумдорлигини аниқлаш учун барча товар обороти (Q) ва барча банд бўлган ходимлар сони (R) олинади. Бунинг учун қуйидаги анъанавий формуладан фойдаланилади:

$$\mathbf{My = Q : R;}$$

Бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар меҳнат унумдорлигини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, асосий маҳсулотни ишлаб чиқарадиган шулар. Раҳбар ходимлар улар учун тегишли шароитларни яратиб беради. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун овқатланиш корхоналарида ишлаб чиқарилган ёки сотилган маҳсулотлар ҳажмини шу корхонада банд бўлган рўйхатдаги ишчи ходимлар сонига бўлиш лозим бўлади. Буни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия этилади:

$$Муих = Q : Rих; \qquad (2.15)$$

*Бунда: Муих – ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар меҳнат унумдорлиги;*

*Q – ишлаб чиқарилган (сотилган) маҳсулот ҳажми;*

*Rих – корхонада банд бўлган рўйхатдаги ишчи ходимлар сони.*

Овқатланиш корхоналарида меҳнат унумдорлигини аниқлашда ўзи ишлаб чиқарилган ва сотиб олиб сотилган маҳсулотларнинг меҳнат сиғимлилигини инобатга олган ҳолда ҳисоблашни ҳам тақозо қилади. Чунки ишлаб чиқариб сотган маҳсулот билан сотиб олиб сотган маҳсулотлар ўртасидаги меҳнат сарфи турлича. Ҳозирча олимлар ва мутахассислар ушбу нисбатни 1 га 3 деб

қабул қилганлар. Бу дегани ўзи ишлаб чиқариб сотган маҳсулотга нисбатан сотиб олиб сотган маҳсулотнинг меҳнат сиғими 3 баробар кам деганидир. Шу туфайли қиёсланадиган меҳнат унумдорлигини аниқлашда ва унинг миқдорини қиёслайдиган ҳолатга келтириш лозим бўлади. Бунинг учун овқатланиш корхоналарида шартли оборот миқдорини [$Q_{ич}$ + ($Q_{сос}$ : 3)] аниқлаш лозим бўлади. Ушбу кўрсаткич соҳада меҳнат унумдорлигининг қиёсланадиган миқдорини аниқлаш имконини беради ва уни аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$Му_{к} = [Q_{ич} + (Q_{сос} : 3)] : R; \quad (2.16)$$

*Бунда: $Му_{қ}$ – овқатланиш корхоналарида меҳнат унумдорлигининг қиёсланадиган миқдори;*

*$Q_{ич}$ – ўзида ишлаб чиқарилиб сотилган маҳсулот ҳажми;*

*$Q_{сос}$ – сотиб олиб сотилган маҳсулот ҳажми.*

Навбатдаги аниқланиши лозим бўлган кўрсаткичлардан бири, овқатланиш корхонасида ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари бўйича йиллик меҳнат унумдорлигидан (**$Му_{ич}$**) иборатдир. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун ўзида ишлаб чиқарилиб сотилган маҳсулот ҳажмини (**$Q_{ич}$**) овқатланиш корхонасида банд бўлган рўйхатдаги ишчи ходимларнинг ўртача сонига (**$R_{ич}$**) бўлиш орқали аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Му_{ич} = Q_{ич} : R_{ич}; \quad (2.17)$$

Ушбу кўрсаткичларни амалий маълумотларни қўллаган ҳолда ҳисоблаш мумкин (2.5-жадвал).

**2.5-жадвал**

**“Собир бобо” овқатланиш корхонасида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини аниқлаш ҳисоб-китоби[64]**

| Т/р | Кўрсаткичлар | Ўтган йилда, млн.сўм | Ҳисобот йилида, млн.сўм | Ўзгариш суръати | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | суммада | % да |
| 1. | Ўзида ишлаб чиқарилиб сотилган | 2450,0 | 2580,0 | +130,0 | 105,3 |

64“Собир бобо” овқатланиш корхонаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | маҳсулот ҳажми | | | | |
| 2. | Сотиб олиб сотилган маҳсулот ҳажми | 1245,0 | 1399,0 | +154,0 | 112,4 |
| 3. | Овқатланиш корхонасининг умумий обороти (1қ+2қ) | 3695,0 | 3979,0 | +284,0 | 107,7 |
| 4. | Овқатланиш корхонасида барча банд бўлган рўйхатдаги ходимларнинг ўртача сони, киши | 45 | 48 | +3 | 106,7 |
| 5. | Овқатланиш корхонасида банд бўлган рўйхатдаги ишчи ходимларнинг ўртача сони, киши | 38 | 40 | +2 | 105,3 |
| 6. | Овқатланиш корхонасида банд бўлган барча ходимларнинг йиллик меҳнат унумдорлиги (3қ/4қ) | 82,1 | 82,9 | +0,8 | 101,0 |
| 7. | Овқатланиш корхонасида ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг йиллик меҳнат унумдорлиги (3қ/5қ) | 97,2 | 99,5 | +2,3 | 102,4 |
| 8. | Овқатланиш корхонасида ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари бўйича йиллик меҳнат унумдорлиги (1қ/5қ) | 64,5 | 64,5 | +0,0 | 100,0 |
| 9. | Ўзи ишлаб чиқариб сотган маҳсулот ҳажмининг улуши, % (1қ*100/3қ) | 66,3 | 64,8 | -1,5 | 97,8 |

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, овқатланиш корхоналари умумий обороти 107,7 %га ошган. Бу одатда функциясидан келиб чиқиладиган бўлса, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳисобига амалга ошган бўлиши мумкин эди. Аммо “Собир бобо” овқатланиш корхонасида сотиб олиб сотган товарлари 112,4 %га бажарилган. Бу ҳам кўрсатадики, мазкур овқатланиш корхонаси ўз функциясидан кўра савдо корхоналари функциясига кўпроқ аҳамият берган. Натижада ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг умумий товар оборотдаги улуши 2,2 %га (100,0 – 97,8) камайган.

Бу корхонанинг фойда олиши нуқтаи назаридан тўғри қилинган, аммо жамият нуқтаи назаридан ишлаб чиқариб сотган товарларнинг қисми кўпроқ бўлса яхши бўлган бўларди. Чунки овқатланиш корхоналарининг фаолиятига фақат тадбиркор нуқтаи назаридан эмас, балки жамият нуқтаи назаридан ҳам қараш мақсадга мувофиқдир. Мазкур соҳа аҳолининг яшаш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қилишини таъминлаш учун ўзи ишлаб чиқариб сотса, фаолияти натижаси мақсадга мувофиқ бўлади.

Таҳлил жараёнида савдо корхоналарида меҳнат ва иш ҳақи бўйича ҳақиқий кўрсаткичларни режа кўрсаткичларига нисбатан фарқини аниқлашнинг методик усуллари овқатланиш корхоналарида ҳам ва чакана савдо корхоналарида ҳам бир хил аниқланади. Аммо уларнинг ўсиш суръатлари натижаси бўйича ҳар хил бўлиши мумкин. Бироқ, баъзи бир ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Агар ходимлар сонидаги ўзгаришларга аҳамият берсак, уларнинг ўсиш суръати (106,7 %) товар оборотининг ўсиш суръатига нисбатан (107,7 %) бир мунча паст. Бу ҳам кўрсатадики, таҳлил қилинаётган даврда меҳнат унумдорлиги овқатланиш корхоналарида бирозгина, яъни 101,0 %гагина ошган. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, ушбу кўрсаткичнинг ўзгаришига 4 та омил таъсир қилар экан. Булар жумласига:

- овқатланиш корхоналарида ходимларнинг меҳнат унумдорлиги (У);
- овқатланиш корхоналарида ишлаб чиқариш билан банд бўлган ходимларнинг меҳнат унумдорлиги ($X_1$);
- ишлаб чиқариш билан банд бўлган ходимларнинг умумий ходимлардаги коэффициенти ($X_2$);
- битта умумий овқатланиш корхонасига тўғри келадиган ходимлар сони ($X_3$);
- мингта аҳолига тўғри келадиган овқатланиш корхоналари сони ($X_4$).

Ушбу омилларнинг таъсирини қуйидаги математик моделнинг мултипликатив формуласи билан аниқлашни тавсия қиламиз:

$$У = X_1 * X_2 * X_3 * X_4 = \sum_{i=1}^{n} X_i; \qquad (2.18)$$

Ушбу формулага иқтисодий таҳлилнинг занжирли алмаштириш усулини қўллаб ҳар бир омилнинг таъсирини аниқлаш мумкин. Ҳисоб-китоблар натижасида уларнинг яхшиланиши бўйича ички имкониятлар аниқланиб, уларни сафарбар қилишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва шуларга асосан бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Агар бизнинг тавсияларимиз амалиётга жорий қилинса, товар заҳираларининг савдо корхонаси, ҳудудлар бўйича оптималлиги таъминланади, уларнинг товар айланмаси билан мувофиқлигига ҳам эришилади, энг муҳими, савдо корхоналари барқарор фаолиятини таъминлашда товар заҳираларининг ўрни ва роли ошиб бораверади. Бу эса, савдо корхоналари самарадорлигини ошириш билан бирга аҳолини товарлар билан таъминланишнинг узлуксизлигини таъминлашга эришилади.

# 3-БОБ. АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ЎЗГАРИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ САВДО ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ ОМИЛЛАРНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

## 3.1. Аҳоли фаровонлиги ўзгаришига таъсир этувчи савдо соҳаси самарадорлиги билан боғлиқ омиллар ва уларни аниқлаш йўллари

Аҳолининг фаровонлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) бўлиб ҳисобланади. Мазкур кўрсаткич ўзгаришига бутун иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган соҳа ва тармоқлар иш натижалари таъсир қилади. Булардан бири савдо соҳаси самарадорлиги билан боғлиқ омиллардир. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, ушбу омиллар таъсирини жуда кўп хорижий ва мамлакатимиз олимлари[65] эътироф этган. Аммо ушбу омиллар таъсирини аниқлаш бўйича хорижий ва мамлакатимиз олимлари умуман шуғулланмаган. Чунки нашр қилинган ва электрон тарзда эълон қилинган аҳоли фаровонлиги ва савдо билан боғлиқ бирорта адабиётда ушбу масала ёритилмаган. Бироқ аҳолининг фаровонлигига таъсир этувчи соҳалардан бири ва асосийси савдо соҳаси бўлиб ҳисобланади.

Буларни инобатга олиб, савдо соҳасининг аҳоли фаровонлигига таъсирини ҳисоблаш объектив зарурат эканлигини қайд этиш лозимдир. Бунинг учун аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ўзгаришига савдо

---

[65] Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. (2-қайта ишланган ва тўлдирилган лотин алифбосидаги нашри). Дарслик I–қисм.–Т.: «Иқтисод-молия», 2010.,Абдукаримов Б.А ва бошқ. Савдо иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. I–қисм.–Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2013., Абдукаримов Б.А., Комилова Н.А., Абдукаримов Ф.Б. Актуальные вопросы развития торговли в Узбекистане. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2010. – 96 б., Йўлдошев Н.Қ. Савдо корхонаси иқтисоди. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2005., Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М.. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма.– Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2014. – 384 б.- 24,0 б.т., Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётининг айрим муаммолари. Монография. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2014. – 264 бет., Ураков Ж.Р. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2013. – 127 бет. Урунбаева Ю.П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари. Монография. – Т.: “Фан” нашриёти, 2013., Усманова Д.И. Пути повышения социально-экономической эффективности торгового обслуживания сельского населения. Монография. – Издательство «Навруз» ГУП, 2014. – 160 с., Фридман А.М. Экономика предприятий торговли и питания потребительского общества. Учебник. М.: «Дашков и К°», 2008., Ўразов К.Б. Савдода бухгалтерия хисоби ва солиққа тортиш. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2004.

соҳасининг таъсирини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Шу туфайли ушбу соҳа билан боғлиқ омиллар таъсирини аниқлашнинг моделини ишлаб чиқишни мақсад қилиб олдик.

Аҳолининг фаровонлигини ифодаловчи аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ўзгаришига (ЯИМаҳ) савдо соҳаси самарадорлиги билан боғлиқ бир қанча омиллар таъсир қилади. Булар таркибига қуйидагилар киради:

- бир минг сўм савдо айланмасига тўғри келадиган ЯИМ суммаси;
- савдо айланмасининг савдо соҳасида банд бўлган битта ходимга тўғри келган суммаси;
- савдо соҳаси ходимларининг аҳоли сонидаги ҳиссаси.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, ушбу омилларнинг бир-бири билан боғлиқлигини аниқлаш учун иқтисодий-математик усуллардан мултипликатив моделни қўллаш мумкин экан. Чунки натижа билан омиллар ўртасидаги бевосита боғлиқ, яъни функционал бўлганлиги учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$ЯИМаҳ = САях * СХса * АХсх; \quad (3.1)$$

*Бунда: ЯИМаҳ – аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот;*

*САях –бир минг сўм савдо айланмасига тўғри келадиган ЯИМ суммаси;*

*СХса – савдо соҳасининг меҳнат самарадорлиги, яъни савдо айланмасининг савдо соҳасида банд бўлган битта ходимга тўғри келадиган суммаси;*

*АХсх – савдо соҳаси ходимларининг аҳоли сонидаги ҳиссаси.*

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ўзгаришига юқорида келтирилган учта омилнинг таъсирини аниқлаш учун иқтисодий таҳлил ва статистикада қўлланилиб келинаётган занжирли алмаштириш усулидан фойданишни тавсия қиламиз. Мазкур ҳисоб-китобни ушбу кўрсаткичнинг умумий фарқини аниқлашдан бошлаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\Delta ЯИМах = (САях_{ҳ} * СХса_{ҳ} * АХсх_{ҳ}) – (САях_{р} * СХса_{р} * АХсх_{р});$$

Таҳлилнинг навбатдаги босқичида шу аниқланган ўзгаришга таъсир қилувчи формулада ўз аксини топган омилларнинг таъсирини аниқлаш лозим бўлади. Бунинг учун аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг ҳажмини ҳар бир омилнинг ўзгаришини инобатга олган ҳолда кетма-кет равишда қайта ҳисоблаб олиш лозим бўлади. Қайта ҳисобланган натижа кўрсаткичи эса, ўзидан олдинги миқдордан айрилиш эвазига ҳар бир омилнинг таъсирини аниқлаш мумкин бўлади. Бу қуйидагича амалга оширилади:

1. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот, яъни натижавий кўрсаткичнинг ўзгаришига биринчи омил бир минг сўм савдо айланмасига тўғри келадиган ЯИМ суммасининг таъсирини аниқлаш учун натижа кўрсаткичининг режадаги миқдорини ушбу омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади ($САях_х$ * $СХса_р$ * $АХсх_р$) ва ушбу миқдордан натижа кўрсаткичининг режадаги миқдори **(**$САях_р$ * $СХса_р$ * $АХсх_р$) айрилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\Delta ЯИМах_{ях} = (САях_х * СХса_р * АХсх_р) – (САях_р * СХса_р * АХсх_р);$$

2. Натижавий кўрсаткичнинг, яъни аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ўзгаришига иккинчи омил савдо айланмасининг савдо соҳасида банд бўлган битта ходимга тўғри келган суммасининг таъсирини аниқлаш учун натижа кўрсаткичининг режадаги биринчи омил ҳақиқий миқдорини иккинчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади ($САях_х$* $СХса_х$ * $АХсх_р$) ва ушбу миқдордан натижа кўрсаткичининг биринчи омил ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланган миқдори **(**$САях_х$ * $СХса_р$ * $АХсх_р$) айрилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\Delta ЯИМах_{са} = (САях_х * СХса_х * АХсх_р) – (САях_х * СХса_р * АХсх_р);$$

3. Натижавий кўрсаткичнинг, яъни аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ўзгаришига учинчи омил савдо соҳаси ходимларининг аҳоли сонидаги ҳиссасининг таъсирини аниқлаш учун натижа кўрсаткичининг

иккинчи омил ҳақиқий миқдорини учинчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади ($САях_х$ * $СХса_х$* $АХсх_х$) ва ушбу миқдордан натижа кўрсаткичининг иккинчи омил ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланган миқдори **(**$САях_х$ * $СХса_х$ * $АХсх_р$) айрилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\Delta ЯИМах_{сх} = (САях_х * СХса_х * АХсх_х) – (САях_х * СХса_х * АХсх_р);$$

Барча омиллар таъсири натижа кўрсаткичининг умумий фарқига тенг бўлади. Агар шундай ҳолатга эришилса, тузилган моделнинг ҳам, аниқлаш учун қилинган ҳисоб-китобларнинг ҳам тўғрилигидан далолат беради. Бу қуйидагича аниқланади:

$$\Delta ЯИМах = \Delta ЯИМах_{ях} \pm \Delta ЯИМах_{са} \pm \Delta ЯИМах_{сх};$$

Таҳлил натижасига асосан ютуқ ва камчиликлар аниқланиб, ютуқларни кучайтириш, камчиликларни бартараф қилишга қаратилган тегишли бошқарув қарорлари қабул қилинади. Бунга эришиш учун мамлакатимиз миқёсида аҳолининг ўсиши ва фаровонлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар динамикасини таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ, деб топдик (3.1-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 2005-2019 йиллар давомида қарийб 32,1 мартага (3214,4 %) ошган. Шу даврда чакана товар айланмаси 29,4 мартага (2943,7 %), аҳолининг сони эса, 1,3 мартага (128,9 %) ва савдо ходимлари сони 2,1 мартага (209,3 %) ошган. Кўриниб турибдики, аҳоли фаровонлигини таъминловчи кўрсаткичлар аҳоли сонига нисбатан бир неча баробарга ўсган. Бу ўз навбатида 2005-2019 йилларда аҳолининг фаровонлигини муттасил ошиб борганлигидан далолат беради.

**3.1-жадвал**

**Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот, чакана товар айланмаси, аҳолининг ва савдо ходимлари сонининг 2005-2019 йиллардаги динамикаси[66]**

| Йиллар | Мамалакат ЯИМ | | Чакана товар айланмаси | | Аҳоли сони | | Савдода банд ходимлар сони | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Суммаси млрд. сўм | Ўсиш суръати % | Суммаси млрд. сўм | Ўсиш суръати % | минг киши | Ўсиш суръати, % | минг киши | Ўсиш суръати, % |
| 2005 | 15923,4 | 100,0 | 5577,4 | 100,0 | 26312,7 | 100,0 | 904 | 100,0 |
| 2006 | 21124,9 | 132,7 | 7453,8 | 133,6 | 26663,8 | 101,3 | 977 | 108,1 |
| 2007 | 28190,0 | 177,0 | 9574,6 | 171,7 | 27072,2 | 102,9 | 1055 | 116,7 |
| 2008 | 38969,8 | 244,7 | 12682,3 | 227,4 | 27533,4 | 104,6 | 1136 | 125,7 |
| 2009 | 49375,6 | 310,1 | 16874,6 | 302,6 | 28001,4 | 106,4 | 1186 | 131,2 |
| 2010 | 62388,3 | 391,8 | 21872,8 | 392,2 | 29123,4 | 110,7 | 1243 | 137,5 |
| 2011 | 78764,2 | 494,6 | 28539,0 | 511,7 | 29555,4 | 112,3 | 1283 | 141,9 |
| 2012 | 97929,3 | 615,0 | 36964,4 | 662,8 | 29993,5 | 114,0 | 1330 | 147,1 |
| 2013 | 120861,5 | 759,0 | 46863,0 | 840,2 | 30492,8 | 115,9 | 1379 | 152,5 |
| 2014 | 144867,9 | 909,8 | 58136,6 | 1042,4 | 31022,5 | 117,9 | 1431 | 158,3 |
| 2015 | 171808,3 | 1079,0 | 71184,1 | 1276,3 | 31575,3 | 120,0 | 1711 | 189,3 |
| 2016 | 199993,4 | 1256,0 | 88071,6 | 1579,1 | 32120,5 | 122,1 | 1760 | 194,7 |
| 2017 | 254043 | 1595,4 | 105229,9 | 1886,7 | 32656,7 | 124,1 | 1798 | 198,9 |
| 2018 | 407514,5 | 2559,2 | 121392,1 | 2176,5 | 33254,1 | 126,3 | 1846 | 204,2 |
| 2019 | 511 838,1 | 3214,4 | 164184,2 | 2943,7 | 33905,8 | 128,9 | 1892 | 209,3 |

[66]Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

**3.2-жадвал**

**Аҳоли фаровонлиги ва савдо соҳасининг ушбу кўрсаткичга таъсири билан боғлиқ омилларнинг 2005-2019 йиллардаги динамикаси[67]**

| Йиллар | Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ | | Бир минг сўм савдо айланмасига тўғри келадиган ЯИМ | | Савдо айланмасининг савдо соҳасида банд бўлган битта ходимга тўғри келган суммаси | | Савдо соҳаси ходимларининг аҳоли сонидаги ҳиссаси | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Суммаси минг сўм | Ўсиш суръати % | Суммаси млн. сўм | Ўсиш суръати % | Суммаси минг сўм | Ўсиш суръати, % | Улуши, % | Ўсиш суръати, % |
| 2005 | 608,5 | 100,0 | 2855,0 | 100,0 | 6,2 | 100,0 | 3,44 | 100,0 |
| 2006 | 797,5 | 131,1 | 2834,1 | 99,3 | 7,7 | 124,2 | 3,66 | 108,8 |
| 2007 | 1049,2 | 172,4 | 2944,3 | 103,1 | 9,1 | 146,8 | 3,90 | 114,7 |
| 2008 | 1427,3 | 234,6 | 3073,0 | 107,6 | 11,2 | 180,7 | 4,14 | 120,6 |
| 2009 | 1778,2 | 292,2 | 2926,0 | 102,5 | 14,2 | 229,0 | 4,28 | 123,5 |
| 2010 | 2184,3 | 359,0 | 2852,3 | 99,9 | 17,7 | 283,9 | 4,32 | 126,5 |
| 2011 | 2684,6 | 441,2 | 2760,0 | 96,7 | 22,2 | 358,1 | 4,38 | 126,5 |
| 2012 | 3289,0 | 540,6 | 2649,3 | 92,8 | 27,8 | 448,2 | 4,46 | 129,4 |
| 2013 | 3996,3 | 656,8 | 2579,0 | 90,3 | 34,0 | 548,4 | 4,55 | 132,4 |
| 2014 | 4709,7 | 774,0 | 2492,0 | 87,3 | 40,6 | 654,8 | 4,65 | 135,3 |
| 2015 | 5441,2 | 894,2 | 2413,6 | 84,5 | 41,6 | 671,0 | 5,42 | 157,6 |
| 2016 | 6226,4 | 1023,2 | 2270,8 | 79,5 | 50,0 | 806,5 | 5,48 | 159,3 |
| 2017 | 7779,2 | 1278,4 | 2414,2 | 84,6 | 58,5 | 943,6 | 5,51 | 160,2 |
| 2018 | 12254,6 | 2013,9 | 3357,0 | 117,6 | 65,8 | 1061,3 | 5,55 | 161,3 |
| 2019 | 15095,9 | 2480,8 | 3117,5 | 109,2 | 86,8 | 1400,0 | 5,58 | 162,2 |

[67]Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

Аҳолининг фаровонлигига, яъни аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ўзгаришига (ЯИМаҳ) таъсир этувчи омилларни аниқлаш лозим бўлади. Бунинг учун ушбу 3.1-жадвал маълумотлари асосида аҳоли фаровонлиги ўзгаришига савдо соҳаси самарадорлиги билан боғлиқ бир қанча омилларни, хусусан, бир минг сўм савдо айланмасига тўғри келадиган ЯИМ суммасини, савдо айланмасининг савдо соҳасида банд бўлган битта ходимга тўғри келган суммасини ва савдо соҳаси ходимларининг аҳоли сонидаги ҳиссасини аниқлаб олиш лозим бўлади. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (3.2-жадвал).

3.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми 2005-2019 йиллар давомида 24,8 мартага (15095,9 %) ошган. Бир минг сўм савдо айланмасига тўғри келадиган ЯИМнинг ҳажми шу даврда 109,2 %га ўсган. Савдо айланмасининг савдо соҳасида банд бўлган битта ходимга тўғри келган ҳажми ҳам 14,0 мартага ёки 1400,0 %га ошган. Худди шундай ҳолат савдо соҳаси ходимларининг аҳоли сонидаги ҳиссасида ҳам рўй берган. Ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръати 1,6 мартани ёки 162,2 %ни ташкил қилади. Бундай ўзгариш тенденциясининг аҳоли фаровонлигига қай даражада таъсир қилганлигини аниқлаш учун маълумотларни 2005-2019 йиллардаги ўзгариши бўйича ҳисоб-китоб қилишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (3.3-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми 2019 йилда 2005 йилга нисбатан 14487,4 млн. сўмга кўпайган (15095,9 – 608,5). Ушбу ўзгаришга юқоридаги учта омил таъсир қилган.

**3.3-жадвал**

**Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг 2005-2019 йилларга ҳисоб-китоби[68]**

| Т/р | Кўрсаткичлар | 2005 йил | 2019 йил | Фарқи (+,-) | Биринчи омил эвазига ўзгариши | Иккиинчи омил эвазига ўзгариши |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Бир минг сўм савдо айланмасига тўғри келадиган ЯИМ | 2855,0 | 3117,5 | 262,5 | 3117,5 | 3117,5 |
| 2. | Савдо айланмаси-нинг савдо соҳаси-да банд бўлган битта ходимга тўғ-ри келган суммаси | 6,2 | 86,8 | 80,6 | 6,2 | 86,8 |
| 3. | Савдо соҳаси ходимларининг аҳоли сонидаги ҳиссаси | 3,44 | 5,58 | 2,14 | 3,44 | 3,44 |
| 4. | Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ | 608,5 | 15095,9 | 14487,4 | 66490,0 | 930860,6 |

Биринчи омилнинг, яъни аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот, яъни натижавий кўрсаткичнинг ўзгаришига биринчи омил, яъни бир минг сўм савдо айланмасига тўғри келадиган ЯИМ суммасининг таъсирини аниқлаш учун натижа кўрсаткичининг режадаги миқдорини ушбу омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади (66490,0) ва ушбу миқдордан натижа кўрсаткичининг режадаги миқдори **(**608,5) айрилади. Бунинг миқдори 70989,6 млн. сўмни ташкил қилади:

66490,0 – 608,5 = 65881,5**;**

Натижавий кўрсаткичнинг яъни аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ўзгаришига иккинчи омил савдо айланмасининг савдо соҳасида банд бўлган битта ходимга тўғри келган суммасининг таъсирини аниқлаш учун, таъкидланганидек, натижа кўрсаткичининг режадаги ҳажмини иккинчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади (930860,6) ва ушбу миқдордан натижа кўрсаткичининг биринчи омил ҳақиқий миқдори билан

[68]Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

қайта ҳисобланган миқдори **(**66490,0) айрилади. Бунинг миқдори 864370,6 млн. сўмни ташкил қилади:

930860,6 – 66490,0 = 864370,6**;**

Натижавий кўрсаткичнинг, яъни аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ўзгаришига учинчи омил савдо соҳаси ходимларининг аҳоли сонидаги ҳиссасининг таъсирини аниқлаш учун натижа кўрсаткичининг иккинчи омил ҳақиқий миқдорини учинчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади. Бу натижа кўрсаткичининг ҳақиқий миқдорига тенг бўлади (15095,9). Ушбу миқдордан натижа кўрсаткичининг иккинчи омил ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисобланган миқдори **(**930860,6) айрилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

15095,9 – 930860,6 = - 915764,7

Барча омиллар таъсири натижа кўрсаткичининг умумий фарқига тенг бўлади. Агар шундай ҳолатга эришилса, тузилган моделнинг ҳам, аниқлаш учун қилинган ҳисоб-китобларнинг ҳам тўғрилигидан далолат беради. Бу юқорида таъкидланганидек, қуйидагича аниқланади:

65881,5 + 864370,6 – 915764,7 = 14487,4

Таҳлил натижасига асосан ютуқ ва камчиликлар аниқланиб, ютуқларни кучайтириш, камчиликларни бартараф қилишга қаратилган тегишли бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Ушбу ҳолатда натижа кўрсаткичининг ўзгаришига иккита омил ижобий таъсир қилган ва биттаси салбий таъсир қилган.

Худди шундай ҳисоб-китобни 2010-2019 йил ва 2015-2019 йилларга нисбатан ҳам аниқланган (3.4-жадвал).

**3.4-жадвал**

**Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг 2005-2019, 2010-2019, 2015-2019 йиллар давомида ўзгариш суръатлари ҳисоб-китоби[69]**

| Т/р | Кўрсаткичлар | Биринчи омил эвазига ўзгариши | Иккиинчи омил эвазига ўзгариши | Учинчи омил эвазига ўзгариши | Барча омиллар таъсири $\Delta ЯИМах_{ях} \pm \Delta ЯИМах_{са} \pm \Delta ЯИМах_{сх}$ |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | $(САях_{х} * СХса_{р} * АХсх_{р}) – (САях_{р} * СХса_{р} * АХсх_{р})$ 2005-2019 йиллар давомида | 65881,5 | 864370,6 | -915764,7 | +14487,4 |
| 2. | $(САях_{х} * СХса_{х} * АХсх_{р}) – (САях_{х} * СХса_{р} * АХсх_{р})$ 2010-2019 йиллар давомида | 236192,2 | 930611,2 | -1153891,8 | +12911,6 |
| 3. | $(САях_{х} * СХса_{х} * АХсх_{х}) – (САях_{х} * СХса_{х} * АХсх_{р})$ 2015-2019 йиллар давомида | 697467,8 | 763737,6 | -1451550,7 | +9654,7 |

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, аҳоли фаровонлиги, яъни аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ таҳлил қилинган учта даврда ҳам биринчи омил эвазига, яъни бир минг сўм савдо айланмасига тўғри келадиган ЯИМнинг таъсирида ўсганлигидан далолат беради. Худди шундай, савдо айланмасининг савдо соҳасида банд бўлган битта ходимга тўғри келган суммаси ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган. Савдо соҳаси ходимларининг аҳоли сонидаги ҳиссасининг ўсиш суръати натижага салбий таъсир қилган. Шу туфайли аҳоли фаровонлигини ошириш учун тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида ушбу омилларнинг таъсирига қараб тегишли чора-тадбирларни қабул қилиш лозим бўлади. Бунда ижобий таъсир қилган омилларнинг худди шундай таъсирини сақлаб қолган ҳолда салбий таъсир қилган омилларни янада ўрганиб, уни яхшилаш йўлларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

[69]Ушбу жадвалга киритилган рақамларнинг ҳисоб-китоблари юқоридаги 3.3-жадвал ва 1- ҳамда 2- иловаларда, алоҳида даврлар бўйича умумий ҳисоб-китоблари 3-иловада келтирилган.

## 3.2. Савдо корхоналари меҳнат самарадорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ва уларни ҳисобаш йўллари

Бугунги кунда савдо корхоналарининг аҳоли ҳаёт даражасига таъсири кундан-кунга ошиб бормоқда. Бу бевосита савдо корхоналари самарадорлигини оширишни тақозо қилади. Савдо соҳасининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, унда инсон меҳнати муҳим роль ўйнайди. Шу туфайли савдо корхоналарида меҳнат самарадорлигини ошириш масаласи ҳам долзарб ҳисобланади. Ушбу объектив зарурият савдо корхоналарида меҳнат самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган меҳнат унумдорлигини ошириш масаласи ҳам муҳим масалалар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожаатномасида иқтисодиётни юксалтириш ва уни жадал ривожлантириш борасида бир қанча устувор вазифаларни белгилаб берди. Ҳусусан, “Иқтисодиёт соҳасида олдимизда турган вазифалар ҳақида гапирганда, аввало кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар негизида қуйидаги мақсадлар мужассам эканини қайд этиш лозим” [70] , деб уларнинг бир йўналиши сифатида “иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, **меҳнат унумдорлигини ошириш** (таъкид бизники – З.С.Артиков) орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш”[71]дан иборат, деб белгилаб берди.

Бугунги кунда ушбу устувор вазифаларни амалга ошириш учун меҳнат самарадорлигини оширишнинг барча ички ва ташқи омилларини ишга солиш лозим бўлади. Савдо корхоналарида меҳнат самарадорлигини баҳолашда меҳнат унумдорлигидан фойдаланиш масалалари бир қанча иқтисодий адабиётларда ёритилган. Бу эса мазкур кўрсаткичнинг омилли таҳлилини амалга оширишни тақозо қилади. Савдо корхоналарида меҳнат унумдорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари олимларимиздан И.Т.Абдукаримов,

[70] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.
[71]Ўша жойда.

М.Қ.Пардаев, Б.А.Абдукаримов, Н.Қ.Йўлдошев, К.Б.Ўразов, Г.А.Солиева, А.М.Фридман, А.Бектемиров кабиларнинг [72] асарларида ёритилган. Ушбу олимлар асарларида савдо корхоналарида меҳнат унумдорлиги таҳлили ёритилган. Аммо ушбу кўрсаткичнинг ўзгаришига таъсир этувчи бир қанча омиллар эътибордан четда қолиб кетган.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, савдо корхоналарида меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига савдо корхоналари активлари ва ўз маблағлари билан боғлиқ бўлган бир қанча омиллар таъсир қилар экан. Уларни натижа кўрсаткичига боғлиқлиги жиҳатидан йирик икки гуруҳга бўлиш мумкин: ҳисобланадиган омиллар ва ҳисобланиши қийин бўлган, ҳисоб ва ҳисоботларда ифода этилмайдиган омиллар.

Тадқиқот жараёнида меҳнат унумдорлигининг (С) ўзгаришига таъсир этувчи омиллардан ушбу кўрсаткич билан функционал боғлиқ бўлган қуйидаги омилларни ҳисоблаш йўлларини илк бор ишлаб чиқдик. Буларга қуйидагилар киради:

– савдо билан шуғулланувчи ходимлар меҳнат унумдорлиги ($О_1$);

– савдо билан шуғулланувчи ходимларнинг умумий ходимлардаги ҳиссаси ($О_2$);

– жорий активларнинг ходимлар билан таъминланганлиги ($О_3$);

– ўз маблағларининг жорий активлар билан таъминланганлиги ($О_4$);

– ходимларнинг ўз маблағлари билан таъминланганлиги ($О_5$).

Мазкур бешта омилларнинг натижа билан боғлиқлиги функционал бўлганлиги туфайли уларни математик моделларнинг мультипликатив типидан

[72] Савдо иқтисодиёти муаммолари. Ўқув қўлланма. М.Қ.Пардаевнинг умумий таҳририда. – Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти, 2016. – 504 б., Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. I–қисм.-Т.: «Фан ва технология», 2007., Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. (2-қайта ишланган ва тўлдирилган лотин алифбосидаги нашри). Дарслик I–қисм.–Т.: «Иқтисод-молия», 2010., Абдукаримов Б.А ва бошқ. Савдо иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. I–қисм.–Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2013.,Йўлдошев Н.Қ. Савдо корхонаси иқтисоди. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2005., Солиева Г.А. Ўзбекистонда китоб нашри, савдоси ва маркетинги. Монография. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA” нашриёти, 2013. – 128 бет. – 8 б.т., Фридман А.М. Экономика предприятий торговли и питания потребительскогообщества. Учебник. М.: «Дашков и К°», 2008., Ўразов К.Б. Савдода бухгалтерия хисоби ва солиққа тортиш. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2004. ва ҳ.к.

фойдаланишни тавсия қиламиз. Ушбу боғлиқликни қуйидаги формула орқали ифодалаш таклиф этилади:

$$C_c=O_1*O_2*O_3*O_4*O_5; \quad (3.2)$$

Мазкур мультипликатив модель асосида савдо корхоналари меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг таъсирини ҳисоблаш мумкин бўлади. Энди ҳар бир омилнинг таъсирини иқтисодий таҳлилнинг занжирли алмаштириш усулидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш йўлларини қараб чиқамиз.

1. Натижанинг, яъни савдо корхоналари меҳнат самарадорлиги ўзгаришига биринчи омилнинг (савдо билан шуғулланувчи ходимлар меҳнат самарадорлиги) таъсирини ($\Delta H_{O_1}$) ҳисоблаш учун натижани ушбу омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисоблаб оламиз($H_{O_1}^{қх} = O_1^{х} * O_2^{р} * O_3^{р} * O_4^{р} * O_5^{р}$) ва ундан натижанинг режадаги миқдори ($H_р = O_1^{р} * O_2^{р} * O_3^{р} * O_4^{р} * O_5^{р}$) айрилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta H_{O_1} = H_{O_1}^{қх} - H_р = (O_1^{х} * O_2^{р} * O_3^{р} * O_4^{р} * O_5^{р}) - (O_1^{р} * O_2^{р} * O_3^{р} * O_4^{р} * O_5^{р});$$

2. Таҳлил қилинаётган натижа кўрсаткичининг, яъни савдо корхоналари меҳнат самарадорлиги ўзгаришига иккинчи омилнинг (савдо билан шуғулланувчи ходимларнинг умумий ходимлардаги ҳиссаси) таъсирини ($\Delta H_{O_2}$) ҳисоблаш учун натижани ушбу омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисоблаб оламиз ($H_{O_2}^{қх} = O_1^{х} * O_2^{х} * O_3^{р} * O_4^{р} * O_5^{р}$) ва ундан натижанинг биринчи омил ўзгариши билан ҳисобланган миқдори ($H_{O_1} = O_1^{х} * O_2^{р} * O_3^{р} * O_4^{р} * O_5^{р}$) айрилади. Бунинг учун эса, ушбу формуладан фойдаланиш тавсия этилади:

$$\Delta H_{O_2} = H_{O_2}^{қх} - H_{O_1}^{қх} = (O_1^{х} * O_2^{х} * O_3^{р} * O_4^{р} * O_5^{р}) - (O_1^{х} * O_2^{р} * O_3^{р} * O_4^{р} * O_5^{р});$$

3. Ўрганилаётган савдо корхоналари меҳнат самарадорлиги ўзгаришига учинчи омилнинг (жорий активларнинг ходимлар билан таъминланганлиги) таъсирини ($\Delta H_{O_3}$) ҳисоблаш учун натижани ушбу омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисоблаб оламиз ($H_{O_3}^{қх} = O_1^{х} * O_2^{х} * O_3^{х} * O_4^{р} * O_5^{р}$) ва ундан натижанинг иккинчи омил ўзгариши билан ҳисобланган миқдори ($H_{O_2} = O_1^{х} * O_2^{х} * O_3^{р} * O_4^{р} *$

$О_5^р$) айрилади. Бунинг учун ҳам занжирли усулдан фойдаланиб, қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия этамиз:

$$\Delta Н_{О_3} = Н_{О_3}^{кх} - Н_{О_2}^{кх} = (О_1^х * О_2^х * О_3^х * О_4^р * О_5^р) - (О_1^х * О_2^х * О_3^р * О_4^р * О_5^р);$$

4. Ўрганилаётган натижа кўрсаткичи, яъни савдо корхоналари меҳнат самарадорлиги ўзгаришига тўртинчи омилнинг (ўз маблағларининг жорий активлар билан таъминланганлиги) таъсирини ($\Delta Н_{О_4}$) ҳисоблаш учун натижани ушбу омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисоблаб оламиз ($Н_{О_4}^{кх} = О_1^х * О_2^х * О_3^х * О_4^х * О_5^р$) ва ундан натижанинг учинчи омил ўзгариши билан ҳисобланган миқдори ($Н_{О_3} = О_1^х * О_2^х * О_3^х * О_4^р * О_5^р$) айрилади. Бунинг учун ҳам занжирли усулдан фойдаланиб, қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия этамиз:

$$\Delta Н_4 = Н_{О_4}^{кх} - Н_{О_3}^{кх} = (О_1^х * О_2^х * О_3^х * О_4^х * О_5^р) - (О_1^х * О_2^х * О_3^х * О_4^р * О_5^р);$$

5. Таҳлил қилинаётган натижа кўрсаткичининг, яъни савдо корхоналари меҳнат самарадорлиги ўзгаришига охирги, бешинчи омилнинг (ходимларнинг ўз маблағлари билан таъминланганлиги) таъсирини ($\Delta Н_{О_5}$) ҳисоблаш учун натижани ушбу омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисоблаб оламиз($Н_{О_5}^{кх} = О_1^х * О_2^х * О_3^х * О_4^х * О_5^х$) ва ундан натижанинг тўртинчи омил ўзгариши билан ҳисобланган миқдорини ($Н_{О_4} = О_1^х * О_2^х * О_3^х * О_4^х * О_5^р$)айирамиз. Бунинг учун ҳам занжирли усулдан фойдаланиб, қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$\Delta Н_{О_5} = Н_{О_5}^{кх} - Н_{О_4}^{кх} = (О_1^х * О_2^х * О_3^х * О_4^х * О_5^х) - (О_1^х * О_2^х * О_3^х * О_4^х * О_5^р);$$

Одатдагидек, барча омиллар таъсири натижа ўзгаришининг умумий ҳажмига тенг бўлиши керак. Бунинг учун математик усулларнинг аддитив моделдан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta Н_{О_1} = \Delta Н_{О_1} \pm \Delta Н_{О_2} \pm \Delta Н_{О_3} \pm \Delta Н_{О_4} \pm \Delta Н_{О_5};$$

Мазкур усулларга амалий маълумотларни қўллаган ҳолда аниқлайдиган бўлсак, савдо корхоналарида меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлайдиган ички имкониятларни топиш ва уларни амалиётга сафарбар қилиш орқали натижа кўрсаткичининг юқори суръатлар билан ривожланишини

таъминлайди. Бунинг учун, энг аввало, тегишли кўрсаткичлар орқали омилларнинг мутлоқ миқдорини аниқлаб оламиз (3.5-жадвал).

**3.5-жадвал**

**“Фаровон” супермаркетида меҳнат унумдорлиги ва унинг 2018-2019 йиллардаги ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш йўллари[73]**

| № | Кўрсаткичлар | 2018 й | 2019 й | Фарқи (+,-) | Ўсиш суръати (%) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Товар обороти, минг сўм | 12989534,0 | 13693241,0 | +703707,0 | 105,4 |
| 2 | Ходимлар сони, киши | 20 | 21 | +1 | 105,0 |
| | шу жумладан: | | | | |
| 2.1 | Савдо билан шуғулланадиган ходимлар сони, киши | 13 | 15 | +2 | 115,4 |
| 3 | Жорий активларнинг ўртача қиймати, минг сўм | 538154 | 674984 | +136830 | 125,4 |
| 4 | Ўз маблағларининг ўртача қиймати, мингсўм | 512511 | 630024 | +117513 | 122,9 |
| 5 | Савдо корхонасининг меҳнат самарадорлиги, минг. сўм (1к/2к) | 649476,7 | 652059,1 | +2582,4 | 100,4 |
| 6 | Савдо билан шуғулланувчи ходимлар меҳнат самара-дорлиги, минг сўм (1к/2.1к) | 999194,9 | 912882,7 | -86312,2 | 91,4 |
| 7 | Савдо билан шуғулла-нувчи ходимларнинг умумий ходимлардаги ҳиссаси, коэфф. (2.1к/2к) | 0,6511 | 0,7143 | +0,632 | 109,7 |
| 8 | Жорий активларнинг ходимлар билан таъминланганлиги, киши (2к/3к) | 0,0371 | 0,0311 | -0,006 | 83,8 |
| 9 | Ўз маблағларининг жорий активлар билан таъминланган-лиги, минг сўм (3к/4к) | 1,0500 | 1,0714 | +0,021 | 102,0 |
| 10 | Ходимларнинг ўз маблағлари билан таъминланганлиги, минг сўм (4к/2к) | 25625,6 | 30001,1 | +4375,5 | 117,1 |

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган савдо корхонасининг меҳнат унумдорлиги 2019 йилда 2018 йилга нисбатан +2582,4 минг сўмга ёки 100,4 %га ошган. Ушбу ўзгаришга юқорида қайд қилинган бешта омил таъсир қилган. Ушбу омилларнинг шаклланишига товар обороти ва мос равишда бошқа омилларнинг таъсири товар оборотининг

[73]“Фаровон” супермаркети маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинди.

ўзгаришига олиб келган. Таҳлил даврида товар оборотининг ҳажми 703707,0 минг сўмга ёки 105,4 %га ошган. Ушбу савдо корхонасида ходимлар сони ҳам 1 кишига ёки 105,0 %га ошган. Кўриниб турибдики, товар оборотининг ўсиши бир қарашдан экстенсив омиллар эвазига ўсгандек кўринади. Аммо масалага чуқурроқ ёндошадиган бўлсак, асосан савдо билан шуғулланадиган ходимлар сонининг кескин ўзгарганлигини кўрамиз. Ушбу кўрсаткич 2 кишига ёки 115,4 %га ошганлигини кўриш мумкин. Товар оборотининг ва мос равишда, меҳнат унумдорлигининг ўсишига таъсир қиладиган омиллардан бири жорий активларнинг ўсиши ҳам рўй берган. Таҳлил қилинган даврда ушбу кўрсаткичнинг миқдори +136830 минг сўмга ёки 125,4%га ошган. Мазкур савдо корхонасида ўз маблағларининг ўртача қиймати +117513 минг сўмга ёки 129,9 %га ошган. Ушбу ўзгаришлар албатта меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига таъсир қилади.

Юқорида келтирилган занжирли алмаштириш усулидан фойдаланиб, таҳлил қилинаётган кўрсаткичнинг шу бешта омил эвазига ўзгарганлигини аниқлаб олиш мумкин. Бунда кетма-кет равишда натижани омиллар таъсири билан қайта ҳисоблаб олинади. Чиққан натижадан, ўзидан олдинги ҳисобланган рақамлар айирилади. Шу туфайли ушбу усулни занжирли алмаштириш усули, деб юритилади. Буларнинг ҳисоб-китоби қуйидаги жадвалда берилган (3.6-жадвал).

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, савдо корхонасининг меҳнат самарадорлиги 2019 йилда 2018 йилга нисбатаг 2582,4 минг сўмга ошган:

652059,1 – 649476,7 = +2582,4 минг сўм

**3.6-жадвал**

**“Фаровон” супермаркетида меҳнат унумдорлигини ва унинг 2018-2019 йиллардаги ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлашнинг ҳисоб-китоби[74]**

| № | Кўрсаткичлар | 2018 й | 2019 й | Занжирли алмаштириш | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 1-омил | 2-омил | 3-омил | 4-омил |
| 1 | Савдо билан шуғулла-нувчи ходимлар меҳнат самарадорли-ги, минг сўм (1к/2.1к) | 999194,9 | 912882,7 | 912882,7 | 912882,7 | 912882,7 | 912882,7 |
| 2 | Савдо билан шуғулла-нувчи ходимларнинг умумий ходимлардаги ҳиссаси, коэфф. (2.1к/2к) | 0,6511 | 0,7143 | 0,6511 | 0,7143 | 0,7143 | 0,7143 |
| 3 | Жорий активларнинг ходимлар билан таъминланганлиги, киши (2к/3к) | 0,0371 | 0,0311 | 0,0371 | 0,0371 | 0,0311 | 0,0311 |
| 4 | Ўз маблағларининг жорий активлар билан таъминланганлиги, минг сўм (3к/4к) | 1,0500 | 1,0714 | 1,0500 | 1,0500 | 1,0500 | 1,0714 |
| 5 | Ходимларнинг ўз маблағлари билан таъминланганлиги, минг сўм (4к/2к) | 25625,6 | 30001,1 | 25625,6 | 25625,6 | 25625,6 | 25625,6 |
| 6 | Савдо корхонасининг меҳнат самарадорлиги, минг сўм (1к/2к) | 649476,7 | 652059,1 | 593334,9 | 650927,9 | 545656,5 | 556777,5 |

Ушбу ўзгаришга бешта омил таъсир қилган. Юқоридаги усул билан ҳар бирининг таъсирини аниқлаш мумкин.

Биринчи омилнинг савдо корхонасининг меҳнат самарадорлигига (унумдорлигига) таъсирини аниқлаш учун шу биринчи омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисобланган натижа кўрсаткичидан ($Н_{О_1}^{қх}$), унинг ўтган йилдаги миқдори (Нр) айрилади. Ушбу омилнинг таъсирида таҳлил қилинаётган натижа кўрсаткичини 56141,8 минг сўмга камайган:

$$\Delta Н_{О_1} = Н_{О_1}^{қх} - Н_р = 593334,9 - 649476,7 = -\ 56141,8 \text{ минг сўм}$$

[74]3.5-жадвалда келтирилган “Фаровон” супермаркети маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинди

Натижа кўрсаткичи, яъни савдо корхонасининг меҳнат самарадорлигига (унумдорлигига) ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун шу иккинчи омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисобланган натижа кўрсаткичидан ($Н_{О_2}^{қҳ}$), унинг биринчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори ($Н_{О_1}^{қҳ}$) айрилади. Ушбу омилнинг таъсирида таҳлил қилинаётган натижа кўрсаткичини 57593,0 минг сўмга кўпайтирган:

$$\Delta Н_{О_2} = Н_{О_2}^{қҳ} - Н_{О_1}^{қҳ}$$=650927,9 – 593334,9 = +57593,0 минг сўм

Таҳлил қилинаётган натижа кўрсаткичи, яъни савдо корхонасининг меҳнат самарадорлигига (унумдорлигига) ўзгаришига учинчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун шу учинчи омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисобланган натижа кўрсаткичидан ($Н_{О_3}^{қҳ}$), унинг иккинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори ($Н_{О_2}^{қҳ}$) айрилади. Ушбу омилнинг таъсирида таҳлил қилинаётган натижа кўрсаткичини 105271,4 минг сўмга камайтирган:

$$\Delta Н_{О_3} = Н_{О_3}^{қҳ} - Н_{О_2}^{қҳ}$$=545656,5 – 650927,9 = -105271,4 минг сўм

Ўрганилаётган натижа кўрсаткичи, яъни савдо корхонасининг меҳнат самарадорлигига (унумдорлигига) ўзгаришига тўртинчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун шу тўртинчи омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисобланган натижа кўрсаткичидан ( $Н_{О_4}^{қҳ}$ ), унинг учинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори ($Н_{О_3}^{қҳ}$) айрилади. Таҳлил қилинаётган натижа кўрсаткичи ушбу омилнинг таъсирида 11121,0 минг сўмга кўпайган:

$$\Delta Н_{О_4} = Н_{О_4}^{қҳ} - Н_{О_3}^{қҳ}$$=556777,5 – 545656,5 = +11121,0 минг сўм

Натижа кўрсаткичи, яъни савдо корхонасининг меҳнат самарадорлигига (унумдорлигига) ўзгаришига бешинчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун шу бешинчи омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисобланган натижа кўрсаткичидан ($Н_{О_5}^{қҳ}$), унинг тўртинчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори ($Н_{О_4}^{қҳ}$) айрилади. Таҳлил қилинаётган натижа кўрсаткичи ушбу омилнинг таъсирида 95281,6 минг сўмга кўпайган:

$$\Delta Н_{О_5} = Н_{О_5}^{қҳ} - Н_{О_4}^{қҳ}$$=652059,1 – 556777,5 = +95281,6 минг сўм

**3.7-жадвал**

**Савдо корхоналари меҳнат самарадорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омиллар натижаси бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш йўллари[75]**

| Т/р | Омилларнинг номлари | Бошқарув жараёнида аҳамият берилиши лозим бўлган масалалар |
|---|---|---|
| 1. | Савдо билан шуғулланувчи ходимлар меҳнат самарадорлиги | Ушбу омилнинг таъсирида натижа кўрсаткичи - 56141,8 минг сўмга камайган. Келгусида савдо билан шуғулланувчи кадрларнинг малакасига, уларнинг интизомига, харидорлар билан муомала маданияти каби савдо хизмати сифатини ошириш билан боғлиқ омилларга алоҳида аҳамият берилади. Тегишли талабларга жавоб бермайдиган ходимлар малакаси оширилади ёки уларни бошқа ишга ўтказилади. |
| 2. | Савдо билан шуғулланувчи ходимларнинг умумий ходимлардаги ҳиссаси | Ушбу омилнинг таъсирида натижа кўрсаткичи +57593,0 минг сўмга ошган. Келажакда ҳам савдо билан шуғулланувчи ходимларнинг умумий ходимлардаги ҳиссасини узлуксиз ошириб борилишини таъминлаш, ҳеч бўлмаганда пасайтирмасдан ушлаб туриш чораларини кўриш лозим бўлади. |
| 3. | Жорий активларнинг ходимлар билан таъминланганлиги | Ушбу омилнинг таъсирида натижа кўрсаткичи -105271,4 минг сўмга камайган. Келажакда жорий активларнинг ходимлар билан таъминланганлигининг ижобий таъсирини таъминлаш учун, ходимларни кўпайтиришга тўғри келади. Аммо ходимларни меҳнат самарадорлигини пасайтирмаган ҳолда ошириб боришга эришиш лозим бўлади. Бунинг учун сотилган маҳсулот (товар обороти)нинг ўсиш суръатидан ходимларнинг ўсиш суръати ошиб кетмаслиги лозим. |
| 4. | Ўз маблағларининг жорий активлар билан таъминланганлиги | Ушбу омилнинг таъсирида натижа кўрсаткичи +11121,0 минг сўмга ошган. Келажакда ўз маблағларининг жорий активлар билан таъминлан-ганлигини ҳам ошириб боришни тақозо қилади. Ҳеч бўлмаганда ушбу кўрсаткич миқдорини пасайтирмасдан ушлаб туриш чораларини кўриш лозим бўлади. |
| 5. | Ходимларнинг ўз маблағлари билан таъминланганлиги | Ушбу омилнинг таъсирида натижа кўрсаткичи +95281,6 минг сўмга ошган. Келажакда ушбу кўрсаткичнинг ижобий таъсирини ушлаб туриш учун ўз маблағларининг ўсиш суръатини ходимларнинг ўсиш суръатидан юқорилигини таъминлаш лозим бўлади. Бундай ҳолда ходимларнинг ўз маблағлари билан таъминланганлиги ошиб боради ва ушбу омилнинг меҳнат самарадорлигига ижобий таъсири камаймайди. |

Барча омилларнинг таъсири натижа кўрсаткичининг умумий фарқига тенг бўлиши лозим. Биз таҳлил қилган омиллар таъсири ҳам ушбу қоиданинг тўғрилигини исботлаб турибди. Барча омилларнинг таъсири, натижа кўрсаткичининг умумий фарқига, яъни 2582,4 минг сўмга тенг бўлди:

- 56141,8 + 57593,0 - 105271,4 + 11121,0 + 95281,6 = +2582,4 минг сўм

[75]Таҳлил натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу таҳлил натижаси бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини беради. Таҳлиллар кўрсатдики, ўрганилган бешта омилдан иккитаси салбий таъсир қилган ва учтаси ижобий таъсир қилган. Буларнинг ҳаммаси бўйича тегишли бошқарув қарорлари қабул қилинади. Бунинг шаклини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин (3.7-жадвал).

Булардан ҳам кўриниб турибдики, савдо корхонасининг меҳнат самарадорлиги (унумдорлиги)ни ошириб бориш учун ҳар бир омилнинг таъсирини камайтирмаслик лозим экан. Бунинг учун уларни чуқур таҳлил қилиб, илмий жиҳатдан асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш йўлларини ўзлаштириш лозим бўлади. Бу соҳа мутахассисларидан тегишли билим ва малакани талаб этади. Бугунги савдо ходими, шунчаки савдо қилиш сирларини билиш билан чегараланиб қолмасдан, уни бошқариш механизмларини ҳам чуқур ўзлаштиришлари лозим.

## 3.3. Ўзбекистонда ЯИМ ва бошқа аҳоли фаровонлиги билан боғлиқ кўрсаткичларнинг прогнози

Бугунги амалга оширилаётган ислоҳотлар, кенг кўламли ўзгаришлардан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, “Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшаши – бизнинг бош мақсадимиздир”[76]. Бугунги кунда амалга оширилаётган улкан вазифалар бевосита “Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги биринчи навбатда ижтимоий соҳадаги ислоҳотларимиз самараси билан чамбарчас боғлиқ”дир[77]. Кўриниб турибдики, ҳар қандай тараққиёт пировардида ижтимоий соҳадаги ислоҳотларнинг, хусусан, аҳоли фаровонлигининг ошиб боришига хизмат қилади. Шу туфайли гап эртанги

[76] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.
[77] Ўша жойда.

истиқбол ҳақида борар экан, албатта иқтисодий кўрсаткичларни ижтимоий кўрсатикичлар билан биргаликда олиб боришни тақозо қилади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), чакана товар айланмаси, аҳоли сони каби кўрсаткичларнинг прогнозига бағишланган адабиётлар кўп бўлсада, уларнинг ўсишини бир қанча йилларга ўзаро боғлиқ ҳолда аниқлаш орқали стратегиясини белгилаш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишга қаратилган масалалар иқтисодий адабиётларда жуда кам ёритилган. Шу туфайли мазкур ишда асосий эътиборни айнан ЯИМ, чакана товар айланмаси, аҳоли сони ва улар билан боғлиқ кўрсаткичларнинг прогнози асосида тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш йўлларини такомиллаштиришга қаратишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Шунингдек, улардан амалиётда фойдаланиш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилди.

Ҳар қандай мавзунинг мамлакатимизда амалга оширилаётган стратегик тараққиёт талабларидан келиб чиққан ҳолда, мазмунини тўлиқ очиб бериш мақсадида юқоридаги кўрсаткичларнинг прогнози бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда қиёсланган тарзда қараб чиқишга қаратилган. Чунки мазкур масаланинг бугунги кундаги долзарблиги мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар талабига мос ҳолда объектив заруратдан келиб чиқмоқда. Ушбу зарурат қуйидагилар билан изоҳланади:

1) бугунги кунда иқтисодиёт соҳаси самарадорлигини оширишнинг объектив зарурлиги;

2) ушбу самарадорлик кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш учун бир қанча бошқа ижтимоий кўрсаткичлардан фойдаланиш лозимлиги;

3) иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар ўсишини бугунги кундаги амалда бўлган мамлакатни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжал-ланган ҳаракатлар стратегиясига мослигини таъминлаш лозимлиги;

4) иқтисодиёт соҳасидаги прогноз кўрсаткичларининг ижтимоий кўрсаткичлар билан боғлиқлиги ва улар асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш йўлларини такомиллаштириш лозимлиги;

5) иқтисодиёт соҳасини ривожлантириш эвазига, улар билан боғлиқ ижтимоий кўрсаткичларни диверсификация қилиб, аҳолини иш билан таъминлаш имкониятининг яратилиши;

6) Ўзбекистоннинг иқтисодий соҳада катта салоҳиятга эга эканлиги, уни экспорт қилиш имкониятларини кенгайтириб, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал ривожлантириш эвазига ижтимоий масалаларни ҳал қилишга қаратилган сиёсатни амалга ошириш чораларини кўришга кенг имкониятларнинг яратилишини таъминлаш лозимлиги.

Юқоридагиларнинг барчаси мазкур масаланинг ўта муҳим ва долзарблигини ҳамда иқтисодий тараққиёт билан боғлиқ кўрсаткичларнинг прогнози асосида бошқарув қарорларини қабул қилишнинг ўта муҳимлигини кўрсатиб беради. Буларни инобатга олиб, доимий аҳоли сони, иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сони, чакана товар айланмаси аҳолига кўрсатиладиган пуллик хизматлар ҳажми, савдода банд ходимлар сони билан боғлиқ кўрсаткичлар динамикасини келтирдик. Чунки ушбу кўрсаткичларда аҳоли ва унинг фаровонлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар ўз аксини топган (3.8-жадвал).

Ушбу жадвалдаги кўрсаткичлар прогнози мутлақ миқдорда келтирилган. Бунда кўз билан қанча кўпайганлигини тасаввур қилиш мумкин. Аммо аниқ тасаввурга эга бўлиш учун уларнинг нисбий ўзгаришларини аниқлашни тақозо қилади. Жумладан, доимий аҳоли сонининг 2000-2019 йиллардаги ўсиш суръати 136,6 %ни (33905,8*100/24813,1) ташкил қилади. Булардан иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сонининг ўсиш суръати 151,5 %ни (13608,8*100/8983,0) ташкил қилди. ЯИМнинг ўсиш суръатини аниқлаш учун уларнинг асосидаги ўзгаришлар тенденциясига баҳо бериш лозим. Ушбу кўрсаткич 2000-2019 йилларда 15721,8 %га (511838,1*100/3255,6) ўсди. Булар шу даврда қанча ўсганлигини билдиради.

**3.8-жадвал**

**Ўзбекистонда ЯИМ, чакана товар айланмаси, аҳоли сони ва у билан боғлиқ кўрсаткичларнинг 2000-2019 йиллар динамикаси[78]**

| Йиллар | Доимий аҳоли сони, минг киши | Иқтисо-диётда банд бўлган-ларнинг ўртача йиллик сони, минг киши | ЯИМ, млрд. сўм | Чакана товар айлан-маси, млрд. сўм | Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш, млрд сўм | Савдода банд ходимлар сони, минг киши |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 2000 | 24813,1 | 8983,0 | 3255,6 | 1787,5 | 309,9 | 754 |
| 2001 | 25115,8 | 9136,0 | 4925,3 | 2699,9 | 472,3 | 778 |
| 2002 | 25427,9 | 9333,0 | 7450,2 | 3786,3 | 711,4 | 781 |
| 2003 | 25707,4 | 9589,0 | 9844,0 | 4289,7 | 948,4 | 815 |
| 2004 | 26021,3 | 9910,6 | 12261,0 | 4787,5 | 1243,4 | 858 |
| 2005 | 26312,7 | 10196,3 | 15923,4 | 5577,4 | 1628,5 | 904 |
| 2006 | 26663,8 | 10467,0 | 21124,9 | 7453,8 | 2194,1 | 977 |
| 2007 | 27072,2 | 10735,4 | 28190,0 | 9574,6 | 3038,3 | 1055 |
| 2008 | 27533,4 | 11035,4 | 38969,8 | 12682,3 | 4627,1 | 1136 |
| 2009 | 28001,4 | 11328,1 | 49375,6 | 16874,6 | 6045,0 | 1186 |
| 2010 | 29123,4 | 11628,4 | 62388,3 | 21872,8 | 7858,0 | 1243 |
| 2011 | 29555,4 | 11919,1 | 78764,2 | 28539,0 | 10520,9 | 1283 |
| 2012 | 29993,5 | 12223,8 | 97929,3 | 36964,4 | 13614,1 | 1330 |
| 2013 | 30492,8 | 12523,3 | 120861,5 | 46863,0 | 18146,8 | 1379 |
| 2014 | 31022,5 | 12818,4 | 144867,9 | 58136,6 | 22392,4 | 1431 |
| 2015 | 31575,3 | 13058,3 | 171808,3 | 71184,1 | 27297,1 | 1711 |
| 2016 | 32120,5 | 13298,4 | 199993,4 | 88071,6 | 32541,2 | 1760 |
| 2017 | 32656,7 | 13520,3 | 254043 | 105229,9 | 37587,4 | 1798 |
| 2018 | 33254,1 | 13273,1 | 407514,5 | 121392,1 | 43689,7 | 1846 |
| 2019 | 33905,8 | 13608,8 | 511838,1 | 164184,2 | 51328,2 | 1892 |

Хулосани чуқурлаштириш, ҳақиқий ҳолатни ойдинлаштириш учун ушбу кўрсаткичларнинг 2000-2019 йиллардаги динамикаси қуйидаги жадвалда келтирилди (3.9-жадвал).

[78]Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

**3.9-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида доимий аҳоли сони, иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сони ва ЯИМнинг 2000-2019 йиллардаги ўсиш суръати динамикаси[79]**

| Йиллар | Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, % | Иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сонининг ўсиш суръати, % | ЯИМнинг ўсиш суръати, % |
|---|---|---|---|
| 2000 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |
| 2001 | 101,2 | 101,7 | 151,3 |
| 2002 | 102,5 | 103,9 | 228,8 |
| 2003 | 103,6 | 106,7 | 302,4 |
| 2004 | 104,9 | 110,3 | 376,6 |
| 2005 | 106,0 | 113,5 | 461,5 |
| 2006 | 107,5 | 116,5 | 648,9 |
| 2007 | 109,1 | 119,5 | 865,9 |
| 2008 | 111,0 | 122,9 | 1197,0 |
| 2009 | 112,9 | 126,1 | 1516,6 |
| 2010 | 117,4 | 129,5 | 1916,3 |
| 2011 | 119,1 | 132,7 | 2419,4 |
| 2012 | 120,9 | 136,1 | 3008,0 |
| 2013 | 122,9 | 139,4 | 3712,4 |
| 2014 | 125,0 | 142,7 | 4449,8 |
| 2015 | 127,3 | 145,4 | 5277,3 |
| 2016 | 129,5 | 148,0 | 6143,1 |
| 2017 | 131,6 | 150,5 | 7803,3 |
| 2018 | 134,0 | 147,8 | 12517,3 |
| 2019 | 136,6 | 151,5 | 15721,8 |

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2000-2019 йилларда мамлакат ЯИМнинг ўсиш суръати, 157,2 мартага ёки 15721,8 %га ўсганлигини кўриш мумин. Бу аҳолининг ўсишига нисбатан 115,1 марта (15721,8/136,6) кўпдир. Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати 136,6 %ни ташкил қилади. Иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сонининг ўсиш суръати эса 151,5 %ни ташкил қилмоқда. Ушбу кўрсаткичга нисбатан ЯИМнинг ўсиш суръати 103,8 мартани (15721,8/151,5) ташкил қилади. Ушбу кўрсаткичларни мамлакат ЯИМ билан қиёслаганда бир неча мартага кўпайгани мамлакат аҳолиси фаровонлигининг ошиб бораётганлигидан далолат беради.

[79]Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу ҳолат тўғрисида аниқ хулоса қилиш учун ушбу кўрсаткичларнинг графигини кўриш лозим. Буларнинг графиги қуйидаги расмларда келтирилган (3.1-расм).





**3.1-расм. Ўзбекистон Республикасида ЯИМнинг 2000-2019 йиллардаги ўсиш суръати динамикаси диаграммаси[80]**

Мамлакат ЯИМнинг 2000-2019 йиллардаги ўсиш суръати кескин ўзгарганлиги сабабли, уни алохида графигини олдик (3.1-расм). Диаграммадан кўриш мумкинки 2000 йилга нисбатан 2007 йилгача ЯИМнинг ўзгариш суръати нормал ҳолатда ўсиб келган, яъни 2007 йилда ЯИМнинг ўсиш суръати 865,9 %га тенг бўлган. 2008 йилдан бошлаб, жаҳон иқтисодий инқирозига қарамасдан, бу кўрсаткич кескин ўсганлигини кузатиш мумкин. Бу ҳам кўрсатадики, мамлакатимиз иқтисодиёти ўзига хос йўлдан бораётганлигидан далолат беради. Яна бир жиҳат иқтисодий ўсиш асосан ички имкониятларимиз эвазига ўсганлигидан далолатдир. Агар ташқи омиллар эвазига ўсаётган бўлсак, албатта инқироз пайтида ушбу кўрсаткич бунчалик жадал ривожланмаган бўлар эди. Ўзбекистон Республикасида доимий аҳоли сони ва иқтисодиётда

[80]3.9-жадвал асосида муаллиф ишланмаси.

банд бўлганларнинг ўртача йиллик сонининг 2000-2019 йиллардаги ўсиш суръати бир-бирига яқин бўлганлиги сабабли, уларнинг биргаликдаги графигини ишлаб чиқдик (3.2-расм).




**3.2-расм. Ўзбекистон Республикасида доимий аҳоли сони ва иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сонининг 2000-2019 йиллардаги ўсиш суръати динамикаси диаграммаси[81]**

Мазкур графикларга асосан ҳар бир кўрсаткичнинг динамикасидаги ўзгаришларни кўриш мумкин. Мамлакат ЯИМнинг ўсиш суръати бўйича математик моделнинг апракцимацияси, унинг полинамиял чизиғига тўғри келди. Бунинг формуласи қуйидагича ифодаланади:

$$y = 64{,}723x^2 - 740{,}69x + 1930{,}3$$
$$R^2 = 0{,}9339$$

*Бунда: y – натижа кўрсаткичи, яъни таҳлил қилинаётган кўрсаткичнинг i-йилдаги ҳажми;*

*x – тегишли йилларнинг кетма-кетлигини ифодаловчи ўзгарадиган миқдор;*

[81] 3.9-жадвал асосида муаллиф ишланмаси.

*$R^2$ - натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи коэффициент.*

Бу ерда $R^2 = 0,9339$ га тенглиги, ушбу кўрсаткичнинг вақт омили билан узвий боғлиқлигидан далолат беради. Юқоридаги формулаларга асосан мазкур кўрсаткичнинг 2000-2019 йиллардаги динамикаси асосида, уларнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган прогнозини аниқлаш мумкин.

Навбатдаги прогноз қилиниши лозим бўлган кўрсаткич иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг ўртача йиллик сонининг ўсиш суръати бўлиб ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръати бўйича математик моделнинг апракцимацияси, унинг полинамиял чизиғига тўғри келди. Бунинг формуласи қуйидаги шаклда ифодаланади:

$$\mathbf{y = -0,0297x^2 + 3,5737x + 93,975}$$
$$\mathbf{R^2 = 0,9925}$$

Мазкур ҳолатда ҳам $R^2 = 0,9925$ га тенглиги, ушбу кўрсаткичнинг ҳам ўрганилаётган вақт омили билан узвий боғлиқлигидан далолат беради. Ушбу кўрсаткичнинг 2000-2019 йиллардаги динамикаси асосида, уларнинг ҳам 2020-2025 йилларга мўлжалланган прогнозини аниқлаш мумкин.

Ушбу тизимга кирувчи кўрсаткичлардан бири доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати бўлиб ҳисобланади. Мазкур кўрсаткичнинг ўсиш суръати бўйича математик моделнинг апракцимацияси, унинг полинамиял чизиғига тўғри келди. Бунинг формуласи қуйидаги шаклда ифодаланади:

$$\mathbf{y = 0,0376x^2 + 1,1946x + 98,21}$$
$$\mathbf{R^2 = 0,996}$$

Доимий аҳоли сонини ифодаловчи кўрсаткичнинг 2000-2019 йиллардаги динамикаси асосида, уларнинг ҳам 2020-2025 йилларга мўлжалланган прогнозини аниқлаш мумкин. Мазкур ҳолатда ҳам $R^2 = 0,996$ га тенглиги, ушбу кўрсаткичнинг ҳам ўрганилаётган вақт омили билан узвий боғлиқлигидан далолат беради.

Юқоридаги ҳисоб-китоблар натижасида таҳлил қилинган кўрсаткичларнинг (доимий аҳоли сони, иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сони, ЯИМнинг ўсиш суръатини) 2020-2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларини аниқлаш учун юқоридаги формулаларни умумлаштириб,

ҳисоб-китобларни қисқартирилган ҳолда қуйидагича ифодалашни тавсия қиламиз (3.10-жадвал).

**3.10-жадвал**

**Аҳоли фаровонлиги, яшаш даражаси ва савдо хизматлари билан боғлиқ кўрсаткичларнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган прогнозининг ҳисоб-китобини амалга оширадиган формулалар[82]**

| Кўрсаткичлар | Математик моделларнинг формулалари | Натижа билан омиллар-нинг боғлиқ-лик даражаси |
|---|---|---|
| Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати | $y = 0{,}0376x^2 + 1{,}1946x + 98{,}21$ | $R^2 = 0{,}996$ |
| Иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сонининг ўсиш суръати | $y = -0{,}0297x^2 + 3{,}5737x + 93{,}975$ | $R^2 = 0{,}9925$ |
| ЯИМнинг ўсиш суръати | $y = 64{,}723x^2 - 740{,}69x + 1930{,}3$ | $R^2 = 0{,}9339$ |

Ушбу жадвалда ҳар бир кўрсаткич бўйича математик моделларнинг типлари ва натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик даражаси келтирилган. Кўриниб турибдики, доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сонининг ўсиш суръати, ЯИМнинг ўсиш суръати бўйича полинамияль моделдан фойдаланилган. Ушбу маълумотлар асосида ҳар бир кўрсаткичнинг прогнози аниқланди[83]. Мазкур ҳисоб-китоблар натижасини тегишли тарзда жадвалга киритиладиган бўлса, у қуйидагича шаклга эга бўлади (3.11-жадвал).

[82] Мазкур жадвал математик усулларни қўллаган ҳолда 3.9-жадвал ва ҳисоб-китоблар асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

[83] 4-илова.

**3.11-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида доимий аҳолисони, иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сони ва ЯИМнинг2000-2019 йиллардаги динамикаси ва 2020-2025 йиллардаги прогноз кўрсаткичлари[84]**

| Йиллар | Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, % | Иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сонининг ўсиш суръати, % | ЯИМнинг ўсиш суръати, % |
|---|---|---|---|
| 2000 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |
| 2001 | 101,2 | 101,7 | 151,3 |
| 2002 | 102,5 | 103,9 | 228,8 |
| 2003 | 103,6 | 106,7 | 302,4 |
| 2004 | 104,9 | 110,3 | 376,6 |
| 2005 | 106,0 | 113,5 | 461,5 |
| 2006 | 107,5 | 116,5 | 648,9 |
| 2007 | 109,1 | 119,5 | 865,9 |
| 2008 | 111,0 | 122,9 | 1197,0 |
| 2009 | 112,9 | 126,1 | 1516,6 |
| 2010 | 117,4 | 129,5 | 1916,3 |
| 2011 | 119,1 | 132,7 | 2419,4 |
| 2012 | 120,9 | 136,1 | 3008,0 |
| 2013 | 122,9 | 139,4 | 3712,4 |
| 2014 | 125,0 | 142,7 | 4449,8 |
| 2015 | 127,3 | 145,4 | 5277,3 |
| 2016 | 129,5 | 148,0 | 6143,1 |
| 2017 | 131,6 | 150,5 | 7803,3 |
| 2018 | 134,0 | 147,8 | 12517,3 |
| 2019 | 136,6 | 151,5 | 15721,8 |
| **2020** | **139,9** | **155,9** | **14918,7** |
| **2021** | **142,7** | **158,2** | **16961,1** |
| **2022** | **145,6** | **160,5** | **19132,9** |
| **2023** | **148,5** | **162,6** | **21434,2** |
| **2024** | **151,6** | **164,7** | **23864,9** |
| **2025** | **154,7** | **166,8** | **26425,1** |

Ушбу жадвал маълумотлари таҳлил қилинаётган соҳа ва кўрсаткичлар бўйича келажакда аҳвол қандай бўлишлигини ифода этади. Ҳисоб-китоблардан кўриниб турибдики, доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати 2000-2019 йилларда 13660 % ўсган бўлса, 2025 йилга бориб 154,7 % ўсиши кўзда тутилган.

[84]Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сонининг ўсиш суръати ҳам шу таҳлил қилган даврда 151,5 %га ўсган бўлса, ушбу кўрсаткичнинг миқдори 2025 йилда 166,8 %га етиши мўлжалланган. Ўзбекистонда ЯИМ 2000-2019 йилларда 157,2 мартага ўсган бўлса 2025 йилга бориб, унинг ўсиши 264,3 мартага ўсиши кўзда тутилмоқда. Ушбу прогнозлардан ҳам кўриниб турибдики, бу кўрсаткичларнинг ўсиш суръати аҳолининг фаровонлигини ошириш билан бирга мамлакат иқтисодиётининг ҳам юксалишига хизмат қилади. Худди шундай ҳолатни келгусида ҳам сақлаб қолиш чора-тадбирларини кўриш керак бўлади.

Ҳисоб-китоб қилинган прогноз кўрсаткичларининг 2019 йилга нисбатан қандай ҳолатда эканлиги бошқарув қарорларини қабул қилиш учун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу заруратдан келиб чиқиб, ушбу кўрсаткичлар ҳисоб-китобини қуйидаги жадвалда келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик (3.12-жадвал).


**3.12-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида доимий аҳоли сони, иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сони ва ЯИМнинг 2019 йилга нисбатан 2020-2025 йиллардаги прогноз кўрсаткичлари[85]**

| Т/р | Йиллар | Доимий аҳоли сони | | Иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сони | | ЯИМнинг суммаси | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | минг киши | ўсиш суръати,% | минг киши | ўсиш суръати,% | млрд. сўм | ўсиш суръати,% |
| 1. | 2019 | 33905,8 | 100,0 | 13608,8 | 100,0 | 511838,1 | 100,0 |
| 2. | 2020 | 34713,5 | 102,4 | 14004,5 | 102,9 | 485693,2 | 94,9 |
| 3. | 2021 | 35408,3 | 104,4 | 14211,1 | 104,4 | 552185,6 | 107,9 |
| 4. | 2022 | 36127,9 | 106,6 | 14417,7 | 105,9 | 622890,7 | 121,7 |
| 5. | 2023 | 36847,5 | 108,7 | 14606,4 | 107,3 | 697811,8 | 136,3 |
| 6. | 2024 | 37616,7 | 110,9 | 14795,0 | 108,7 | 776945,7 | 151,8 |
| 7. | 2025 | 38385,9 | 113,2 | 14983,6 | 110,1 | 860295,6 | 168,1 |

[85]Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Мазкур таҳлил маълумотлари кўрсатишича доимий аҳоли сони, 2019 йилга нисбатан 2020-2025 йиллардаги прогноз кўрсаткичлари 113,2 %га ошиши кўрсатилган. Иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сони ҳам 110,1 % ошиши кўзда тутилган. Бундан кўриниб турибдики, аҳолининг умумий сонининг ўсишига нисбатан иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сони камроқ ўсган. Ушбу ҳолатни ўзгартиришни тақозо қилади. Чунки иқтисодиётни ривожлантириш учун, ишсизликни камайтириш учун янги иш ўринларини кўпроқ яратиш ва иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сонининг ўсиш суръатини оширишни тақозо қилади. Демак биз 2000-2019 йил ҳолатидан кескин ўзгартиришимиз лозим экан. ЯИМнинг ўсиш суръати шу йилларда 168,1 %га ўсиши прогноз қилинмоқда. Бу аҳолининг фаровонлиги ошиб бораётганлигидан далолат беради.





**3.3-расм. Ўзбекистон Республикасида ЯИМнинг2000-2019 йиллардаги динамикаси ва 2020-2025 йиллардаги прогноз кўрсаткичлари диаграммаси[86]**

[86]3.11-жадвал асосида муаллиф ишланмаси.

Ушбу ҳолатлар тўғрисида аниқ хулосага келиш учун ҳар бирининг графигини кўриб чиқиш лозим. Мамлакат ЯИМнинг ўсиш суръати қуйидагича ҳолатга эга бўлган (3.3-расм).

Расмдан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида ЯИМнинг 2000-2019 йиллардаги динамикаси ва 2020-2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари диаграммаси унинг охирги йилларда кескин ривожланаётганлигини кўриш мумкин. Ушбу тенденциянинг прогноз қилинган йилларда ҳам сақланиб қолаётганлиги ўсиш суръатларининг маълум қонуниятларга асосланганлигидан далолат бериб турибди.

Навбатдаги жараёнда Ўзбекистон Республикасида доимий аҳоли сони ва иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сонининг 2020-2025 йиллардаги прогноз кўрсаткичлари диаграммасини тадқиқ қилиб тегишли хулоса чиқаришдан иборатдир. Ушбу ҳолат кўрсатмоқдаки, таҳлил қилинаётган иккита кўрсаткич ҳам шу прогноз қилинган йилларда ўсган. Аммо 2000 йилга нисбатан 2025 йилда иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сонининг ўсиш суръати 166,8 %ни ташкил қилган бир паллада




**3.4-расм. Ўзбекистон Республикасида доимий аҳоли сони ва иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сонининг 2000-2019 йиллардаги динамикаси ва 2020-2025 йиллардаги прогноз кўрсаткичлари диаграммаси[87]**

[87]3.11-жадвал асосида муаллиф ишланмаси.

аҳоли сонининг ўсиши 154,7 %ни ташкил қилган. Бу аҳолининг сонига нисбатан банд аҳоли ўсишининг таъминланганлигидан далолат беради. Бу яхши жараён, аммо 2020-2025 йиллардаги ўсиш тенденцияси ушбу ҳолатнинг тескариси бўлган. Бунга келгусида йўл қўйиб бўлмайди. Одатда иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сонининг ўсиш суръати жадаллигини таъминлашни тақозо қилади. Ушбу ҳолатнинг диаграммаси қуйидаги расмда келтирилган (3.4-расм).

Ушбу расм юқоридаги хулосаларнинг яққол ифодаси эканлигини кўрсатиб турибди.

**3.13-жадвал**


**Ўзбекистон Республикасида чакана товар айланмаси, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ва савдода банд ходимлар сонининг 2000-2019 йиллардаги динамикаси[88]**

| Йиллар | Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, % | Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг ўсиш суръати, % | Савдода банд ходимлар сонининг ўсиш суръати, % |
|---|---|---|---|
| 2000 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |
| 2001 | 151,0 | 152,4 | 103,2 |
| 2002 | 211,8 | 229,6 | 103,6 |
| 2003 | 240,0 | 306,0 | 108,1 |
| 2004 | 267,8 | 401,2 | 113,8 |
| 2005 | 312,0 | 525,5 | 119,9 |
| 2006 | 417,0 | 708,0 | 129,6 |
| 2007 | 535,6 | 980,4 | 139,9 |
| 2008 | 709,5 | 1493,1 | 150,7 |
| 2009 | 944,0 | 1950,6 | 157,3 |
| 2010 | 1223,7 | 2535,7 | 164,9 |
| 2011 | 1596,6 | 3394,9 | 170,2 |
| 2012 | 2067,9 | 4393,1 | 176,4 |
| 2013 | 2621,7 | 5855,7 | 182,9 |
| 2014 | 3252,4 | 7225,7 | 189,8 |
| 2015 | 3982,3 | 8808,4 | 226,9 |
| 2016 | 4927,1 | 10500,6 | 233,4 |
| 2017 | 5887,0 | 12128,9 | 238,5 |
| 2018 | 6791,2 | 14098,0 | 244,8 |
| 2019 | 9185,1 | 16562,8 | 250,9 |

[88]Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Энди мамлакатимизда аҳоли фаровонлигига бевосита таъсир қилувчи чакана товар айланмаси, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ва савдода банд ходимлар сонининг 2000-2019 йиллардаги динамикасини таҳлил қилиб кўрамиз. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (3.13-жадвал).

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2000-2019 йилларда чакана товар айланмасининг ўсиш суръати 91,9 мартага ёки 9185,1 %га ўсган. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг шу даврдаги ўсиш суръати 16,6 мартага ёки 16562,8 %га тенг бўлган. Навбатдаги кўрсаткич – савдода банд ходимлар сонининг ўсиш суръати 2,5 мартага ёки 250,9 %га ўсган. Кўриниб турибдики, аҳолининг фаровонлиги шу таҳлил қилинган 2000-2019 йилларда муттасил ошиб борган. Айниқса охирги йилларда уларнинг ўсиш суръати сезиларли даражада ўсган. Буларнинг графиги қуйидаги расмда келтирилган (3.5-расм).




**3.5-расм. Ўзбекистон Республикасида чакана товар айланмаси, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ва савдода банд ходимлар сонининг 2000-2019 йиллардаги динамикаси диаграммаси[89]**

[89]3.13-жадвал асосида муаллиф ишланмаси.

Мазкур графикка асосан ҳар бир кўрсаткичнинг динамикасини аниқлаб олиш мумкин. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг ўсиш суръати бўйича математик моделнинг апракцимацияси, унинг полинамиял чизиғига тўғри келди. Бунинг формуласи қуйидагича ифодаланади

$$y = 64{,}611x^2 - 560{,}51x + 1194{,}5$$
$$R^2 = 0{,}996$$

Ушбу формулага асосан мазкур кўрсаткичнинг 2000-2019 йиллардаги динамикаси асосида, уларнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган прогнозини аниқлаш мумкин.

Навбатдаги прогноз қилиниши лозим бўлган кўрсаткич чакана товар айланмаси ўсиш суръати бўлиб ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръати бўйича математик моделнинг апракцимацияси, унинг полинамиял чизиғига тўғри келди. Бунинг формуласи қуйидаги шаклда ифодаланади:

$$y = 37{,}056x^2 - 383{,}5x + 980{,}4$$
$$R^2 = 0{,}9819$$

Ушбу кўрсаткичнинг 2000-2019 йиллардаги динамикаси асосида, уларнинг ҳам 2020-2025 йилларга мўлжалланган прогнозини аниқлаш мумкин. Савдода банд ходимлар сонининг ўсиш суръати ҳам ушбу кўрсаткичлар тизимига киради. Компьютер дастури кўрсатдики, мазкур кўрсаткичнинг ўсиш суръати бўйича математик моделнинг апракцимацияси, унинг полинамиял чизиғига тўғри келди. Бунинг формуласи қуйидаги шаклда ифодаланади:

$$y = 0{,}2155x^2 + 4{,}0616x + 91{,}665$$
$$R^2 = 0{,}9852$$

Юқоридаги кўрсаткичлар сингари савдода банд ходимлар сони умумий ҳажмининг динамикасини ифодаловчи кўрсаткичнинг 2000-2019 йиллардаги динамикаси асосида, уларнинг ҳам 2020-2025 йилларга мўлжалланган прогнозини аниқлаш мумкин.

Мазкур ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун унда келтирилган формулаларни жамлаб оламиз. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (3.14-жадвал).

**3.14-жадвал**

**Чакана товар айланмаси, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ва савдода банд ходимлар сонининг 2020-2025 йилларга мўлжалланган прогнозининг ҳисоб-китобини амалга оширадиган формулалар[90]**

| Кўрсаткичлар | Математик моделларнинг формулалари | Натижа билан омиллар-нинг боғлиқ-лик даражаси |
|---|---|---|
| Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати | $y = 37{,}056x^2 - 383{,}5x + 980{,}4$ | $R^2 = 0{,}9819$ |
| Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнингўсиш суръати | $y = 64{,}611x^2 - 560{,}51x + 1194{,}5$ | $R^2 = 0{,}996$ |
| Савдода банд ходимлар сонининг ўсиш суръати | $y = 0{,}2155x^2 + 4{,}0616x + 91{,}665$ | $R^2 = 0{,}9852$ |

Ушбу жадвалда ҳам ҳар бир кўрсаткич бўйича математик моделларнинг типлари ва натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик даражаси келтирилган. Кўриниб турибдики, чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг ўсиш суръати, савдода банд ходимлар сонининг ўсиш суръати бўйича ҳам полинамияль моделдан фойдаланилган. 3.14-жадвалдаги формулалар асосида ҳар бир кўрсаткичнинг прогнози аниқланди[91].

Ҳисоб-китоблар натижасида 2020-2025 йиллардаги прогноз кўрсаткичлари ҳосил бўлди. Ушбу прогноз кўрсаткичларини қўшган ҳолда қуйидагича жадвал шакллантирилди (3.15-жадвал).

Ушбу прогноз кўрсаткичлари таҳлил қилинаётган маълумотларнинг келажакда аҳвол қандай бўлишлигини ифода этиш юзасидан бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини беради. Ҳисоб-китобдардан кўриниб турибдики, Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати 2000-2019 йилларда 91,9 мартага ёки 9185,1 % ўсган бўлса, 2025 йилга бориб 16,6 мартага ёки 16059,3 % ўсиши кўзда тутилган. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг ўсиш суръати ҳам шу таҳлил қилган даврда 165,6 мартага ёки 16562,8 %га

[90] Мазкур жадвал математик усулларни қўллаган ҳолда 3.9-жадвал ваҳисоб-китоблар асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

[91] 5-илова

**3.15-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида чакана товар айланмаси, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ва савдода банд ходимлар сонининг 2000-2019 йиллардаги динамикаси 2020-2025 йиллардаги прогноз кўрсаткичлари[92]**

| Йиллар | Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, % | Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг ўсиш суръати, % | Савдода банд ходимлар сонининг ўсиш суръати, % |
|---|---|---|---|
| 2000 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |
| 2001 | 151,0 | 152,4 | 103,2 |
| 2002 | 211,8 | 229,6 | 103,6 |
| 2003 | 240,0 | 306,0 | 108,1 |
| 2004 | 267,8 | 401,2 | 113,8 |
| 2005 | 312,0 | 525,5 | 119,9 |
| 2006 | 417,0 | 708,0 | 129,6 |
| 2007 | 535,6 | 980,4 | 139,9 |
| 2008 | 709,5 | 1493,1 | 150,7 |
| 2009 | 944,0 | 1950,6 | 157,3 |
| 2010 | 1223,7 | 2535,7 | 164,9 |
| 2011 | 1596,6 | 3394,9 | 170,2 |
| 2012 | 2067,9 | 4393,1 | 176,4 |
| 2013 | 2621,7 | 5855,7 | 182,9 |
| 2014 | 3252,4 | 7225,7 | 189,8 |
| 2015 | 3982,3 | 8808,4 | 226,9 |
| 2016 | 4927,1 | 10500,6 | 233,4 |
| 2017 | 5887,0 | 12128,9 | 238,5 |
| 2018 | 6791,2 | 14098,0 | 244,8 |
| 2019 | 9185,1 | 16562,8 | 250,9 |
| **2020** | **9268,6** | **17917,2** | **272,0** |
| **2021** | **10478,5** | **20135,0** | **285,3** |
| **2022** | **11762,5** | **22482,0** | **299,1** |
| **2023** | **13120,7** | **24958,2** | **313,3** |
| **2024** | **14552,9** | **27563,6** | **327,9** |
| **2025** | **16059,3** | **30298,3** | **343,0** |

ўсган бўлса, ушбу кўрсаткичнинг миқдори 2025 йилда 303 мартага ёки 30298,3 %га етиши мўлжалланган. Савдода банд ходимлар сонининг ўсиш суръати 2000-2019 йилларда 250,9 %га ўсган бўлса 2025 йилга бориб, унинг ўсиши 343,0 %га етиши кўзда тутилмоқда. Ушбу прогнозлардан ҳам кўриниб

[92]Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

турибдики, бу кўрсаткичларнинг ўсиш суръати аҳоли фаровонлигининг муҳим омили бўлган чакана товар айланмасининг ва аҳолига кўрсатиладиган пуллик хизматларнинг ошиши билан бирга мамлакат иқтисодиётининг ҳам юксалиб бораётганлигидан далолат беради. Шу туфайли мазкур ҳолатни келгусида ҳам сақлаб қолиш чора-тадбирларини кўриш лозим, деб ўйлаймиз. Бунинг учун ҳар бир кўрсаткичнинг ўсиш суръатини таъминлаш бўйича аниқ бошқарув қарорларини қабул қилиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасида чакана товар айланмаси, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ва савдода банд ходимлар сонининг ҳисоб-китоби бўйича аниқланган прогноз кўрсаткичларининг 2019 йилга нисбатан қандай ҳолатда эканлигини аниқлаш учун қуйидаги жадвални тузишни мақсадга мувофиқ, деб топдик (3.16-жадвал).

**3.16-жадвал**


**Ўзбекистон Республикасида чакана товар айланмаси, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ва савдода банд ходимлар сонининг 2019 йилга нисбатанн 2020-2025 йиллардаги прогноз кўрсаткичлари[93]**

| Т/р | Йиллар | Чакана товар айланмаси | | Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш | | Савдода банд ходимлар сони | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | млрд. сўм | ўсиш суръ-ати,% | млрд. сўм | ўсиш суръ-ати,% | минг киши | ўсиш суръ-ати,% |
| 1. | 2019 | 164184,2 | 100,0 | 51328,2 | 100,0 | 1892 | 100,0 |
| 2. | 2020 | 165676,2 | 100,9 | 55525,40 | 108,2 | 2051 | 108,4 |
| 3. | 2021 | 187303,2 | 114,1 | 62398,4 | 121,6 | 2151 | 113,7 |
| 4. | 2022 | 210254,7 | 128,1 | 69671,7 | 135,7 | 2255 | 119,2 |
| 5. | 2023 | 234532,5 | 142,9 | 77345,5 | 150,7 | 2362 | 124,8 |
| 6. | 2024 | 260133,1 | 158,4 | 85419,6 | 166,4 | 2472 | 130,7 |
| 7. | 2025 | 287059,9 | 174,8 | 93894,4 | 182,9 | 2586 | 136,7 |

Мазкур таҳлил маълумотлари прогноз қилинган кўрсаткичлар бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш учун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу заруратдан келиб чиқиб, ушбу кўрсаткичлар ҳисоб-китобини 2019 йилга нисбатан аниқлаш лозим, деб ўйлаймиз. Чакана товар айланмаси, 2019 йилга нисбатан 2020-2025 йиллардаги прогноз кўрсаткичлари 174,8 %га ошиши

[93]Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

кўрсатилган. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш  хажми 182,9 %га ошиши кўзда тутилган. Савдода банд ходимлар сони эса 136,7 %га ошиши мумкинлиги кўрсатилмоқда. Бундан кўриниб турибдики, чакана товар айланмаси, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ва савдода банд ходимлар сонининг ўсиши рўй берган. Ушбу ҳолат савдода банд ходимлар сонининг тезроқ ўсишига эришишни тақозо қилади. Чунки иқтисодиётни ривожлантириш учун, ишсизликни камайтириш учун янги иш ўринларини кўпроқ яратиш ва иқтисодиётда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сонининг ўсиш суръатини ошириш учун ҳам ҳар бир соҳада банд бўлган ходимлар сонининг ўсишига эришиш лозим бўлади. Демак, шу даврда аҳолининг фаровонлигини ошириш борасида аниқ йўналишларга эришиш учун қайси йўналишга аҳамият бериш лозимлигига аниқлик киритиш лозим бўлади. Бунинг учун ушбу кўрсаткичлар ҳар бирининг графигини кўриб чиқишни тақозо қилади. Ушбу кўрсаткичларнинг ўсиш суръати қуйидагича ҳолатга эга бўлган (3.6-расм).




**3.6-расм. Ўзбекистон Республикасида чакана товар айланмаси, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ва савдода банд ходимлар сонининг 2000-2019 йиллардаги динамикаси ва 2020-2025 йиллардаги прогноз кўрсаткичлари диаграммаси[94]**

[94]3.15-жадвал асосида муаллиф ишланмаси.

Мазкур диаграммада Ўзбекистон Республикасида чакана товар айланмаси, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ва савдода банд ходимлар сонининг 2000-2019 йиллардаги динамикаси ва 2020-2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари келтирилган. Булардан ҳам кўриниб турибдики, чакана товар айланмаси ва аҳолига кўрсатилган пуллик хизмат ҳажми кескин ўсган ва бу тенденция 2020-2025 йилларда ҳам сақланиб қолмоқда. Аммо савдода банд ходимлар сонининг 2020-2025 йиллардаги прогноз кўрсаткичлари анча паст даражада. Юқорида кўрсатилганидек, ушбу кўрсаткични ҳам жадаллаштириш чораларини кўриш лозим бўлади.

Бу ерда чакана товар айланмасининг савдода банд ходимлар сони ўзгаришига нисбатан жадаллик коэффициенти 1,28 ни (174,8/136,7) ташкил қилади. аҳолига кўрсатиладиган пуллик хизматларнинг жадаллик коэффициенти эса, 1,34 ни (182,9/136,7) ташкил қилади. Ушбу кўрсаткичларнинг 2020-2025 йиллардаги прогноз кўрсаткичларидаги ҳолатни ўзгартириб, улар ўртасидаги жадаллик коэффициентларини қисқартиришга эришиш лозим.

## ХУЛОСА

Савдо хизматларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш орқали аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш йўлларини тадқиқ қилиш қуйидаги илмий-назарий ва амалий хулосаларни шакллантириш ва тавсияларни ишлаб чиқиш имконини берди:

1. Тадқиқот жараёнида савдо хизматини такомиллаштириш орқали аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини оширишнинг илмий-назарий ва амалий масалаларини тадқиқ қилиш натижасида «аҳоли фаровонлиги», «ҳаёт даражаси», «ҳаёт сифати», «моддий неъматлар», «номоддий неъматлар» каби тушунчаларнинг таърифлари такомиллаштирилган.

2. Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозимлиги асосланди ва қуйидаги кўрсаткичлар тизимини тавсия қилади: аҳолининг тегишли товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжининг қондирилиш даражаси; меҳнат фаолиятида (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш) хавфсизликнинг таъминланганлик даражаси; аҳолининг реал даромадларининг ўсиш даражаси; аҳолининг экологик жиҳатдан тоза маҳсулотларни истеъмол қилиш даражаси; маданий-маиший дам олишининг ташкил қилинганлик даражаси; касбни эркин танлаш ва тегишли маълумотни олиш имконияти; соғлиқни сақлаш учун шароитнинг яратилганлик даражаси; коммунал хизматларнинг яхши йўлга қўйилганлиги ва уларнинг сифатлилик даражаси. Ушбу кўрсаткичларнинг аниқланиш йўллари ҳам ишлаб чиқилди.

3. Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ўзгартиришига таъсир қилувчи бевосита ва билвосита ҳамда таъсир қилмайдиган кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди ва уларнинг мазмуни назарий жиҳатдан очиб берилди.

4. Савдо хизмати ва аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати ўртасидаги диалектик боғлиқликнинг назарий масалалари ҳам тадқиқ қилинди. Унда савдо айланмасининг таркибий тузулиши аҳоли фаровонлигини белгиловчи муҳим кўрсаткич эканлиги ва мос равишда, савдо хизматларини кўрсатиш эвазига

аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш мумкинлиги хусусида назарий далиллар келтирилган.

5. Товар айланмаси савдо корхоналари кўрсатадиган хизматларнинг натижавий кўрсаткичи бўлиб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлайдиган, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини белгилайдиган муҳим кўрсаткич эканлиги ва унинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти беқиёс эканлиги назарий жиҳатдан очиб берилди. Мазкур кўрсаткичнинг аҳамияти ўн иккита бандда ўз ифодасини топган.

6. Аҳоли фаровонлиги, унинг ҳаёт даражаси ва сифатининг оширилиши савдо корхоналари кўрсатадиган хизматларининг ҳолатига бевосита боғлиқлигини инобатга олиб, бугунги кунда савдони ривожлантириш учун эътиборни қишлоқ аҳолисига қаратиш лозимлиги ҳам асосланди. Шу билан бирга қишлоқда савдони ривожлантиришдаги асосий муаммолар нималардан иборатлиги, уларни ҳал қилиш йўллари бўйича бир қанча таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

7. Инсон манфаатлари, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини белгиловчи асосий устувор вазифалар, уларни ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари тавсия қилинди. Инсон манфаатларини баҳолаш учун уларни йўналишлари бўйича қараб чиқилиб, инсон манфаатларининг иқтисодий жиҳатдан қондирилишини баҳолаш учун макро даражада кўрсаткичлар тавсия қилинди. Буларга:

- инсонларнинг товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларининг қондирилиш даражаси;
- инсонларнинг товар ва хизматларга бўлган талабининг қондирилиш даражаси;
- яратилган ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) аҳоли жон бошига тўғри келиши;
- сотилган товар ва хизматлар ҳажмининг аҳоли жон бошига тўғри келиши;

- аҳолининг фақат хизматларга бўлган эҳтиёжининг қондирилишини аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажмини киритиш лозимлиги асосланди.

8. Аҳолининг фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини ифодаловчи кўрсаткичларни миллий ҳисоблар тизими (МҲТ-2008) стандартлари ва тамойиллари асосида такомиллаштирилди, уларнинг савдо хизматлари соҳасидаги ўрнига баҳо берилиб, кўрсаткичларни интеграл баҳолаш имкониятларини кенгайтириш натижасида аҳолининг фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими такомиллаштирилди, уларнинг сони 8 тадан 14 тага етказиб, ушбу жараённи тўлиқ баҳолаш имкони яратилди.

9. Савдо корхоналарида хизматлар самарадорлиги ва сифатини ошириш жараёнида инновацион омиллардан фойдаланиш йўлларини такомиллаштириш мақсадида савдо кластерини ташкил қилиш тартиби ишлаб чиқилиши савдо кластерини ташкил қилиш эвазига савдо хизматлари самарадорлиги ва сифатини оширишга инновацион омиллар таъсирини статистик баҳолаш, махсус дастурлар, “йўл хариталари”, чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имкониятларини кенгайтирди.

10. Аҳолига сифатли савдо хизматларини кўрсатиш орқали тегишли товарларни ўз вақтида етказиб бериш эвазига аҳолининг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида савдо кластери шакллантирилди. Шу жиҳатдан савдо аҳоли фаровонлигининг муттасил ошиб боришига хизмат қилади. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, аҳоли фаровонлиги ва савдонинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш мақсадида аҳолининг фаровон турмушини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди. Булар таркибига қуйидаги кўрсаткичлар киритилди:

